



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИНИ  
ЎРГАНИШ КУРСИ

“ЎЗБЕКИСТОН”

Р.К.ҚАЮМОВ, М.М.МИРҲАМИДОВ  
А.Т.ТЎЛАҒАНОВ, О.Т.ҲУСАНОВ, У.Ж.ҲОТАМОВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ КУРСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги магистратуранинг  
ноюрidik ихтисосликлари учун ўқув қўланма  
сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ  
"ЎЗБЕКИСТОН"  
2001

67.99(5y)01

Ў 32

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Комиссия маъқуллаган**

Тақризчи: юридик фанлари доктори, профессор *М.М.Файзиев*  
Муҳаррир: *А. Ҳакимжонова*

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-  
Ў 32 ни ўрганиш курси; Магистратуранинг ноюри-  
дик ихтисосликлари учун ўқув қўлланма — Т.:  
"Ўзбекистон", 2001. — 239 б.**

1. Жамоа

ISBN 5-640-02912-X

Ушбу ўқув курси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январь "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги" Фармойишига мувофиқ олий ўқув юртлари ноюрдик факультетлари магистрларининг Конституция буйича билимларини умумлаштириш мақсадида ёзилган бўлиб, унда талабаларга Конституциямизнинг давлат ҳаётида, жамият тараққиётида, ҳуқуқий давлат қуришда, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва муҳим аҳамияти тушунтирилган.

Мазкур дарслик ноюрдик ўқув юртлари магистрлари учун ёзилган биринчи ўқув қўлланма бўлиб, бу ўқув қўлланма буйича ўқувчиларда мулоҳазалар, тақлифлар бўлса, муаллифлар уларни қабул қилишга ва келгуси ёзиладиган дарсликларда қўллашга тайёрдирлар.




ББК 67.99(5Y)01

№ 207-01

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси

К 1203020100-79 2001  
М 351 (04) 2001



© "ЎЗБЕКИСТОН нашриёти, 2001 й.

## КОНСТИТУЦИЯ — АСОСИЙ ҚОНУН

### 1. КОНСТИТУЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ

{ "Конституция" атамаси даставвал антик дунё мутафаккирлари томонидан ишлатилган. Қадимда Рим императорлари декретларининг маълум тури "Конституция" деб юритилган. Феодализм даврига келиб "Конституция" терминига мос келувчи "**Асосий қонун**" ибораси кенг қўлланилган.

Ҳозирда қўлланилаётган Конституция атамасининг на қадимги ва на феодал даврдаги атамаларга моҳиятан мос келмаслигини Конституциянинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида юридик база, яъни асос бўлиб ҳисобланаётган хусусиятидан ҳам англаш мумкин.

Конституциянинг моҳиятини очиб беришда дунёдаги илк конституцияларнинг вужудга келиш зарурияти ва шарт-шароитлари ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Зеро, конституциянинг пайдо бўлиши эволюциявий ривожланиш ҳамда тараққиёт маҳсули ҳисобланиб, кишилик жамиятининг ҳуқуқий соҳадаги улкан ютуғидир. Шунингдек, ўз навбатида, у кишилик жамияти ҳаётининг кейинги тараққиётидаги барча соҳалар бўйича бирламчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

- Том маънодаги Конституциянинг асл мазмунини англаш учун ҳозирда қўлланилаётган икки маънодаги "Конституция", яъни фактик конституция ҳамда юридик конституция тушунчасини фарқлашимиз лозим.

**Фактик конституция** ижтимоий тузум ҳамда унда амалда мавжуд бўлган муносабатларга, уларнинг ҳаққоний тарзда акс эттирилган иқтисодий, сиёсий ва маънавий асосларига, мамлакатдаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини билдирувчи аниқ белгиларга таянади. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва унинг амалга оширилиши, давлат ва шахс орасидаги мавжуд муносабатлар ҳам фактик конституциянинг мазмунини билдиради.

**Юридик конституция** эса аввало ҳужжат, ҳужжат бўлганда ҳам энг асосий, олий юридик кучга эга бўлган, қабул қилиниши, ўзгартирилиши ҳамда таркибига қўшимча киритилиши мураккаб тарзда амалга ошириладиган ҳужжатдир.

Биз юқорида таъриф берилган тушунчалардан фойдаланиб, ҳар бир давлатнинг Конституцияси қанчалик амалда қўлланилаётганини, яъни том маънодаги Конституция вазифасини қай даражада бажара олаётганлигини билишимиз мумкин. Конституциянинг том маънода ҳақиқий, амалдаги конституция бўлишлиги учун фактик конституция юридик конституцияга мос келиши лозим. Юридик конституцияда белгиланган тамойиллар, меъёрлар ҳақиқатда жамият ва давлат ҳаётидаги муносабатларни изчиллик билан тартибга солиб борса, ушбу конституциянинг ишлаётганлигини, амалда эканлигини англай оламиз.

Шунинг учун ҳам конституцияларни жамият ва давлат томонидан амалда қўллаб-қувватланиши маълум шарт-шароитларни, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий асосларни талаб қилади. Конституцияни давлат ва жамият ҳаётига сингиб кетиши учун турли мезонлар мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси демократик ғоялар ҳамда умуминсоний қадриятлар билан бовлиқдир.

**Юридик конституциянинг** моҳиятан тўрт белгиси мавжудлиги алоҳида эътиборга молик: биринчидан, у асосий қонун, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги ва

ҳуқуқни қўллаш фаолияти бўйича бирламчи манба; иккинчидан, конституция олий юридик куч соҳиби, яъни қолган барча қонунлар, қонун ости актлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти фақат Конституцияга мос келиши шарт, акс ҳолда улар ўз кучини йўқотади; учинчидан, Конституциянинг қабул қилиниши махсус таъсис мажлислари ёки бошқа олий вакилик органлари (парламент) томонидан, улар таркибидан кўпчилик овозлар (2/3, 3/5 ва ҳоказо) ёқлаши орқали амалга оширилади, шу билан биргаликда ушбу талаблар Конституция моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибига ҳам тааллуқлидир; тўртинчидан, Конституция томонидан мавжуд алоҳида махсус, яъни ижтимоий-иқтисодий тузум асослари, сиёсий тизим, шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, жамиятдаги маънавий, маданий, диний муносабатларнинг тартибга солинишидир. Булардан ташқари, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан унинг таъсир доираси кенглиги, умумий ва комплекслиги билан диққатга сазовордир.

Конституциянинг моҳияти юридик мактаб вакиллари томонидан турлича талқин этиб келинмоқда. Табиий ҳуқуқ мактаби намояндалари конституцияни жамият аъзоларининг ўзаро шартномаси, нормативчилар олий ва асосий норма, институтчионализм вакиллари эса нафақат давлат, шу билан бирга жамиятнинг барча бирлашмаларининг ташкилий мақоми сифатида баҳолайди. Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқ фанида Конституция нафақат юридик ҳужжат, шунингдек, ҳам сиёсий, ҳам воявий ҳужжат ҳисобланади.

Сиёсий ҳужжат сифатида "Конституция" жамиятда мавжуд ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатини мустақкамлаб қўяди. Бунда биз уларнинг кураши ёки ҳамкорлиги, баъзан ўзаро келишувининг гувоҳи бўламиз. Баъзи конституциялар мав-

жуд мамлакатдаги ҳукмдор табақаларнинг ёки ҳарбий-сиёсий гуруҳларнинг манфаатларига йўналтирилган сиёсий жараёнларни мақбул деб топади ва уларга хизмат қилади. Конституция мамлакатдаги умуминсоний қадриятлар даражасини, жамиятнинг ривожланишидаги йўналишларни белгилаб берувчи дастур сифатида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун ҳам турли давлатлар конституциялари моҳиятан ўзгача ижтимоий мазмун касб этади.

Ҳақиқат сифатида "Конституция" жамиятдаги мавжуд ҳукмдор ҳолатларни ўзида ифода этади. Мамлакатдаги ички шарт-шароит, ижтимоий-сиёсий воқелик, сиёсий устувор йўналишларнинг таъминланишига қаратилган саъи-ҳаракатлар замирида, албатта маълум ҳолатлар тизими мавжудлиги шубҳасиздир.

Конституциянинг юридик табиати унинг таркибини ташкил этувчи нормалар мазмуни ва қўламига боғлиқ. Конституция нормалари ижтимоий тузум асосларини (мулк шакллари, иқтисодни бошқаришни ташкил қилиш, партиявий тизим ва ҳоказо), давлат тузумини (давлат бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли, сиёсий режим), шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатининг асосий томонларини (меҳнат ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, сўз эркинлиги ва ҳоказо) белгилаб беради. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши натижасида эрксевар халқимизнинг асрий орзу умидларининг ушалиши, ўзбек давлатчилигининг ривожланиши, инсонпарвар фуқаровий жамиятни шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадида яратилган ва **1992 йил 8 декабрда** қабул қилинган Конституциямизнинг моҳиятини ва аҳамиятини чуқур англаб етишимиз, шунингдек, унинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрнини муносиб баҳолашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий хусусиятлари орқали унинг моҳияти ҳамда

аҳамиятини янада кенгроқ тушуниш имкониятига эга бўламиз. Ушбу хусусиятлар сирасига бевосита қуйидагиларни киритиш мумкин:

— Ўзбекистон халқи ўз тарихида биринчи мустақил Конституциясини яратди ва шу орқали келажак тақдирини белгилаб олди;

— Ўзбекистон Конституциясининг яратилишида жаҳон конституциявий тажрибасидан кенг фойдаланилди ва шу билан бирга ушбу Конституция жаҳон конституциялари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Буни дунёнинг етакчи давлат ва фан арбоблари эътироф этиб келмоқда;

— Конституциямиз миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, аждодларимизнинг маънавий меросини ўзида мужассам этган ғоялар билан суғурилди;

— Конституциямизнинг энг асосий мақсади инсонни, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгандир;

— жамият ҳаётини эркинлаштириш, сиёсий парокандаликларга чек қўйиш, сиёсий онгни шакллантириш билан кўппартиявийликни таъминлаш, ҳурфикрликни қўллаб-қувватлаш бош вазифалардан деб эътироф этилди;

— кўп миллатли Ўзбекистон давлатида барча халқлар ва миллатларнинг тинч-тотув яшашлари учун кафолатлар яратилди;

— ҳокимият тармоқлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятларига бўлиб қўйилди ва уларнинг пировард мақсади давлат ҳокимиятини амалга оширишда баҳамжиҳат фаолият кўрсатиш ҳамда фақат жамият аъзолари — Ўзбекистон халқига хизмат қилишдир;

— мансабдор шахслар, давлат органлари ва идоралари жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар;



— бевосита демократия шаклларининг мустаҳкам-  
ланиши ва мавжудлиги жамият ҳаётининг бош йўна-  
лишларини белгилаб беришга қаратилди;

— Конституциямизда мустақил давлатимизнинг  
ўз рамзлари — байроғи, герби, мадҳияси, пойтахти  
ва давлат тили қонун йўли билан мустаҳкамланди;

— Конституция ўз ғоя ва тамойиллари билан узоқ  
даврларга мўлжалланганлиги, халқимизнинг дунё  
халқлари орасидан, давлатимизнинг жаҳон ҳамжа-  
миятидан муносиб ўрин олишига ҳуқуқий замин  
эканлигини амалда ифода этаётганлиги унинг ало-  
ҳида хусусиятидир;

— халқимизнинг асрий орзуларидан бири — дав-  
лат ҳокимиятининг ягона манбаи — халқнинг ўзи ва  
фақат халқ бўлиши Конституциямизнинг асосий ғоя  
ва мазмуни бўлди.

Конституциямиз халқимизнинг бебаҳо ютуғи ва  
машаққатли заҳматининг маҳсулидир.

Президентимиз *И.А.Каримовнинг* беқиёс хизмат-  
лари эвазига халқимиз 1991 йилнинг сентябрида ўз  
давлат мустақиллигига эришди. Бундан ҳам олдин-  
роқ, 1990 йил март ойида бўлиб ўтган Республика  
Олий Кенгашининг XII чақириқ биринчи сессияси-  
да янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги  
тўғрисидаги фикрлар билдирилган эди. Олий Кен-  
гашининг 1990 йил июнда бўлиб ўтган XII чақириқ  
иккинчи сессиясида Президентимиз *И.А.Каримов*  
бошчилигидаги 64 кишидан иборат Конституция ко-  
миссияси ташкил этилди.

*1991 йил 12 апрелда* Конституция комиссияси  
мажлисида 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузил-  
ди. Унинг таркибига малакали юристлар, давлат  
органлари ва идораларининг масъул ходимлари ки-  
ритилди. Конституция лойиҳасида мўлжалланган  
бўлимларга тегишли равишда 6 та кичик гуруҳ таш-  
кил этилди. Ушбу кичик гуруҳлар таркибига 50 на-

фар турли фан арбоблари, илмий ходимлар ва соҳа мутахассислари жалб этилди.

Конституция концепциясининг уч кўринишда яратилиши комиссия Раиси **И.А.Каримовнинг** топиришига биноан амалга оширилган бўлиб, ишчи комиссияси уларни умумлаштирди ва Конституциянинг асоси бўлмиш лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йилнинг ноябрь ойида тайёр бўлди. Конституцизмизнинг яратилиш тарихида ўзига хос ҳуқуқий прецедент юзага келди. Буни Конституция лойиҳасининг икки маротаба халқ муҳокамасига қўйилгани билан изоҳлаш мумкин. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси илк бор матбуотда эълон қилиниб, унинг асосий бўлимлари, боблари, моддалари банд-банд умумхалқ синовидан ўтди. Комиссия халқ томонидан билдирилган фикр, таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқди.

Муҳокама юзасидан таклиф ва мулоҳазалар инобатга олиниб, 1992 йил 21 ноябрда Конституция лойиҳаси яна бир бор матбуотда эълон қилинди.

**1992 йил 8 декабрда** Республика Олий Кенгаши ҳукмига ҳавола этилган Конституция лойиҳаси ҳақиқатдан ҳам халқимиз ҳуқуқий онгининг маҳсули бўлиб, аввало халқаро ҳуқуқий-конституциявий тажриба ҳамда аждодларимизнинг бой меъроси таъсирида шаклланди. Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш ушбу Конституциямизнинг яратилишини халқимиз ҳақли равишда бевосита Президентимиз **И.А.Каримов** номи билан боғлайди.

## **2. КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚИЙ ОНГ МАҲСУЛИ**

Ҳуқуқий онг ижтимоий онгининг алоҳида шакли бўлиб, сиёсий, ахлоқий ва бошқа шакллар билан ўзвий алоқада ривожланади. Ижтимоий онгининг турли шакллари ўртасидаги ўзаро сингиб бориш тарзи

муайян даражада мураккаб кечганлиги сабабли, уларни бир-биридан ажратиб кўрсатиш осон эмас.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг шундай таркибий қисми сифатида намоён бўладики, унинг қамровида нафақат билиш, баҳолаш, фикрлаш каби жараёнларнинг ҳуқуқ меъёрларигина шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқ соҳалари борасида ҳам маълум тушунчалар юзага келади. Ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан жамият аъзоларининг муносабати ҳуқуқ тўғрисидаги тушунчалардан ҳуқуқий билим даражасига кўтарилади.

Демократик мамлакатлардаги жамият аъзолари ҳуқуқий онгининг юксак даражада шаклланиши пировардида барча ижтимоий ислохотлар эволюциявий ривожланиш тусини олиб келмоқда. Давлат ҳокимиятининг амалга оширилишида жамият аъзоларининг фаол таъсирини ҳам бевосита ҳуқуқий онг даражасига боғлаб кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий онгнинг шаклланишида ҳуқуқ манбаларининг аҳамияти юқори бўлиб, улар ичида Конституция шубҳасиз, биринчи ўринда туради.

Мазкур "Конституцияни ўрганиш бўйича махсус курс"нинг пайдо бўлишига сабаб бўлган Президент И.А.Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги Фармойиши жамиятимиз аъзоларининг ҳар бирининг, авваламбор мамлакатимиз Конституцияси ҳақида маълум тушунча олиши, унинг мазмун ва моҳиятини ўрганиши учун қабул қилинган эди. Бундан кўзланган асосий мақсад халқимиз ҳуқуқий билимларини янада ошириш, Конституцияда ифодаланган ғояларни тўлиқ билиш, давлат жамият ҳаётини фақат яхшилашга хизмат қилиши лозимлигини англаш, ҳар бир инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва қадрияти давлат муҳофазасида эканлигини тушунтириш, улар онгига сингдиришдан иборат.

Конституцияни мукамал урганган шахс онгида ҳуқуқнинг барча соҳалари бўйича аниқ тасаввур,

кўникма, тушунча ҳосил бўлади ва у орқали инсон ўзининг табиат яратган энг олий неъмат эканлигини ҳис қилади.

Конституцияни билиш ўз ҳуқуқини билиш, ўзгалар ҳуқуқини ҳурмат қилиш, жамият ва давлат олдигаги ўз масъулиятини англаб етиш демакдир. Шу ўринда Конституция жамият аъзолари ҳуқуқий онгининг маҳсули эканлигини эътироф этиш билан бирга, Конституция — юксак ҳуқуқий онг маҳсули деб қаралишини таъкидламоқчимиз.

Конституциянинг яратилиш тарихидан маълумки, ҳар бир давлатнинг маълум даражада ривожланиши даврида, туб бурилишлар юз берган дамларда Конституциянинг пайдо бўлишига зарурият туғилади. Шундай ҳолатда Конституция ижодкорларига ҳам ниҳоятда шарафли, лекин жуда ҳам оғир вазифа топширилади. Буни уйдлаш, яъни Конституцияни халқаро андозаларга мос равишда, шу билан бирга халқимиз асрий орзуларини рўёбга чиқаришга ярайдиган ҳуқуқий восита сифатида яратиш утақийин ва мураккаб эди. Бундай мураккаб вазифани, яъни Конституциямизни яратганлар қанчалик уйдалаганлигини халқимиз эътирофидан билсак ҳам бўлади.

Жамият ҳуқуқий онгида Конституция моҳиятининг акс этиши келажак ҳаётимизни яратишимизда муҳим гаровдир.

### 3. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси дунёнинг ривожланган мамлакатларининг конституциялари сингари энг демократик тамойилларни ўзида мазмунан сингдирди ҳамда дастлабки бўлимда аниқ ифода этди. Конституциямиз моҳиятини унинг муқаддима қисми ҳамда асосий тамой-

илларидан ҳам англаш мумкин. Асосий тамойиллар деб эътироф этилган қоидалар мазмунан ҳар бир инсон, миллат, халқ, жамият ва давлат орзу қилган, шунингдек, унинг ҳаётга татбиқ этилиши демократиянинг асл моҳиятини билдирувчи устувор йўналишлар ҳисобланади. Конституциянинг биринчи бўлимининг тўртта бобида акс этган асосий тамойиллар Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир шахсга, мавжуд давлат ҳокимиятининг барча орган ва идораларига, жамоат бирлашмалари ҳамда уюшмаларга, нодавлат ташкилотларга бирдек тааллуқлидир. I боб давлат суверенитети деб номланиб, ўзида 6 та моддани ифодалаган. Ушбу моддаларда Ўзбекистон суверен давлат эканлиги унинг дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида намоён бўлишида, ташқи ва ички сиёсатини бевосита ўзининг ваколатли давлат органлари орқали амалга оширишида, мустақил давлат бўлганлиги учун ҳам унга бирор бошқа давлат ёки тузулмалар дахл қилиши мумкин эмаслигида, шунингдек, миллий давлат ҳамда маъмурий-ҳудудий тузилишида, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимини мустақил белгилашида намоён бўлади. Бундан ташқари давлатимизнинг чегараси ва ҳудуди бўлинмасдир. Ўзбекистоннинг ҳудудига бирор давлат эгалик учун даъво қилиши мумкин эмас, шунингдек, давлатимизнинг бирон-бир давлатга ҳудудий даъвоси ҳам йўқ.

Давлат суверенитетининг яна бир хусусияти ўзининг давлат рамзларига эга эканлигидир. Аввало, ҳар бир давлат ўзининг расмий тилига эга. Ўзбекистонда давлат тили — ўзбек тили деб эътироф этилган. Шу билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча халқлар ва миллатларнинг тили, урф-одати ва анъаналари ҳурмат қилинади. Қадимдан ҳар бир давлат ўз мустақиллигини намоён этишида давлат байроғи, герби ва мадҳияси катта аҳамият касб эт-

ган. Ўзбекистон ҳам ўз қонунлари билан белгиланган ушбу рамзларига эга.

Тошкент қадимий ва навқирон шаҳар бўлиши билан бирга саноати ривожланган, аҳолиси кўп, географик ўрни ҳамда табиий шарт-шароити қулай ҳисобланади. Конституциямиз Тошкентни пойтахт номи билан белгилаб, марказ шаҳарлигини қонун билан эътироф этди. Пойтахтимизда давлатнинг олий ва марказий органлари, идоралари, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашган. Дунёга дўстлик, тинчлик ҳамда нон шаҳри номи билан танилган Тошкент мустақил бўлганимиздан буён янада чирой очди ва очмоқда.

Асосий қонунимизнинг II боби "*Халқ ҳокимиятчилиги*" деб номланади. Ушбу ном билан ҳар бир демократик конституцияларнинг яна бир тамойили тилга олинади. Халқ ҳокимиятчилигининг мустақамланиши ва уни амалда ҳаётга тадбиқ этилиши демократик давлат қуришнинг асосий талабидир. Халқ ҳокимиятчилигининг мазмуни қуйидагиларда ифодаланади:

— давлат ҳокимиятининг манбаи фақат халқ ҳисобланади, яъни давлат ҳокимиятини шакллантиришда ва уни амалга оширишда халқ бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этади. Шунинг учун ҳам демократик институтлар ҳисобланган сайлов ва референдумнинг аҳамияти катта. Давлат бошлиғи ва вакиллик органлари халқ томонидан сайланади. Халқдан Конституция ва қонунлар орқали ваколат олган ҳокимият фақат халқ ва унинг манфаатлари учун хизмат қилади, давлат сиёсатини халқ белгилайди;

— Конституция ва қонунлар асосида давлат органлари ва идоралари тузилади ва ўз навбатида, улар ўзларининг тегишли ваколатларини амалга оширишда давлат ва халқ манфаатларининг муштараклигини таъминлайдилар;

— Конституция ва қонунда кўрсатилмаган тартибда бирорта ҳокимият органларининг тузилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди;

— мавжуд ҳокимият органлари ҳам ўз навбатида, фақат қонуний ваколатлари доирасида фаолият кўрсатади, ўзга органлар ваколатларини ўзлаштириш, тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатиш фақат Конституция ва қонунда назарда тутилган ҳолат ва тартибда амалга оширилиши мумкин;

— Ўзбекистон халқини миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши, насл-насабидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Бу тамойил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ўзаро ҳурмат, тинч-осойишта ва баҳамжиҳат яшаш қоидалари асосида ўрнатилганлигини англатади. Халқаро ҳужжатларда акс этган инсон ҳуқуқларига оид қоялар мазмунан ушбу тамойилга ҳам тегишли бўлиб, бунинг моҳияти ҳар бир фуқаро халқимиз вакили ҳисобланишидадир. Ушбу қоида халқ манфаати бевосита ҳар бир фуқаро манфаати билан ўзаро боғлиқ эканлигини эътироф этади;

✓ жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини бевосита халқнинг ўзи ҳал этиши, умум-халқ муҳокамасининг қонун даражасига кўтарилиши ҳуқуқий демократик давлатнинг зарурий шарти бўлиб қолмоқда. Бундай зарурий шарт фақат халқ иродаси — олий ирода ҳисобланиши билан изоҳланади.

— Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкинлигини халқ ҳокимиятчилигининг асосий хусусиятларидан бири деб ҳисобланиши бежиз эмас. Ўзбекистон халқи ушбу икки органни шакллантиришда бевосита иштирок этиши орқали ўз номидан иш юритишга ваколат берган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фақат Олий вакиллик орга-

ни ҳамда давлат бошлиғи халқ номидан иш олиб боришга тамомила ҳақлидир ва улар Ўзбекистон халқи тақдири учун қайғурадилар. Шунингдек, Конституцияда жамиятнинг алоҳида қисми, бирор бошқа сиёсий институтлар ёки шахслар Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган,

— Давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимият тақсимланиши тамойили асосида ташкил этилиб, унга мувофиқ қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти ягона давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи ҳисобланади. Ушбу ҳокимият тармоқлари ўзаро баҳамжиҳат фаолият кўрсатиши билан бирга ўзларининг мутлақ ваколатлари доирасидан чиқмаслиги керак. Ҳокимият тақсимланиши тамойилининг яна бир мазмуни уларнинг *“бир-бирини тийиб туриш ҳамда мувозанатга ушлаш механизми”* асосидаги муносабатда кўринади. Давлат ҳокимияти олдида турган вазифалар, асосан шу ҳокимият тармоқлари томонидан амалга оширилади. Халқ депутатлари қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғи фаолиятига мухтор вакил сифатида қатнашади.

Ижро этувчи ва суд ҳокимияти таркиби тегишлича давлат бошлиғи ҳамда Олий Мажлис томонидан тузилади, улар ҳам билвосита халқ вакилларидир. Давлат ҳокимияти тармоқларининг асосий вазифаси ҳам фақат халқ манфаатларига хизмат қилиш ҳисобланади;

— Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаётнинг плюрализм асосида, яъни мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, бунда турли сиёсий институтлар фаолиятига кенг йўл очилганлиги алоҳида аҳамият касб этадики, пировард натижада халқимиз ўзининг тарихий анъаналарини қайта тиклаш, маънавий ва сиёсий онг даражасини кўтариш имкониятига эга бўлди. Сиёсий



институтлар — сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, диний ва бошқа жамоа уюшмалари халқнинг таркибий қисми сифатида конституциявий тамойиллар, нормалар ва қонунлар асосида ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини эгалладилар. Шўролар мафкурасининг ҳукмронлиги остида нафақат собиқ Иттифоқ республикалари, балки ер шарининг қарийб ярмида жойлашган халқлар азият чеқдилар. Мустақиллик шарофати туфайлигина, конституциявий тамойил сифатида ҳеч бир алоҳида сиёсий институт мафкураси Ўзбекистон давлати мафкураси сифатида ўрнатилмаслиги кўрсатилган. Ўзбекистон мафкураси халқимизнинг миллий истиқлоли, мустақиллиги, озодлиги манфаати йўлида хизмат қилиши лозим;

— Конституциямизнинг энг эътиборли хусусияти, мазмуни ҳисобланган қоида, яъни давлатнинг барча саъи-ҳаракати инсон ва унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, манфаатини таъминлашга йўналтирилганлиги, инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлигини тан олинганлигидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат қонунлари, аввало Конституция билан ҳимоя қилинади.

Конституция ва қонуннинг устунлиги тамойили барча конституцияларда эътироф этилган. Ушбу тамойил амалда бўлмас экан, ҳуқуқий давлат барпо этиш асло мумкин эмас. Конституциявий тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар фақат Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган меъёрлар асосида иш юритадилар. Ҳаёт кечирадилар. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас, акс ҳолда уларнинг амалда қўлланишига йўл қўйилмайди. Конституциянинг қоидалари ўз навбатида,

Ўзбекистон Республикаси манфаатларига эйд равишда талқин этилиши мумкин эмас. Фақат Конституция ва қонун устуворлигининг тан олиниши, унинг амалда бўлиши демократик жамият ҳаётининг асосий кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тамойилларидан бири ташқи сиёсат соҳасидаги қоидалар аҳамиятини ва мазмун моҳиятини тулиқ маънода англашимиз. мозийга назар солишимизни тақозо этади. Мустақил сифатидаги Ўзбекистон ҳамда Мустақил Ўзбекистон орасидаги фарқларнинг бир қуриниши уларнинг ташқи сиёсатида намоён бўлади. Ўзбекистон мустақилчилик даврини бошидан кечирган йилларда республиканинг мустақил ташқи сиёсат юргизиши хусусида сўз юритишнинг ўзи СССР давлатига қарши жиноят деб ҳисобланган. Миллатчилик, шовинизм қолдиғи сифатидаги "ёрликларнинг эгаси" бўлиб қолишдан чўчиш оқибатида, бирорта собиқ иттифоқдош республикалар, ҳатто РСФСР вакиллари ҳам РСФСРнинг мустақил ташқи сиёсат юргизишини хаёлларига келтира олмасдилар.

Мустақиллик даври келиб Конституциямиз ташқи сиёсат юритиш қоидаларини тамойил даражасига кўтара олди. Мустақил давлат бўлганимиздан сўнггина мамлакатимиз ташқи сиёсатини амалга ошириш институтларига эга бўлди. Ташқи сиёсат юритиш тажрибасига ҳамда ўз малакали кадрларига эга бўлмаган мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки йилларига назар солсак, ниҳоятда офир ҳамда ечимини топмаган муаммолар мавжуд бўлганлигини англаб етамиз.

Ташқи сиёсат юритишнинг муваффақиятли гарови сифатида Конституциядаги устувор тамойил ва қоидалар билан бирга давлат бошлиғи ҳамда ҳукуматнинг ўз ваколатларидан оқилона фойдаланиб иш юритишини ҳам кўрсатиш лозим.

Ташқи сиёсат юритиш тамойилларидан энг асосийлари бевосита қонундан ўзига қўрсатиб ўтилган:

NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI 17  
Axborot-resurs markazi

Namangan Davlat 1676  
Universiteti

- ташқи сиёсатда давлатларнинг суверен тенглиги;
- куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;
- чегараларнинг дахлсизлиги;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Ўзбекистон Республикаси давлатнинг ҳамда халқимизнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин. Бу каби йўналишларни аниқ англашимиз учун республикамизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлганлиги ва унинг доирасида 1992 йилда коллектив хавфсизлик шартномасини имзолаганлигини ёки 1994 йилда Ўзбекистон томонидан имзоланган НАТОнинг коллектив хавфсизликка қаратилган ҳамкорлик учун йўналтирилган **“тинчлик учун ҳамкорлик”** дастурини мисол қилиб келтириш мумкин. Ундан ташқари икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар имзолаётган Ўзбекистон ҳукумати ўзаро манфаатдорликка асосланиб дунё давлатлари билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиб бормоқда. Ҳозирги кунда бундай шартномаларнинг ўзи 500 дан ортиқ бўлиб, республикамиз 60 дан ортиқ халқаро конвенцияларга тўлиқ қўшилди.

Ташқи сиёсатимизда Ўзбекистоннинг БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилиниши, давлатимизни тенгларино тенг мамлакатга айланиши халқимиз тарихидаги энг қувончли онлар ҳисобланади.

Конституциямизда мустақамланган асосий тамойилларнинг мазмуни унинг моҳиятини ҳам очишга ёрдам беради.

#### 4. КОНСТИТУЦИЯНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Конституциянинг асосий хусусиятлари деганда *биринчидан*, Конституциянинг ҳуқуқий тизимлар мажмуасининг бирламчи манбаси сифатида намоён бўлишини кўрамиз. Бирламчи манбаа сифатида Конституция бошқа манбаларга ҳам асос ҳисобланади.

*Иккинчидан*, Конституциянинг тартибга солиш объекти ижтимоий ҳаётнинг энг асосий томонларини, асосий ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш ҳамда жамият аъзолигидан қатъи назар шу мамлакатдаги шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашга қаратилган.

*Учинчидан*, Конституция мамлакатдаги жамият таркибларининг, тузилмаларининг, табақаларининг ўзаро муносабатларини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади.

*Тўртинчидан* Конституция ўзига хос, тарихий-тадрижий ривожланишда намоён бўлиб, тарихан шаклланган ва амалда бўлган конституциялар ўрнига моҳиятан ҳамда мазмунан, шунингдек, тузилишига кўра мураккаблашган, объект доираси кенгайиб бораётган ҳужжат сифатида намоён бўлади.

*Бешинчидан*, Конституция устунлигининг таъминланиши, яъни асосий қонун ва манбаа сифатида алоҳида конституциявий тамойилда изоҳлаб берганимиздек, Конституция барча қонун ва қонун ости ҳужжатларидан устун бўлиб, давлатнинг ҳар қандай ички ҳужжатлари Конституцияга зид келганлиги аниқланиши биланоқ ўз кучини йўқотади. Конституция олий юридик кучга эга.

*Олтинчидан*, Конституция — алоҳида тартибда қабул қилинувчи, нормаларига ўзгартириш киритилувчи ҳамда қўшимча қабул қилинувчи ҳужжатдир.

**Еттинчидан,** Конституциямиз нормаларида бевосита халқаро ҳуқуқ нормалари устувор деб тан олинган. Бошқача қилиб айтганда, халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келиб қолган конституциявий таъмойил ёки нормаларимиз ўз кучини йўқотади. Шунинг учун ҳам биз Конституциямизни моҳияти ва мазмуни жиҳатидан жаҳон ҳуқуқ андозасига мос келади деб фахр билан айта оламиз.

**Саккизинчидан,** Конституциямиз ҳар бир ёзилган конституциялар каби унинг алоҳида муҳофаза этилишида ифодаланади. Конституциявий суднинг мавжудлиги ва унинг фаолияти бунинг кафолатидир.

## **5. КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УНГА ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритишнинг алоҳида тартибининг мавжудлиги унинг алоҳида **тўққизинчи** хусусияти деб тан олинган бўлиб, жаҳон тажрибаси ҳам буни тақозо этиб келган. Бундай ўзгача тартибнинг ўрнатилишига алоҳида сабаблар мавжуд бўлиб, биринчидан, Конституция нормаларининг узоқ муддат амалда бўлиши, унинг муҳимлигини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолат бўлса, иккинчидан, ҳар қандай тасодифий шошма-шошарлик ёки қисқа объектив ё субъектив шарт-шароитнинг таъсиридан ҳимояланишдир. Конституциямизнинг қабул қилиниш тартибини юқорида кўриб чиққан эдик. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби Конституциямизнинг олтинчи бўлимида ифода этилган. Унга кўра Олий Мажлис жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат таркибда қабул қилинган қонунлар билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритилади. Ўзгарти-

риш киритиш тўғрисида Олий Мажлисга тегишли таклиф киритилгач, бундай таклиф олти ой мобайнида кенг ва атрофлича урганиб чиқилиши лозим, шундан сўнггина қонун қабул қилинади. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф орадан бир йил ўтгандан сўнг яна қайта киритилиши мумкинлиги Конституциямизнинг 128-моддасида белгиланган.

## 6. КОНСТИТУЦИЯНИ ҲИМОЯЛАШ

Конституциянинг ҳимоясини ташкил этиш конституциявий тузумни муҳофаза қилиш демакдир. Бу қоида демократик анъаналарни сақлаш, мавжуд муносабатларнинг ҳуқуқий даражасини юксалтириш билан ўлчанади. Конституциямизнинг қатор моддаларида бевосита Конституциянинг ўзи муҳофаза этилган. Буларга асосий тамойил сифатида берилган **“Давлат суверенитети”** ҳамда **“Конституция ва қонуннинг устунлиги”** га тегишли бобларни кўрсатиш мумкин. Фуқароларнинг бурчлари ҳақида XI бобдаги алоҳида моддаларда: **“Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар”**, **“Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга мажбурдирлар”** деб кўрсатиб ўтилган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ҳақида X бобнинг 43-моддасида: **“Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”**, деб белгилаб қўйилган. Давлат бошлиғи — Президентнинг мутлақ ваколатларидан бири **“..Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили”** эканлиги намоён бўладиган Конституция муҳофазаси диққатга сазовордир.

Шунингдек, Конституциямизнинг 95-моддасида кўрсатилишича, Президент Ўзбекистон Республика-

си Олий Мажлиси таркибини "...у бир неча марта Конституцияга зиг қарорлар қабул қилган тақдирда" тарқатиб юбориши мумкинлигини ҳам давлат бошлигининг айнан Конституциянинг муҳофазасига қаратилган ваколати деб билиш лозим.

Конституциямизнинг муҳофаза этилиши мустақил суд ҳокимиятининг функциясида ҳам намоён бўлади. Бунда Конституциявий суднинг мавжудлиги ва унинг махсус фаолияти алоҳида диққатга сазовордир. Конституциявий суднинг асосий вазифаси ҳам фақат Конституция ва унинг нормаларини ҳимоя қилиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш билан ифодаланadi.

#### **7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР КОНСТИТУЦИЯЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

Ҳар бир давлатда янги Конституциянинг қабул қилиниши қатор шароитлар тақозоси билан боғлиқ ҳисобланади. Бундай шароитлар сирасига биринчи Конституциямиз қабул қилинишига сабаб бўлган ҳолат — халқимизнинг ўз эркини қўлга киритиши, мустақиллик шарофатидир. Бу жиҳатдан дунёдаги кўпгина давлатлар Конституцияларига Республикамиз Конституцияси моҳиятан яқин туради. Масалан, дунёда биринчи Конституция деб эътироф этилган АҚШ, Япония, Ҳиндистон Конституциялари ва бошқа энг демократик деб тан олинган Конституциялар қатори бизнинг Конституциямиз ҳам чет эл мутахассислари томонидан тан олинган. Масалан, Франция, Туркия, Германия, Россия каби ривожланган мамлакатлар олимларининг фикрлари бунга далил бўла олади.

Конституциямиз халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқ эканлигини ифода этиши билан ҳам дунёнинг

бирорта демократик Конституцияларидан қолишмайди. Айниқса, Франциянинг 1958 йилда, Германиянинг 1949 йилда қабул қилинган Конституцияларининг муқаддимаси, Италиянинг 1947 йилда, Испаниянинг 1978 йилда қабул қилинган Конституцияларида ифодаланган дунёда тинчлик ўрнатишга қаратилган ташқи сиёсат юргизиш тамойили алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир демократик давлат Конституциясида каби бизнинг Конституциямизда ҳам шахс ҳуқуқ ва эркинлигининг дахлсизлиги ва унинг кафолатлари, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, ижтимоий адолатга асосланган давлат сиёсати, ҳокимият тақсимланиши тамойили, халқ ҳокимиятчилиги ва бошқалар ўрин олган. Тузилиши жиҳатидан аниқ ва лўнда, оммабоп, яъни халқчил тилда ёзилганлиги билан ҳар қандай Конституциядан ҳам афзал дейишимизга лойиқ, чунки Конституцимизни тушуниш учун алоҳида махсус билим талаб этилмайди.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз энг кўп тарқалган дунё Конституциялари қатори **"ёзилган"**, **"кодификацияланган"** ҳамда **"халқ"** Конституциялари қаторида туради.

Дунё Конституциялари каби бизнинг Конституциямиз ҳам бутун инсоният ҳуқуқий онгининг маҳсули деб қаралиши лозим. Аждодларимизнинг бой мероси, уларнинг тафаккури, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари билан бирга жаҳон конституционализи тажрибаси ҳам Конституциямизнинг яратилишида асосий анба ҳисобланади.



## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

### 1. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ ТУШУНЧАСИ

Конституциявий тузум бевосита мамлакатда Конституция мавжудлиги билан боғлиқ тушунча бўлса-да, аслида бу тушунча маъноси кенгроқ. Фақат Конституциянинг қабул қилиниши, унинг мавжудлиги конституциявий тузум тушунчасини кўрсата олмайди. Конституциявий тузумнинг реал бўлиши учун Конституциядан ташқари яна энг муҳим икки шарт бўлиши зарур. Бу шартларнинг биринчиси, албатта Конституцияга амал қилиниши керак, иккинчиси, Конституция демократик бўлиши керак. Шундагина конституциявий тузум тўла намоён бўлади. Конституциявий тузумда инсон ва фуқаролар ҳуқуқ, эркинликлари Конституция билан кучли ҳимоя қилинади, барча ҳуқуқлар Конституция асосида ўрнатилади ва давлат фақат Конституция ҳамда у асосида вужудга келган ҳуқуққа асосан фаолият юритади.

Булар умумлаштириб, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ, эркинликларига амал қилинадиган, давлат Конституцияга асосан фаолият кўрсатадиган тартиб — конституциявий тузум деб аталади. Демак, конституциявий тузум — тартибдир.

Конституциявий тузум давлатни ташкил қилиш, давлатни шахс билан муносабатини белгиловчи принципларни аниқлаш, уларни ўрнатиш билан характерланади.

Конституциянинг 2-моддасида: "Давлат халқ йордасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат

қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир", 7-моддасида белгиланган: "Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади", 15-моддасида: "Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" деган қоидалар конституциявий тузум принциплари бўлиб, Ўзбекистондаги тартибни, шахс ва давлат муносабатининг асосларини белгилайди. Шуларга асосан ўрнатилган тартиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни, бунда давлат ўз мажбуриятини адо этишда, албатта Конституцияга амал қилиши зарурлигини ва ўз навбатида, фуқаролар ҳам Конституцияга риоя этиши зарурлигини кўрсатади. Мамлакатда амал қилувчи барча тартиблар ана шу конституциявий тузум принципларининг ҳал қилувчи қудратига асосланади.

Конституцияда белгиланган, конституциявий тузумни белгиловчи, унинг хусусиятини кўрсатувчи нормалар принцип характерида бўлиб, маълум тизимни ташкил этади. Бу тизим қуйидаги гуруҳ нормаларидан иборат бўлади;

— Конституциявий тузумнинг инсонпарварлигини белгиловчи нормалар;

— Ўзбекистон давлатининг асосий тавсифини белгиловчи нормалар;

— Конституциявий тузумнинг иқтисодий ва сиёсий асосини белгиловчи нормалар;

— Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосларини белгиловчи нормалар.

Ўзбекистон Конституциясида баъзи мамлакатлар Конституциялари каби (Россия Конституцияси) Кон-

ституциявий тузум деган махсус боб ёки бўлим бўлмасада, конституциявий тузумни кўрсатувчи принцип ва нормалар етарлича мавжуд бўлиб, улар Конституциянинг турли бўлим ва бобларида ўз ўрнини топган. Юқорида айтилган конституциявий тузум — бу тартиб деган қоидага қайтсак, конституциявий тузумга хос барча тартиб, хусусиятлар Конституциямизда мавжуд, яъни фуқаролар ҳуқуқининг таъминланиши, давлат ўз фаолиятини Конституцияга асосан ташкил қилиши масалаларини Конституциянинг умумий қоидалардаги нормаларда ҳам, бошқа бобларда ҳам етарлича учратишимиз мумкин. Шунинг учун Конституциямизда Конституциявий тузум деган бобнинг йўқлиги Ўзбекистон Конституцияси бу масалага етарлича эътибор бермаган деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак.

## **2. ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ**

Ўзбекистоннинг амалдаги Конституциясининг, аввалги тузумдаги Конституциялардан фарқлари кўрсатилганда, энг аввало бу Конституция инсон манфаатларини биринчи даражага чиқарганлиги айтилади. Ҳақиқатда ҳам шундай. Аввалги Конституцияларда давлат манфаати биринчи ўринга қўйилган бўлиб, инсон манфаати кейинги ўридан жой олган эди.

Эндиликда инсон манфаатларини биринчи даражали деб қараш ва бунинг Конституцияда мустаҳкамланиши инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарилишига имкон яратди. Инсонпарварлик — бугун конституциявий тузумимизнинг энг олий принципи ҳисобланади. Аввалги тузумда давлат инсон ҳуқуқларини таъминлаш у ёқда турсин, давлат манфаатидан келиб чиқиб, ҳар

хил йўл ва воситалар билан ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашга ҳаракат қилган. Бу чеклашлар, айниқса ғоявий мақсадларни амалга оширишда яққол кўринар эди.

Амалдаги конституциявий тузумдаги тартиб эса, шахс ва давлат муносабатини янгича, демократик асосда ўрнатди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўрнатилган конституциявий тузум принциплари барчаривожланган, демократик мамлакатларнинг конституциявий тузум принципларига мос тушади.

Конституциянинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деган норма — принцип инсонни жамиятда энг олий қадрият даражасига кўтаришнинг ҳуқуқий асосини яратади.

Ўзбекистон конституциявий тузуми инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун деган ғояга асосланади. Бу ғояни реал воқеликка айлантириш учун конституциявий тузумда тегишли тартиб ўрнатилган. Ҳақиқатда ҳам инсон илоҳий куч томонидан табиатда яратилган энг онгли жонзод. Шунинг учун ҳам ҳар қандай янгилик, тузилма ва ташкилотлар, шу жумладан, давлат ҳам инсон учун хизмат қилиши керак. Ана шу нуқтаи назардан қараганда ҳам инсоннинг конституциявий тузумда энг олий қадрият даражасига қўйилиши ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан тўғридир. Бу Конституциямизнинг инсонпарварлик моҳиятидан ҳам келиб чиқади.

Шахс ва давлат муносабатида шахснинг устувор мавқеи шахснинг жамиятдаги марказий ўрнидан келиб чиқади. Шахснинг жамиятдаги юқори мавқеи давлат томонидан ўрнатилмайди, давлат инсоннинг ана шу юқори мавқеини таъминлаш чорасини кўради.

Аслида инсон олий қадрият деган тушунча ахлоқий категория бўлиб, бу воя Конституция матнида ўз ўрнини топгач, ҳуқуқий категорияга айланади. Шу асосда ҳокимиятнинг барча тармоқлари ва давлат механизмининг барча бўғинлари инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдек асосий вазифани бажаради. Давлатнинг бу борадаги асосий бурчи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституция ва бошқа қонунларда ёзиб қўйилиши, давлат томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилганлигини билдиради.

Ҳуқуқ ва эркинликларни бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиш, ҳуқуқ, эркинликларнинг амалга ошириши учун имкониятлар яратиб бериш ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш ҳисобланади.

Суд ва бошқа маъмурий органларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклашга қаратилган ёки шундай бузилишларга йўл қўймайдиган ҳаракатлари ҳуқуқ ва эркинликларни давлат томонидан ҳимоя қилишни билдиради.

Баъзи ҳолларда давлат инсон ва фуқароларнинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаши ҳам мумкин. Бундай чеклаш инсон олий қадрият деган тушунчага асло зид эмас. Чунки бу чеклаш биринчидан, бошқа инсон ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун амалга оширилиб, бу ҳам конституциявий тузумнинг инсонпарварлигидан келиб чиқади. Фақат бундай чеклаш қонун доирасида ва тартибда бўлиши шарт. Бу масала Конституциянинг 19-моддасида: "Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чекаб қўйишга ҳеч ким ҳақли

эмас", 20-моддасида: "Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт" лиги қайд қилинган.

Конституциявий тузумнинг инсонпарварлиги шахснинг ҳуқуқий ҳолати, фуқаролик масалаларини белгилаган Конституция нормаларида янада яққолроқ кўринади. Бу ҳақдаги қоидалар ҳам инсонни олий қадрият даражасига кўтаришни назарда тутди.

### 3. ХАЛҚ СУВЕРЕНИТЕТИ

Халқ суверенитетини конституциявий принципи ҳамма вақт давлатга, давлат бошлиғи ва бошқа ҳукмдорларга улар ҳокимиятни кимдан олганлигини, ким учун ундан фойдаланиш кераклигини билдириб туради.

Конституциямизнинг 7-моддасида: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деб белгиланган норма — принцип халқ суверенитетининг юридик асосидир. Халқ суверенитети — ҳокимиятнинг биринчи ва асосий манбаидир. Алоҳида ҳуқуқий шаклларда ифодаланган халқ иродаси давлатнинг ягона асоси бўлиб, ундан давлат тузумини, давлат ҳокимияти шакллари ва усулларини ташкил қилишга ваколат вужудга келади.

Халқдан ваколат олган ва халқ иродасини ифодаловчи давлат ҳокимиятини ҳар қандай ўзбошимчалик билан, бошқача йўллар билан эгаллаб олиш, ундан фойдаланишга уриниш халқ суверенитетига зид ҳисобланади ва ана шундай ҳолатларнинг бўлмаслиги учун Конституцияда махсус нормалар белгиланади. Конституциянинг 7-моддасида: "Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари

фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади", деган қоидалар конституциявий тузумни сақлашга, халқ суверенитети дахлсизлигини таъминлашга қаратилган кучли воситадир. Бу давлат ҳимоясини кўрсатувчи, унинг хавфсизлигига қарши турли тазйиқлардан ҳимоя қилишнинг конституциявий воситаси бўлсада, аслида халқ ҳокимиятини турли тажовузлардан сақловчи ва шу билан халқ суверенитетининг реаллигини таъминловчи кафолатдир.

Халқ суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги қанчалик кучли восита бўлмасин, у доимий равишда муҳофазага, ҳимояга муҳтож категориялардандир. Чунки ҳокимият учун кураш, ҳокимиятни эгаллаш, ундан фойдаланишга уриниш доимо бўладиган жараён. Шунинг учун халқ суверенитети конституциявий тузум натижасида ўрнатилган тартиб ва қоидалар билан доимо ҳимоя қилинади.

Халқ суверенитетининг асоси бўлган халқ ҳокимиятчилиги ҳокимиятни амалга ошириш бўлиб, бу ҳокимият турли йўллар ва шакллар орқали амалга оширилади.

Халқ ҳокимиятининг энг кўзга кўринган ва тарқалган шаклларида биринчиси бевосита амалга ошириш (бевосита демократия), иккинчиси давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (вакиллик демократияси) ҳисобланади.

Бу Конституциянинг 32-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар" деган қонун билан мустаҳкамланган.

Халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш усуллари хилма-хил бўлиб, улар референдум, муҳокама,

сайлов, турли органлар фаолиятида иштирок этиш, тегишли органларга мурожаат этиш, йиғилиш, намойиш, митинг ўтказиш ва бошқалар ҳисобланади.

Референдум — умумхалқ овози бўлиб, энг муҳим масалаларни ҳал қилишда, муҳим ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда қўлланиладиган халқ ҳокимиятчилиги ифодасидир. Конституциянинг 9-моддаси референдум ўтказишнинг конституциявий асосини белгилаган бўлиб, у ҳақда махсус қонун ҳам мавжуд.

Референдум натижасида халқ ҳокимиятга тааллуқли энг муҳим масалаларни ҳал қилади. Референдумда иштирок этувчилар қўйилган масалани ё қабул қилади ёки рад этади. Халқ овози, хоҳиш-иродаси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунончи, Ўзбекистонда ўтказилган референдумлар орқали Ўзбекистон халқи республиканинг мустақиллигини маъқуллади ва Президент ваколатларини узайтирди.

Конституциянинг 9-моддасида: "Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади" дейилган. Муҳокама натижасида фуқаролар ҳал қилинаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Айниқса Ўзбекистон тажрибасида қабул қилинадиган қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш кенг қўлланилмоқда. Бу жараёнда фуқаролар қонун лойиҳасидаги норма ва қоидалар юзасидан ўз фикрини берар экан, улар эътиборга олиниб, қонунда ўз ифодасини топади, шу асосда халқ хоҳиш-иродаси қонун орқали ҳаётга татбиқ қилинади.

Ҳокимиятни бевосита амалга оширишда сайловлар алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистонда давлат бошлиғи — Президент, қонун органи — Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларининг барча поғонаси сайлов йўли билан ташкил қилинади. Улар халқдан ваколат олади, халқ ҳокимиятини ҳаётга татбиқ



этади. Сайлов натижасида аниқ белгиланган муддатларда халқ ўз ҳокимиятини амалга ошириб туради. Сайловларсиз халқ ҳокимиятининг тўла амалга ошишини тасаввур этиш қийин.

Конституциянинг 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга" деган норма халқ ҳокимиятининг тегишли шаклда намоён бўлишига ҳуқуқий асос яратган.

Конституциянинг 33-моддасида белгиланган, фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар ўтказиш ҳуқуқи халқ ҳокимиятини амалга ошириш чора-тадбирларидандир. Митинг, йиғилиш ва намоёиш ўтказиш билан фуқаролар муҳим масалаларни ёқлаб чиқиши ёки айрим масалаларга норозилик билдириши мумкин.

Халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг иккинчи шакли — давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти орқали уларда иштирок этиб ёки улардаги вакиллари орқали қатнашишдир. Бу органлар ва уларнинг тузилмалари бевосита ёки билвосита халқ томонидан ташкил қилинади ва халқ иродасини, манфаатини ифодалайди. Халқ хоҳиш-иродаси барча ҳокимият тармоқларининг вужудга келишида асос бўлади. Халқ давлат бошлиғини, қонунчилик ҳокимияти органини ташкил қилишда бевосита иштирок этса, ижро ва суд ҳокимияти органларини ташкил этишда улар сайлаган давлат бошлиғи, парламентнинг иштироки натижасида шу ҳокимият органларини тузишда билвосита иштирок этади. Давлат бошлиғи ва парламент бевосита халқ номидан ҳаракат қилади. Барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халққа ҳисоб бериши, уларнинг назорати

остида ишлаши ҳам халқ ҳокимиятининг намоён бўлишидир.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, унинг энг муҳим элементи халқ суверенитети давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти орқали бевосита ёки билвосита амалга ошади. Бевосита иштирокида ҳам, билвосита иштирокида ҳам халқ ҳокимиятни амалга оширишда Конституцияда белгиланган тегишли органларга таянади. Ўз навбатида, давлат органлари давлат ҳокимиятини амалга оширишда халққа таянади.

#### **4. ОИЛАНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ**

Бизнинг тараққиётимизга хос хусусият оилани жамиятнинг ажралмас қисми деб қарашимиздир. Зеро, оиладаги муҳит жамият аъзолари — инсонларни қандай бўлишига таъсир қилади. Ўз навбатида, оиланинг қандай бўлиши жамият хусусиятига, унинг ташкилий даражасига боғлиқ. Демак, оиланинг жамиятга, жамиятнинг оилага таъсири эътироф этишга сазовор ҳол. Гап шу таъсирнинг ижобий бўлишини таъминлашдадир. Шунинг учун ҳам оила масаласи конституциявий даражага кўтарилган ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила масаласига алоҳида боб ажратилган. Бу ўз навбатида, конституциявий тузумимизнинг ҳам ўзига хос хусусиятидир. Жамият ва оила муносабатларини тўғри ташкил қилишда оилага давлатнинг муносабати алоҳида роль ўйнайди.

Конституциянинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, у давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгиланган.

Ўзбекистонда оила никоҳга асосланиб, фақат давлат органлари томонидан қайд қилинган никоҳ эъти-

роф этилади, Оила-никоҳ масалалари ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ва маълум тартибни вужудга келтирган. У бевосита конституциявий тузумга боғлиқдир.

Оиланинг ички муносабатларидан келиб чиқувчи айрим масалалар ҳам конституциявий даражада ҳал қилинганлиги бу масаланинг муҳимлигини билдиради.

Конституциянинг 64-моддасига асосан, ота-оналар ўз фарзандларини улар вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Ота-она тарбияси боланинг инсон сифатида шаклланишига, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ва авлодни давом эттиришига катта таъсир қилади. Оилада ота-онанинг тўғри тарбиясини олган инсонлар яшайдиган жамият мустаҳкам жамият бўлиб, унинг келажаги бор ва доимо ривожланишда бўлади. Ана шундай инсонлар яшовчи мамлакат барқарор, мустаҳкам мамлакат бўлади, ўзгаларга қарам бўлиб қолмайди.

Оиланинг мустаҳкамлигини ота-онанинг тенглиги таъминлайди, шунинг учун ота-оналарнинг қонун олдида, фарзандлар тарбиясида тенглиги таъминланган.

Оилавий муносабатларда оналик ва болалик алоҳида эътибордадир. Шунинг учун оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади, бу эса ўз навбатида, маълум тартибларни вужудга келтиради.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиш бурчининг мавжудлиги жамиятимизда оила таянчи ота-оналар ҳақида ғамхўрлик қонун даражасига кутарилганлигини кўрсатади. Масаланинг шу тарзда қўйилиши ҳам маълум тартибларни вужудга келтиради.

Оилавий муносабатлар асосларининг Конституцияда белгиланиши оилавий муносабатларнинг конституциявий тузум билан боғлиқлигини кўрсатади.

## 5. ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ

Конституциявий тузум асосларини белгиловчи Конституция нормалари давлат ҳокимияти фаолиятининг тамойилларини мустаҳкамлайди. Давлат фаолияти тамойилларининг Конституция нормаларида тўғридан-тўғри кўрсатилиши ёки айрим нормаларнинг мазмун моҳиятидан давлат фаолиятининг хусусиятини англаш мумкин.

Конституциянинг 1-моддасида: "Ўзбекистон — суверен демократик республика" деб белгиланган.

Демократик давлат деб давлат тузилиши ва фаолияти халқ хоҳиш-иродасига мос тушадиган давлатга айтилади. Ўзбекистон давлат тузилиши ҳам, давлат фаолияти ҳам халқ вакиллари томонидан қабул қилинган Конституцияга асосан белгиланган. Конституцияни қабул қилишда халқ фаол иштирок этиб, унинг қоидаларига ўзининг хоҳиш-иродасини сингдиришга эришган. Шунинг учун Ўзбекистонни демократик давлат сифатида эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари демократик давлат умум эътироф этган шахс ва фуқаролар ҳуқуқ, эркинликларини тан олиши, бу эркинликларини таъминлаши керак.

Демократик давлат ҳокимият ва инсон эркинлиги ўртасида мувозанатни ўрната олган, таъминлай оладиган давлатдир. Демократик давлатда ҳокимият манбаи халқ суверенитети ҳисобланади, шунга асосланиб барча ҳокимият тармоқларининг фаолияти ташкил қилинади.

Давлатни демократик деб ҳисоблаш учун Конституцияда уни демократик деб белгилаб қўйишнинг ўзи етарли эмас. Тоталитар собиқ шўролар ҳокимияти даврида ҳам давлат демократик деб эълон қилинган эди.

Давлатни демократик деб эълон қилишдан ташқари, унда демократик тузум ўрнатиш ва давлат фа-

олиятини демократияга хос йўналиш билан таъминлай оладиган ҳуқуқий институтларнинг реал ишлаши учун имконият яратиш, кафолатлаш зарур.

Демократик давлатнинг кўплаб белгиларини тан олган ҳолда улар орасидан иккитасини алоҳида кўрсатиш шарт. Чунки уларсиз демократик давлат бўлиши асло мумкин эмас. Бу белгилар:

— ҳақиқий, реал вакиллик демократиясининг мавжуд бўлиши;

— инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигининг таъминланиши.

Вакиллик демократияси, бу шунчаки сайловларнинг мавжудлиги эмас. Собиқ шўро тузуми даврида ҳам сайловлар мавжуд эди. Мавжуд сайловлар эркин, танлаш имкониятларини ўрнатган бўлиб, у асосида мутлақ ваколатларга, қонун қабул қилиш ҳуқуқига эга вакиллик муассасаларини ташкил қила олса ва уларни ташкил қилиш эркин сайловларга асосланган тақдирдагина вакиллик демократияси реал бўлиши мумкин. Вакиллик органлари демократик давлатда халқдан ваколат олгани учун қонун чиқаришдан бошқа жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли энг муҳим масалаларни ҳал қилиш ваколатига ҳам эга бўлади. Бу ваколатлар, масалан, ҳукумат ва бошқа ижро органларини тузиш, суд ҳокимиятини тузиш, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилишда иштирок этиш ёки бевосита бюджет масаласини ҳал қилиш, халқаро шартномаларни тасдиқлаш ва бошқалардир.

Жойлардаги маҳаллий вакиллик органларининг мавқеи ҳам тегишлича алоҳида ваколатларга эгаллиги билан характерланади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўрнатишнинг ўзи давлатнинг демократик характерини билдирмайди. Бу ерда ҳал қилувчи нарса ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш масаласидир.

Ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш учун чоралар кўрилиб, ҳуқуқ ва эркинликлар таъминлангандагина, самарали кафолатлар мавжуд бўлгандагина давлатни демократик давлат дейиш мумкин. Шу билан бирга демократик тартиблар ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлай олса, қонунийликни амалга оширса, давлатнинг куч ишлатувчи тузилмаларининг ўзбошимчалигини чеклай олса, шундай тартиб мавжуд давлатни демократик давлат деб эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Конституцияси халқаро ҳужжат қоидаларига мос келувчи фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб қўйган. Эндиги вазифа ана шу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш учун шароитлар яратишдир.

Демократик давлат ҳам ҳар қандай давлатга хос бўлган мажбурлов чораларини бутунлай рад этмайди. Фақат демократик давлатда мажбурлов қонун доирасида бўлиши, бошқа шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан келиб чиқиши зарур. Демократия ҳеч қачон ҳамма нарсани қилиш ёки ҳамма нарсада эркинлик эмас, у фақат қонунга асосланган эркинлик ва ҳаракатни тан олади. Ана шундан демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунга риоя этиш деган хулосани чиқариш мумкин.

Халқдан ваколат олиб вужудга келган давлат, халқ хоҳиш-иродасини қонун даражасига кўтарар экан, унинг бажарилишини таъминлаш давлатнинг мажбуриятидир. Шу нуқтаи назардан давлат мажбурлов, жазо чораларини қўллайди, бу эса демократияга асло зид эмас, аксинча демократияни ҳимоя қилади, таъминлайди.

Демократик давлат тушунчаси ҳуқуқий давлат тушунчаси билан кўпинча бирга келади ва бир-бирига ўхшайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат демократик давлатнинг юқори босқичи, ривожланган ва такомиллашган кўринишидир.

Ўзининг бутун фаолиятида ҳуқуққа бўйсунувчи ва инсон ҳуқуқ, эркинликларини таъминлашни асосий вазифа қилиб белгилаган давлат — ҳуқуқий давлат ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат учун ҳуқуқ ва эркинликларни эълон қилишнинг ўзи кифоя эмас, унда шу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашнинг мукамал механизми ва шароитларидан иборат қатъий тизим мавжуд бўлиб, у ишлаши керак.

Ўзбекистон Конституциясининг муқаддимасида ҳуқуқий давлат барпо этиш белгиланган. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар шунга эришишни мақсад қилиб қўяди.

## 6. ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ

Жамиятда давлат ва диний ташкилотлар бир-бирининг ишига аралашмаган ҳолда фаолият юритиши ўрнатилган давлатни дунёвий давлат дейиш мумкин. Ўзбекистон Конституциясида Ўзбекистон давлати дунёвий давлат деган тўғридан-тўғри сўз учрамасада, давлат ва диний ташкилотларнинг ўзаро муносабати давлатни дунёвий давлат деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Конституциянинг 61-моддасида: "Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди" деб қайд қилиниши давлатнинг дунёвийлик характерини кўрсатади.

Конституциянинг 31-моддасида: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди" деган қоидалар ҳам Ўзбекистоннинг дунёвий давлат эканлигини билдиради.

Айрим қонунларда дин арбобларининг давлат органларида фаолият кўрсатиши мумкин эмаслигини белгилаган қоидалар ҳам давлат ва диний ташкилотлар ажратилганлигини кўрсатади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасида: "Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари". Президентликка номзод сифатида рўйхатга олинмаслиги, шунингдек, Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайлов ҳақидаги қонунларда ҳам депутатликка номзодларга шундай талаб қўйилганлиги мисол бўлади.

Дунёвий давлатнинг хусусияти диний ташкилотлар фаолиятини давлатдан ажратиш билангина чекланмайди. Дунёвий давлат қонуний равишда рўйхатга олинган диний ташкилотларни (улар қайси динга мансублигидан қатъи назар) нормал фаолият кўрсатишига шароит ҳам яратиб беради. Чунки диннинг кўпгина ғоялари тинчлик-тотувлик, ўзаро ёрдамни кўзлаган бўлиб, улар жамият тараққиётига, шахсларнинг тарбиясига ижобий таъсир қилади.

Фақат диний қарашларни бузиб, зўравонлик, бузғунчиликни тарғиб қилувчи диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Давлат ўз ҳокимиятидан диний ташкилотлар фаолиятини назорат қилишда фойдаланиши ижобий ҳолдир. Фақат у эътиқод эркинлигини чекламаслиги дунёвий давлатга хос хусусиятдир.

Дунёвий давлатда динга эътиқод, хайрихоҳлик фақат ихтиёрийлик асосида бўлиши, конституциявий тузумга зарар етказмаслиги муҳим шартдир.

## 7. УНИТАР ДАВЛАТ

Давлатлар ҳудудий, сиёсий ташкил топиши шаклига қараб федератив ёки унитар шаклида бўлади. Айрим мамлакатларнинг Конституциясида давлат-



нинг қандай шаклда эканлиги кўрсатиб қўйилган (масалан, Россия, Қозоғистон).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат шакли аниқ кўрсатилмаган бўлсада, ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, уни унитар давлат дейиш мумкин. Фақат Ўзбекистонда федератив давлат хусусиятлари ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик керак. Унинг таркибида мустақил Қорақалпоғистон Республикасининг мавжудлиги шундай фикр юритишга асос бўлади.

Айрим олимлар Ўзбекистонни тўла федератив давлатлар қаторига қўшади, бунга қўшилиш қийин. Чунки федератив давлат бўлиш учун федерация субъектлари, яъни тенг ҳуқуқли икки ва ундан ортиқ давлат тузилмалари бўлиб, уларнинг устида федерал давлат мавжуд бўлиши керак.

Ўзбекистон эса бундай эмас, гарчи Қорақалпоғистон мустақил Республика бўлсада, у Ўзбекистон таркибида, Ўзбекистон икки давлат бирлашиши асосида таркиб топмаган. Қорақалпоғистон ҳудуди ҳам, Ўзбекистон ҳудуди ҳам Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланади. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон устидан турувчи бошқа давлат тузилиши йўқ. Уларнинг иккаласининг ҳуқуқий ҳолати тенг эмас. Ўзбекистон қонунлари Қорақалпоғистонда ҳам бажарилиши шарт.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонни федератив давлат хусусиятлари мавжуд унитар давлат деб эътироф этиш мумкин.

## 8. БОШҚАРУВНИНГ РЕСПУБЛИКА ШАКЛИ

Ўзбекистон Республика шаклидаги давлат эканлиги Конституциянинг 1-моддасида, мустаҳкамланган. Давлатнинг бу шаклини белгиловчи асосий хусусият — давлат бошлиғининг сайлаб қўйилишидир.

Бошқарувнинг Республика шакли турлича бўлиши мумкин. Яъни Республика парламентар ёки президентлик кўринишида бўлиб улар алоҳида хусусиятларга эга, айрим мамлакатларда эса уларнинг ҳар иккаласида учрайдиган умумий хусусиятлар ҳам бўлади. Бу ўз навбатида, буларнинг қўшилган шаклини вужудга келтиради ва бу шакл конституциявий назарияда ярим президентлик республикаси деб ҳисобланади.

Парламентар республикада давлат бошлиғи, яъни Президент парламент томонидан ёки махсус вакиллар йиғилиши томонидан сайланади. Ҳукумат бошлиғи бўлиб, сайловларда ғалаба қозонган партия раҳбари парламентга сайланади ва ижро этувчи ҳокимиятни бошқаради, бу ерда Президент фақат давлат бошлиғи ҳисобланади. Ҳукумат парламент олдида жавобгар ва парламент ҳукуматга ишончсизлик билдирса, ҳукумат истеъфога чиқади. Бундай мамлакатларда ҳукумат аъзолари парламент аъзоларидан тайинланади. Бундай мамлакатларга Германия, Италияни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Президентлик республикасида давлат бошлиғи — Президент аҳоли томонидан тўғридан-тўғри ёки поғонали сайлов орқали сайланади. У давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади, унинг ўзи ҳукуматни тузади ва ҳукумат фақат Президентга ҳисоб беради. Бундай Республикада Президент парламентни тарқатиш ҳуқуқига эга эмас, ўз навбатида, парламент ҳукуматга ишончсизлик билдира олмайди, уни истеъфога чиқара олмайди, шунингдек, ҳукумат аъзолари бир вақтнинг ўзида парламент аъзоси бўла олмайди. Президентлик республикасига АҚШ, Мексикани кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ўз номи билан Республика. Лекин у айрим муаллифлар қайд қилаётганидек, соф Президентлик республикаси эмас. Ўзбекистон Республи-

касида президентлик ва парламентар республика хусусиятлари мавжуд, демак, Ўзбекистон Республикаси аралаш шаклида.

Ўзбекистон Президентининг халқ томонидан сайланиши, унинг давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиқлиги, ҳукуматни тузиши, ҳукумат аъзоларини ўзгартириши Президентлик республикасига хос хусусият бўлса, ҳукуматни тузишда Олий Мажлиснинг иштироки (Президент томонидан тайинланган ҳукумат, унинг аъзолари Олий Мажлисда тасдиқланади), ҳукумат Олий Мажлис олдида ваколатини зиммасидан соқит қилиши, ҳукуматнинг Олий Мажлис олдида ҳам жавобгарлиги, Президентнинг Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эгаллиги Ўзбекистон Республикаси бошқарувининг аралаш шаклида эканлигини кўрсатади.

## 9. ЎЗБЕКИСТОН СУВЕРЕНИТЕТИ

Суверенитет сўзи халққа, миллатга ва давлатга нисбатан ишлатилади. Халқ суверенитети масаласини аввалги бобларда кўрдик. Давлат ва мамлакат сўзлари кўпинча айнан бир маънода ишлатилгани учун давлат суверенитетини мамлакат суверенитети деб тушуниш ҳам мумкин. Бу ерда айнан мамлакат суверенитети ҳақида гап кетиб, у давлат суверенитети орқали ифодаланади.

Давлат суверенитети бу давлатнинг, аниқроғи давлат ҳокимиятининг мамлакат ҳудудида ҳам, бошқа давлатларга нисбатан ҳам олийлиги ва мустақиллигидир. Давлат халқнинг расмий вакили сифатида фақат ҳақиқий суверенитетга эга бўлган тақдирдагина халқ иродасини ифода эта олади ва фуқароларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини тўла таъминлаш имкониятига эга бўлади. Бунинг мисоли тариқасида Ўзбекистоннинг собиқ шўролар мамлакати таркибидаги

ҳолатини кўриш мумкин. Ҳа пайтда суверен давлат ҳисобланувчи Ўзбекистон 80-йилларнинг охирида иттифоқ вакиллари зўравонликларидан ўз фуқароларини ҳимоя қила олмаган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнггина том маънода ҳақиқий давлат суверенитетига эга бўлди. Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон — суверен демократик республика деб белгиланиши давлат суверенитетининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. 2-моддада Давлат халқ иродасини ифода этиши, 3-моддада Ўзбекистон ўзининг миллий давлат ва маъмурий ҳудудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилаши, ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириши, давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз бўлиб, улар бўлинмаслигининг белгиланиши давлат суверенитетини реал воқелик эканлигини кўрсатади. Ҳатто 4-моддада белгиланган мамлакатда давлат тили ўзбек тили эканлиги ҳам давлат суверенитетининг амалий ифодасидир.

Давлат суверенитетининг муҳим белгиси давлат ҳокимиятининг мамлакатнинг Конституцияси ва қонунларидан бошқа ҳеч нарса билан чекланмаслигидир. Давлат суверенитети ўрнатилган мамлакат ҳудудида бошқа ҳеч қандай ҳокимият тузилмалари бўлмаслиги керак. Давлат суверенитети амал қиладиган мустақил давлатда қонуний давлат органларининг мутлақ ваколатларига бошқа ҳеч қандай сиёсий ва бошқа кучлар тажовуз қилмаслиги керак.

Конституциянинг 10-моддасида белгиланган: Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши, жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмаслиги давлат суверенитетининг натижасидир.

Давлат суверенитети мустақил давлатнинг ажралмас хусусияти бўлиб, давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатини белгиловчи шарт ҳамдир.

Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат ва давлат суверенитетига эга бўлганлиги унинг халқаро муносабатларда тенг асосда иштирокини таъминлади. Ўзбекистоннинг БМТига ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, халқаро шартномаларда иштирок этиши, шунингдек, халқаро жараёнларнинг ривожланишига маълум таъсир қилиши давлат суверенитетига эгаллиги шарофатидир.

## 10. ҲОКИМИЯТ БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИ

Республикамиз собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврда иттифоқ миқёсида амал қилган барча принцип, ғоя ва тартиб Ўзбекистонда ҳам давлат ҳокимиятини ташкил қилишда қўлланиб, шуларга асосан ҳокимиятнинг бўлинмаслиги, "барча ҳокимият шўроларга тегишли", "шўролар тўла ҳокимиятга эга" деган ғоялар асосида давлат ҳокимияти ташкил қилинган эди. Бу хусусиятлар тоталитар тузумга хос бўлиб, бир ерда ҳокимиятнинг тўпланиб қолишига, ундан компартия органлари фойдаланишига имконият яратиб берар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мустақилликнинг биринчи ҳуқуқий асоси "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" ги 1991 йил 31 август Қонунида биринчи мартаба ҳокимият тизими ҳокимият бўлиниши принципида ташкил қилиниши кўрсатилди.

Кейинчалик Конституциянинг 11-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади" деб белгиланди. Шу асосда Ўзбекистонда

ҳокимиятни амалга оширувчи органлар тизими барпо этилди.

Мамлакатимизда қонунчилик ҳокимияти Олий Мажлис, ижро этувчи ҳокимият Президент ва Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди ва ҳудудий тузилишлардаги судлар орқали амалга оширилади.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципидан келиб чиқиб, ҳар бир алоҳида ҳокимият тузилмаларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи фақат ваколатларни аниқ белгилаб қўйишигина назарда тутмайди. Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи:

— ваколатларни бирор-бир орган ёки шахс қўлида ҳаддан ортиқ, асоссиз тўпланишига барҳам беради;

— ҳокимият тузилмаларининг бир-бирини ваколатини эгаллаш ишига асоссиз аралашувга чек қўяди;

— турли ҳокимият органлари бир-бирини назорат қилиб боришини таъминлайди.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципини жорий қилиш фақат ҳокимият тузилмаларини нормал, яхшироқ, малакалироқ ишлашини таъминлаш учунгина эмас, аввало бу принцип, ҳокимиятни тўғри ташкил қилиш натижасида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, манфаатларини кенгроқ, тўлароқ ифодалашни мақсад қилиб қўяди. Чунки ҳар бир ҳокимият тузилмаси ўз вазифасини тўла ва малакали бажарса, ҳуқуқ бузилишларига барҳам берилади.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи ҳокимият тузилмаларини бир-биридан холи, мустақил бўлишига имконият яратади. Бу, айниқса демократик давлатда муҳимдир.

Ҳокимият бўлинишининг ҳуқуқий асоси мавжуд бўлсада, уни амалда қўллашда, албатта муаммолар учраб туради. Конституция ва қонунларимиз суд

ҳокимиятининг мустақиллигини белгилаган бўлса-да, суд мустақиллигига эришиш анча қийин кечмоқда. Шунинг учун суд — ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга катта эътибор берилмоқда, кўпгина амалий тадбирлар белгиланмоқда.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципини марказий миқёсда ҳамма эътироф этади ва маъқуллайди. Лекин бу принципни маҳаллий миқёсда жорий қилиш масаласига кўпчилик қўшилмайди ёки ҳокимият бўлиниши жойларда шарт эмас деб ҳисоблайди. Бу ерда хориж олимларини тушуниш мумкин, чунки хорижий мамлакатларда маҳаллий ҳудудий тузилишларда давлат ҳокимияти органлари тузилмай, фақат маҳаллий бошқарув (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви) органлари тузилади. Бизнинг Конституция-мизда маҳаллий ҳудудий бўлинишларда ҳам давлат ҳокимияти органлари тузилиши назарда тутилган.

Конституциянинг 99-моддасида халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органи эканлиги, 102-моддасида маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимиятининг мавжудлиги қайд қилинган. Улар маҳаллий давлат ҳокимиятидир. Шундай экан, маҳаллий ҳудудларда ҳам ҳокимият бўлиниши принципини амал қилиши кераклиги манتيқий ҳолдир. Бу принцип амал қилса вакиллик ва ижроия ҳокимияти — халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар мустақиллиги таъминланиб, бошқа томондан уларнинг бир-бирини назорати кучаяди ва ҳозирги кўпгина иллатларнинг олди олинади. Бу ҳақда Республика Президенти ҳам бир неча бор таъкидлаган. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ун тўртинчи сессиясидаги маърузасида устувор йўналишлар қаторида давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш кўрсатилиб, бу ишда биринчи ва-

зифа сифатида "У ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш" и белгиланган экан, бу ҳокимият бўлинишини янада чуқурроқ амалда қўллашни билдиради.<sup>1</sup>

## 11. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ

Давлатга хос хусусият ва унинг вазифаси ҳокимиятни амалга оширишдир. Ҳамма мамлакатларда давлат ҳокимияти Конституция ва қонунларда белгиланган тартибда ташкил қилинадиган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Шунинг учун Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини амалга оширувчи бир бутун давлат органлари тизими мавжуд. Бу тизим давлатнинг конституциявий характериға мос тарзда ташкил топган. Давлат органларининг ҳар бири алоҳида ваколатға эға, шу туғайли уларнинг фаолияти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир қилади. Бу таъсир натижасида ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши (бу ижобий ҳол) ёки бузилиши (бу салбий ҳол) мумкин.

Ҳар бир давлат органи ўзининг алоҳида вазифаларига эға ва бу вазифаларни ўзларига берилган ваколатлари орқали амалга оширади. Шу билан бирға барча давлат органлари ўз фаолиятида ўзаро алоқада бўлади. Агар бундай алоқа туғри ўрнатилмаса, давлат фаолиятининг самараси бўлмайди.

Давлат органлари коллегиал бўлиши (Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари Кенгашлари) ёки яккабошчилик асосида ташкил қилиниши, иш юритиши мумкин (Президент, Вазирлик, ҳоким ва бошқалар).

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т., "Ўзбекистон", 1999, 17-бет.



Ўзбекистон Президенти ҳам давлат ҳокимияти органи. Унинг яккабошчилик асосида иш юритиши якка, чекланмаган фаолият юртишни билдирмайди. Яккабошчиликда кенг ваколатлар билан бирга масъулият ҳам кучли бўлади. Булар ҳокимларга ҳам, вазирларга ҳам тегишлидир.

Ҳокимиятга эга бўлиш барча давлат органларига хос хусусият, лекин уларнинг ваколати ҳар хил бўлади.

Давлат органлари маълум ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатади. Уларнинг ҳуқуқий фаолияти шакллари Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилади.

Конституция ва қонунлар давлат ҳокимияти органларининг ичида махсус органлар тузишни кўзда тутиши мумкин (масалан, Олий Мажлис Кенгаши, қўмита ва комиссиялар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили) ёки махсус вазифаларни бажарувчи, бирор-бир ҳокимият органи тизимига кирмайдиган органлар ҳам тузилиши мумкин (масалан, Марказий сайлов комиссияси, Прокуратура). Улар давлат ҳокимияти органи эмас, лекин давлат органи. Шундан келиб чиқиб, давлат органларини бир неча турга бўлиш мумкин, булар:

- давлат ҳокимияти органлари;
- давлат ҳокимияти органларининг ички тузилмалари;
- ҳокимият органлари таркибига кирмайдиган махсус давлат органлари.

Барча турдаги давлат органларининг ташкил топиши, иш фаолияти, вазифа ва ваколатлари Конституция, конституциявий қонунларда ёки бошқа қонунларда белгилаб қўйилади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ишига ёрдам бериш учун тузилган ички тузилма органлар — кенгаш, қўмита ва комиссиялар муста-

қил мақомга эга эмас ва давлат номидан иш кўра олмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари тизими қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш асосида ташкил қилинган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

— Олий Мажлис;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа марказий идоралар);

— Суд органлари (Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари ва маъмурий ҳудудий тузилмалардаги судлар).

Маҳаллий ҳудудий тузилмаларда:

— халқ депутатлари Кенгашлари — вакиллик ҳокимияти;

— ҳокимлар (уларнинг бўлим ва бошқармалари) — ижро ҳокимияти.

## 12. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ

Ўзбекистон халқи ҳокимиятни фақат давлат органлари орқали амалга ошириш билан чекланмай, ўзини ўзи бошқарув органлари орқали ҳам амалга оширади.

Ўзини ўзи бошқарув тизими гарчи Конституциянинг "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" бобида мустаҳкамлансада, бу давлат ҳокимияти тизими га кирмайди. Ўзини ўзи бошқарув органларини давлат ҳокимиятидан мустақиллиги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда аниқ кўрсатиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси бошқа мамлакатлардан фарқ қилиб, ўзини ўзи бошқариш органларини, рес-

публиканинг энг қуйи бўлинишлари — шаҳарча ва қишлоқларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда ташкил қилишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Конституциянинг 105-моддасида: "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади" дейилган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви конституциявий даражага кўтарилган.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган бўлиб, у 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда тасдиқланди.

Қонунга асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашмаган ҳолда уларни давлат органлари томонидан қўллаб-қувватлаш, шаклланиши, ривожланиши, вазифасини бажариши учун шароит яратиб бериши белгиланган бўлиб, бу ўзини ўзи бошқариш органларининг оёққа туриб олишларида катта аҳамиятга эга.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти демократик принципларга асосланади, уларни ташкил қилишда демократиянинг энг муҳим воситаси — сайловдан фойдаланади. Фуқаролар йиғини фаолиятида ҳудуддаги 18 ёшга етган барча фуқаролар иштирок этади.

Қонуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими белгиланиб, унга асо-

сан қуйидагилар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади:

- фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши);
- фуқаролар йиғинининг Кенгаши;
- фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;
- фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси;
- маъмурий комиссиялар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига раҳбарликни йиғин томонидан сайланган кенгаш ва йиғин раиси олиб боради.

Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллаларда тузилганлиги тўғри бўлди, чунки маҳаллалар азалдан ўзини ўзи бошқарув хусусиятига эга бўлиб келган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ривожланиш тараққиётида белгиланган устувор йўналишларидан бири давлат қурилишини шакллантириш ва бошқарувни эркинлаштиришдир. Ана шу мақсадни амалга оширишда, давлат ҳокимияти ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш вазифаси белгиланган. Бу стратегик аҳамиятга молик иш бўлгани учун алоҳида концепция асосида вазифани бажаришни назарда тутди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш фуқаролик жамияти қуришдаги муҳим тадбирлардан бўлиб, "Кучли давлатдан кучли жамиятга" ғоясининг амалга ошишини таъминловчи воситадир.

### **13. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ПРИНЦИПЛАРИ**

Бозор иқтисодиёти — товар, пул муносабатлари ва қонунлари асосида ривожланадиган иқтисодиётдир. Шундан келиб чиқиб, Конституцияда жамиятнинг иқтисодий негизлари ҳамда бозор муносабатларининг асосий принциплари мустақкамлаб қўйилди.

Конституциянинг 53-моддасини таҳлил қилиш бозор муносабати қуйидаги принципларга таянишини кўрсатади:

— иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Бунда хусусий мулк бошқа мулклар каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлади;

— тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги. Жамиятда ҳар бир шахс иқтисодий фаолият юритиши, тадбиркор бўлиши мумкин. Лекин бу тадбиркорлик эркинлиги давлат томонидан қабул қилинган қонунларга зид бўлмаслиги лозим;

— танлов эркинлиги — ҳар бир киши фаолият тури ва соҳасини эркин танлаши, ўзи истеъмол қиладиган товар ва хизматларни танлаш имкониятига эга бўлишини тақозо этади. Танлов эркинлиги бўлиши учун бозор товар ва хизматларга тўйинган бўлиши лозим;

— рақобат, хўжалик субъектлари ўртасида фойда, наф олиш мақсадида товар ва хизматларни қулай шароитлар асосида сотиш бозордаги лидерлик учун иқтисодий курашдир. Рақобат кураши хўжалик субъектларининг маҳсулотларни арзонлаштириш, сифатини яхшилашига туртки беради;

— эркин нарх-навога таяниш. Нарх-наво талаб ва таклиф нисбати ўзгариши асосида эркин шаклланади.

— давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлиги. Давлат иқтисодиётни тартибга солади. Бунда бозор механизмлари билан давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш механизми бирикиб кетади;

— фойда, даромад олишга интилиш ҳар қандай иқтисодий фаолият мақсади ҳисобланади.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти — бу кенг маънода эркин, монополлашмаган, юксак ривожланган ва аниқ ижтимоий мўлжалга эга бўлган иқтисоддир. Унда иқтисодий фаолият эркинлиги, мулк шаклларининг тенглиги, иқтисодиёт субъектларининг ра-

қобатлашуви, хўжалик юритиш шаклларининг турли-туманлиги, иқтисодиётни тартибга солиш зарурлиги, ижтимоий ҳамкорлик муносабати бўлиши қайд этилади.

#### 14. МУЛК ШАКЛИ

Иқтисодий ислохотларнинг асосини мулкчилик масаласи ташкил этади. Жамиятда бозор иқтисодиётининг шаклланиши унда мулкчилик масаласининг қандай ҳал этилиши билан боғлиқ.

Республикамизда бу масала конституциявий меъёр даражасида ҳал этилган, яъни "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди" дейилган.

Ушбу конституциявий меъёрнинг иқтисодий, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий аҳамияти жуда каттадир. Биринчидан, у собиқ социалистик тузумдаги мулк муносабатларни тубдан ўзгартириб, республика иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган турли хил мулк шаклларининг мавжуд бўлишини ва кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришга; иккинчидан, собиқ шўролар даврида, яъни социализмда "ҳеч қандай хусусийчилик" тан олинмаслиги ғоясидан келиб чиқиб, инсонларда йўқолган ўз ўзига ишонч ҳиссини шакллантириш ҳамда мулкка бўлган муносабатини ўзгартиришга; учинчидан, республикамизда барча мулк шакллари давлат томонидан баб-баравар муҳофаза этилиши ва уларнинг ривожланишига тенг шарт-шароитлар яратиб берилишига; туртинчидан, ҳар қандай иқтисодий фаолият, тад-

биркорлик билан шуғулланиш ва меҳнат қилиш ҳамда хусусий ишларнинг эркинлиги, уларга бирор бир шахснинг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслигига имкон беради.

Конституциянинг ушбу нормаси янги қабул қилинган Фуқаролик Кодексида янада ривожлантирилди ва аниқлаштирилди. Фуқаролик Кодексининг 167-моддасида "Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий ва оммавий мулк шаклларида бўлади" деб кўрсатилди. Оммавий мулкни республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки ташкил этади.

Асосий қонунимизда мулкдорнинг мулк ҳуқуқи қўйидагича ифода этилган: "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади".

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг, яъни ҳам фуқароларнинг, ҳам нодавлат юридик шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулкдорнинг мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришишида асосий стратегик мақсадларидан бири — кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва удабуронликни бутун чоралар билан ривожлантиришнинг негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашдир. Конституция ушбу хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва мулкдорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кафолатлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Конституцияда "Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва

тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин", деб алоҳида белгиланганлигининг асосий сабаби ва аҳамияти: биринчидан, хусусий мулк ҳуқуқининг собиқ Иттифоқда амалий жиҳатдан, айниқса қонунчиликда батамом истисно этилганлиги; иккинчидан, ҳозирги кунда хусусий мулкнинг ривожланиши учун иқтисодий, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб берилиши; учинчидан, инсонларда хусусий мулкка нисбатан ишончсизлик хислатларини йўқотиш ва мулкдорлик туйғусини шакллантириш; тўртинчидан, хусусий мулкнинг давлат томонидан қонун билан ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши; бешинчидан, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, яъни унинг инсон ҳуқуқларининг ажралмас таркибий қисмларидан бири сифатида дахлсизлигини таъминлаш, олтинчидан, хусусий мулк ҳуқуқидан маҳрум қилишлик, фақат истисно тариқасида қонун билан ўрнатилган тартибда амалга оширилиши, бошқа бирор тартибнинг қўлланилишига йўл қўйилмаслиги; еттинчидан, мулкдан маҳрум қилишликда олиб қўйиладиган мол-мулкнинг қиймати олдиндан туланиши билан амалга оширилиши зарурлиги, саккизинчидан, мулкнинг қиймати адолат ва ҳаққонийлик тамойилига асосланган ҳолда аниқланиши ҳамда шу мулк туфайли олинishi мумкин бўлган даромад ҳам ҳисобга олинishi зарурлигидан иборат.

Шу билан бирга адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан келиб чиқиб, қонунчилигимиз мулкдорларга маълум масъулият ҳам юклайди. Конституциямизнинг 54-моддасида: "Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт" деб белгиланган.

Республикамиздаги барча мулк шаклларининг, шу жумладан, хусусий мулкнинг дахлсизлиги жамиятда



мулкий муносабатларнинг ривожланишига, мулкдорлар қатламининг шаклланиши мамлакатимизнинг иқтисодий барқарор бўлишига ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг маълум белгиларининг қарор топишига ёрдам беради.

## 15. ЕР ВА ТАБИЙ БОЙЛИКЛАР

Аввалги Конституцияларда ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўрмонлар фақат давлат мулкидир деб белгиланган бўлиб, бу тоталитар тузумнинг энг муҳим иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқар эди.

Амалдаги Конституциямизнинг 55-моддасида: "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб белгиланди.

Ер, ер ости бойликлари, сув ва бошқалар инсон ҳаёти учун энг зарур воситалардир. Шунинг учун уларни умуммиллий бойлик деб эълон қилиниши, ана шу манбаларнинг талон-торож бўлиши, қаровсиз қолишининг олдини олади.

Ер умуммиллий бойлик сифатида белгиланиб, ундан фойдаланиш устидан давлат назорати ўрнатилар экан, бозор муносабатларидан келиб чиқиб, ерни сотиш мумкинлиги ҳам қонунларда белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг 27-моддасида: "Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида реализация қилинади", деб, 41-моддасида: "Юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат курсатиш соҳаси объектини, шунингдек, уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга давлат ва жамоат

эхтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек, мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади", деб белгиланган.

Аввалги тузумдан фарқ қилиб, ер мулк бўлиши мумкин ҳамда ер эгаси мулкдор ҳисобланади. Фақат бошқа олиш-сотиш объектларидан фарқ қилиб, ер чегараланган миқдорда ва аниқ мақсадда сотилиши ҳамда сотиб олиниши мумкин.

Ердан бошқа табиий бойликлар олиш-сотиш объекти бўлиши ёки бошқа шахсларнинг мулки бўлиши мумкин эмас.

## 16. МОЛИЯВИЙ ТИЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXV бобидаги учта модда (122-, 123- ва 124-моддалар) мамлакатимизнинг молия ва пул-кредит тизимига бағишлангандир. Уларда Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил молия ва пул-кредит тизимига эга эканлиги, республика ҳудудида ягона солиқ тизимининг амал қилиши, солиқларни жорий этишга фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли эканлиги, мамлакатимизнинг банк тизимини Марказий банк бошқариши қайд этилган.

Молия тизими кенг маънода пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча молиявий институтларни ўзига қамраб олади. Бу молиявий институтларни турли белгиларга (мулкчилик шакли, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш методи ёки услуги, функционал белгилари ва ҳ.к) қараб туркумларга ажратиш мумкин. Масалан, улар мулкчилик шаклига қараб давлат, хусусий, кооператив, давлат-акционерлик ва хорижий капитал иштирокида ташкил қилинади.

Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар, давлат банклари, давлат корхоналарининг молияси, давлат пенсияси ва суғурта фондлари, бюджетдан ташқари-

даги фондлар давлат молиявий институтларидир. Бу пул фондлари ёрдамида давлат, марказий ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари мамлакатнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш, иқтисодий тараққиёт ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш бўйича ўзининг функцияларини ҳаётга татбиқ этади.

Хусусий (акционерлик) молиявий институтларнинг таркибига банклар, инвестицион компаниялар, тижорат суғурта компаниялари, лизинг ва факторинг компаниялари, ссуда жамғарувчи ташкилотлар киради. Молиявий институтларнинг асосий вазифаси маблағларни жалб қилиш ва уларни даромадларга ҳамда фойдага эга бўлиш мақсадида жойлаштириш бўйича операцияларни амалга оширишдан иборат.

Кооператив молиявий институтлар банклар, ссуда жамғарувчи кассалар ва турли хилдаги ишлаб чиқариш-молиявий корхоналардан иборатдир. Уларнинг бош мақсади кооператив аъзоларининг ресурсларини жалб қилиш орқали уларнинг ўзларига молиявий ёрдам кўрсатишдир.

Амалиётда давлат ва хусусий капиталнинг иштирокидаги аралаш молиявий институтлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таркибига давлат акционерлик банклари ва аралаш суғурта компанияларини киритиш мумкин. Бу институтларда давлатнинг иштироки уларнинг мақомини юқори поғонага кўтариб, улар молиявий базасининг барқарорлигини таъминлайди, ҳукуматта эса ўзининг ижтимоий-иқтисодий сисъатини амалга ошириш имконини беради.

Мамлакатлар ўртасида капиталлар, меҳнат, технология, менежмент ва шу кабиларнинг эркин ҳаракатланиши ва глобализациялашуви шароитида ҳамкорликдаги корхоналар ривож топади, бу ҳам молия соҳасига тегишлидир. У миллий ва хорижий капитал иштирокидаги банклар, лизинг компаниялари ва бошқа молиявий институтларнинг пайдо бўлиши орқали намоён бўлади.

Молия тизимининг марказий қисмини давлат бюджети эгаллайди. Ўзининг тузилмавий жиҳатидан давлат бюджети Республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари жамланади.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети Қорақалпоғистоннинг Республика бюджетини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Вилоятнинг бюджети эса вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетини қамраб олади. Шунга ўхшаш, туманларга бўлинadиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини, туманга бўйсунadиган шаҳарлар бўлган туманнинг бюджети эса туман бюджетини ва туман бўйсунувдаги шаҳарлар бюджетини ўз ичига олади.

Мамлакатнинг молия ва пул-кредит тизимида банклар алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистон учун икки бўғинли банк тизими хос бўлиб, унинг биринчи бўғинини Марказий банк ташкил этса, турли шаклдаги тижорат банклари унинг иккинчи бўғини таркибига киради.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради. У қуйидаги функцияларни бажаради:

— иқтисодий ўсиш учун қулай шароитни яратиш мақсадида инфляцияни минималлаштириш, миллий пул бирлигини мамлакат ичида ва жаҳон бозорларида унинг сотиб олиш қобилияти барқарорлиги таъминлаш;

— халқ хўжалигида (иқтисодида) ҳисоб-китоблар механизмининг фаолият кўрсатишини ташкил қилиш билан биргаликда (энг аввало, методик ва методологик йўналишда) мамлакат кредит-банк тизимининг самарали ривожланишини таъминлаш.

Хўжалик юритувчи субъектларга (мижозларга) кредит ажратиш эса тижорат банкларининг зиммасига юкланган.

## 17. СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР, МАФКУРАЛАР ВА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Конституциявий тузумнинг муҳим демократик асосларидан бири жамиятнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишидир. Бу принцип Конституциянинг 12-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унинг муҳим кафолати сифатида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ягона фикр, мафкура асосида жамиятни бошқариш аслида давлат учун қулай ва анча осон. Тоталитар тузум ҳам шу асосда ўрнатилиб, бошқарув тўла зўрликка асосланган эди. Шунинг учун ҳам эндиликда аввалги тузумга мутлақо қарама-қарши тузум ўрнатилиб, ривожланишнинг бошқача йўлидан борилар экан тоталитар тузумнинг асоратларига тўла барҳам бериш учун ҳам юқоридаги қоидалар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди. Мақсадимиз фуқаролик жамияти қуриш экан, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти — ғоявий ва сиёсий фикрларнинг турли-туманлигига эришишдир. Турли фикрлилик инсонларнинг ўз қарашларини эркин билдириш ҳуқуқидан ва шу орқали сиёсий ҳаётда иштирок этишидан келиб чиқади.

Кишилар табиатан ҳар хил, шунинг учун табиий равишда уларнинг қарашлари, манфаатлари, яшаш шароити ҳам ҳар хил бўлади.

Шунинг учун инсонларнинг турли фикр ва қарашларини ягоналигига эришиш учун ҳаракат қилиш яна тоталитар тузумга олиб келиши мумкин. Жамиятнинг ривожланишида турли фикрлиликни ҳуқуқий

давлат ёки фуқаролик жамияти ўйлаб чиқмайди, уларнинг хизмати фақат ана шу табиий фикрлар хилма-хиллигини эътироф этиш ва уни куч ишлатиб ўзгартиришга ҳаракат қилмаслиқдир.

Хорижий мамлакатларнинг конституцияларини ўрганадиган бўлсак, улар асосан фикрлар хилма-хиллигини фуқароларнинг асосий ҳуқуқларида эътироф этиш орқали мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эса асосий ҳуқуқлардан ташқари (29-модда) махсус моддада (12-модда) ҳам бу масала мустаҳкамланган. Бу ҳол Россия Конституциясида ҳам ана шу тартибда белгиланган бўлиб, фикрлар хилма-хиллиги конституциявий тузум асослари даражасига кутарилган.

Ҳақон инсон онги, қарашларига таъсир қилувчи воқеа бўлиб, у фалсафий, сиёсий, диний қарашлар йиғиндисидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам у турли-туман бўлгандагина инсонларни ҳақиқий эркинлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Фақат қарашлар, фикрлар, таълимотлар хилма-хиллиги натижасида соғлом рақобат вужудга келиб, унинг натижасида эса ижтимоий интеллект шаклланади ва бу жамият тараққиётига олиб келади. Ҳоёлар хилма-хиллигини эътироф этиш ҳар бир шахс, сиёсий партия, жамоат ташкилотларини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тузум ҳақида фикрлар, назариялар, концепциялар ишлаб чиқиш, уларни ташвиқот қилиш эркинлигини эътироф этишдир. Улар ўз ҳулосаларини ҳокимиятга тавсия қилиши, ўз қарашларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Уларга тўсқинлик қилишга давлатнинг ҳаққи йўқ.

Фикрлар ва ҳоёлар хилма-хиллиги адабиёт, санъат, фан, фалсафанинг ривожланишига олиб келиши ва тараққиётга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бошқа мамлакатлардаги каби, конституциявий тузумга қарши тинчлик, осойишталикка, фуқаролар манфаатига зид келув-

чи, реакцион, зўрлик характеридаги ғоялар ва фикрларни тарғиб қилишга йўл қўйилмайди.

Конституциянинг 29-моддасида фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши, 57-моддада зарарли ғояларни қурол қилиб олувчи ташкилотларни тузиш тақиқланиши белгиланган.

Фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги Ўзбекистоннинг қўшпартиявийлик тизимида янада аниқроқ кўринади.

## 18. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари тизимида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари киради, бу Конституциянинг 56-моддасида белгиланган. Жамоат бирлашмаларининг фаолият кўрсатишининг асосий шarti улар қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Жамоат бирлашмалари сиёсий институтлардан энг муҳими ҳисобланиб, улар фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигини амалда таъминловчи муҳим воситадир.

Конституциянинг 34-моддасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, шу модданинг иккинчи бандида жамоат бирлашмаларида ҳам озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бу эса, фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигини муҳим гарови ҳамда конституциявий тузумнинг демократик хусусиятидир.

Жамоат бирлашмалари, у қандай турда бўлишидан қатъи назар, халқнинг эркин фаолияти ва иж-

тимой ҳаётда иштирокидир. Бу ташкилотларнинг самарали фаолиятдан фуқаролар ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Уларнинг фаолияти орқали фуқаролар жамият ишларида, давлатни бошқаришда иштирок этса, ўз қарашларини баён этиб, манфаатларни тўла ҳимоя қилса, давлат ўзининг айрим функцияларини уларга ўтказиб, муҳим масалаларни ҳал қилишга ўз эътиборини қаратади. Яъни жамиятни бошқаришда давлат жамоат бирлашмаларига таянади. Давлат жамоат бирлашмалари фаолиятига ёрдам бериб, улар билан тўғри ва самарали муносабат ўрната олса, тараққиёт тезлашади, фаровон турмуш яратилади. Шу билан бирга давлатнинг назорати жамоат бирлашмалари фаолиятига, уларнинг ишига бевосита аралашмаган ҳолда ўрнатади (Конституциянинг 58-моддаси).

Шунинг учун конституциявий тузумга, давлатга, жамиятга, фуқаролар манфаатига қарши фаолият юритувчи жамоат бирлашмалари тузишга йўл қўйилмайди, мавжудлари шундай фаолият билан шуғулланса уларнинг фаолияти тўхтатилади. Бу масала ҳам Ўзбекистон Конституциясида ҳал қилинган бўлиб, унинг 57-моддасида: "Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади" деб белгиланган.

Чунки конституциявий тузум тартиби, энг аввало фуқаролар манфаатини, ўзини (конституциявий ту-



зумни), мамлакат хавфсизлигини таъминлашни назарда тутди. Ҳар қандай эркинлик билан конституциявий тузумни таъминлаш мумкин эмас, фақат қонунга асосланган эркинлик эътироф этилади.

Шунинг учун конституциявий тузум кенг эркинлик ва демократияга шароит яратар экан, албатта ўзини ҳимоялашни ҳам эсдан чиқармаслиги зарур. Акс ҳолда унга қарши ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Конституцияда жамоат бирлашмалари фаолиятининг асослари белгиланган, улар фаолиятини кенг равишда тартибга солиш учун махсус қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистонда демократик давлат хусусиятидан келиб чиқиб, жамоат бирлашмалари фаолиятини тўхтатиш, тугатиш ваколати суд органлари ихтиёрига топширилган (Конституциянинг 62-моддаси). Бу уларнинг фаолиятига тўғри баҳо берилишини таъминлайди.

## 19. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

Конституциявий тузум — бу Конституция билан ўрнатилган тартиб эканлигини эътироф этсак, ўз ўзидан Конституция ва қонуннинг устунлигининг аҳамияти кўринади.

Конституциявий тузумда Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлаш икки муҳим масалани ўз ичига олади. Бу орқали биринчидан, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ, эркинлиги, манфаати таъминланади, иккинчидан, конституциявий тузум барқарор бўлади, ўрнатилан тартиб қатъий амал қилади, ундан фуқаролар ҳам, давлат ҳам, умуман жамиятнинг бошқа барча тузилмалари ҳам бирдек манфаатдор бўлади. Конституция ва қонун устунлиги таъминлангандагина ҳокимият ва эркинлик ўртасида тўғри мувозанат ўрнатилади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий тузумнинг энг муҳим принципларидан бири сифатида Конституция ва қонуннинг устуңлиги белгиланган. Шунинг учун Конституциянинг III боби "Конституция ва қонуннинг устуңлиги" — деб номланган. Ундаги нормаларга асосан "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўз билан тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" (15-модда). Буларга асосан Конституция ва қонуннинг устуңлиги демократик давлатнинг муҳим қонунийлик принципининг асоси сифатида белгиланиб, конституциявий тузумнинг асослари қаторига кўтарилмоқда.

Конституциянинг 16-моддасида "Мазкур Конституциянинг бирорта қонунга Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиладиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас" деб кўрсатиб қўйилган.

Бу конституциянинг бошқа қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳам устуңлигини белгилашдир.

Айрим давлатларнинг конституцияларида Конституция нормалари тўғридан-тўғри амал қилиши, уларни тўғридан-тўғри қўллаш мумкинлиги кўрсатилган. Конституциявий ҳуқуқ назариясига асосланиб, бизнинг Конституциямиз нормалари ҳам тўғридан-тўғри қўлланиши мумкин деган фикрни айтиш мумкин. Бу бошқа қонун ва ҳужжатлар, қоидалар Конституция нормаларига зид бўлса, Конституция нормаси амалда бўлишини билдиради. Амалиётда бунга эришиш, бошқа қонун ва ҳужжатларда фуқаролар ҳуқуқининг ҳар

қандай кўринишда бузулишларига барҳам беришни ва Конституция устуңлигини таъминлайди.

Баъзи қонунларда (масалан, Меҳнат кодекси, Прокуратура тўғрисидаги қонунларда) Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқларига зид қоидалар учраб туради. Ана шундай пайтда суд органлари Конституция асосида иш кўриб, масалани ҳал қилса, Конституция устуңлиги амалий томондан ҳам таъминланган бўлади.

## **20. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭРКИНЛИГИ**

Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги таъминланганда, мамлакатда фикрлар хилма-хиллигини, қарашларни эркин ифода этиш имконияти янада кенгайди.

Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай жамиятдаги реал аҳволни кузатиш, ундаги воқеаларга тўғри баҳо бериш имкониятини вужудга келтиради.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Конституцияда белгиланган фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлашнинг қўшимча ва кучли воситасидир. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлишидан фуқаролар ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлади.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги Конституцияда белгилаб қўйилган.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлашда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳал қилиш муҳимдир. Ана шу мақсадда тегишли қонунлар қабул қилинган.

Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатишида, жараён ва воқеаларга тўғри баҳо беришда журналистларнинг роли катта. Ўзбекистон

мустақил бўлгач, малакали, дадил, шижоатли журналистлар тайёрлашга, мавжудларини қайта тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 14 апрелда "Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида демократиялаш жараёнларини чуқурлаштиришга кўмаклашишни, чет мамлакатлар тажрибасидан ва журналистикага қўйилаётган замонавий талаблардан келиб чиқиб, вақтли матбуот, телевидение ва радиотизимининг журналист кадрлари малакасини оширишни ва шу асосда оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига эришишни кўзлайди.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига эришиш асосида:

— оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри хилма-хиллиги инсон эътиқодлари ва қадрқимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

— ахборотни цензурадан, мафкуралашувдан тулиқ халос бўлишини назарда тутган ҳолда аҳоли ва жамиятнинг холис, ишончли ва хилма-хил ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш;

— аҳолини оммавий ахборот воситалари ёрдамида демократлашни чуқурлаштириш, умуминсоний қадриятларга, кенг ёйилган маънавият ва маърифат ғояларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш жараёнарига кенг жалб қилиш имконияти вужудга келади. Бу ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда жуда муҳим бўлиб, конституциявий тузумнинг мустаҳкам бўлишини таъминловчи воситалардандир.

## 21. ТАШҚИ СИЁСАТ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистоннинг мустақиллиги республика ташқи сиёсатини мустақил, ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб белгилаш имкониятини вужудга келтир-

ди. Бу конституциявий тузумнинг муҳим қисми — давлат суверенитетига тааллуқли бўлганлиги туфайли конституциявий даражада мустақкамланди. Конституциянинг IV боби "Ташқи сиёсат" деб номланиб, ундаги 17-моддада ташқи сиёсат принциплари белгиланган.

Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

1. Давлатларнинг суверен тенглиги.
2. Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик.
3. Мамлакатларнинг чегараларини эътироф этиш ва чегаралар дахлсизлиги.
4. Низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш.
5. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.
6. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларини тан олиш.

Конституцияда белгиланган мазкур принциплар халқаро ҳужжатлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади. Мазкур принципларга амал қилиш Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида алоҳида мавқега эга бўлишини таъминлайди, тинч-осойишта жараёнда республика ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки халқаро миқёсда тинчликка эришиш, ички имкониятлардан тинчлик йўлида, яратувчанлик йўлида фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгандан бошлаб бирор-бир мамлакатга ҳудудий эътирозлар қилмаганлиги, ўз навбатида, ўзининг мавжуд ҳудудининг дахлсизлигини сақлаш учун алоҳида, халқаро ҳуқуқ доирасида ҳаракат қилаётганлиги мамлакатимизни Конституцияга амал қилиб иш кўраётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Конституциясида фақат мамлакат ичкарисидаги тартибни, давлатнинг фақат ички вазифасини белгилаш билан чекланмай, балки давлатнинг ташқи фаолияти ҳам белгиланганлиги консти-

туциявий тузумнинг барқарорлигини таъминлаш ички ва ташқи омиларга боғлиқлигидан келиб чиқади.

## 22. МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

Ҳар қандай мустақил давлат сингари Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлаш муҳим масала эканлигини ҳеч қачон унутмайди. Конституциявий тузумнинг муҳим вазифаси фақат ички тартибни таъминлаш билан чегараланмасдан, ташқи хавфдан ҳам ҳимояланиш ҳисобланади. Бунда давлат алоҳида масъулиятга ва шу билан бирга ваколатларга эга.

Ўзбекистон мудофаа ва хавфсизлик масаласининг конституциявий асосларини белгилаб қўйди. Конституциянинг 17-моддаси иккинчи бандида: "Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин" деб қўйилган. Бу қоида фақат давлат манфаатини эмас, энг аввало, халқнинг манфаатини кўзлайди. Зеро, давлат ўз хавфсизлигини таъминлаш билан халқ хавфсизлигини уйлайди. Хавфсизликни таъминлай олган давлатгина халқнинг олий мақсад ва манфаатлари амалга ошишига имконият яратиши мумкин.

Конституция қоидаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон БМТга, МДҲга аъзо бўлиб кирган ва бир неча бошқа халқаро шартномаларда иштирок этади.

Мудофаа ва хавфсизлик масаласи, Конституциянинг бу моддасидан ташқари махсус XXVI бобида ҳам қонун йўли билан мустаҳкамланган. XXVI боб бевосита "Мудофаа ва хавфсизлик" деб аталган.

Бу бобнинг қоидалари Ўзбекистоннинг мудофаа ва хавфсизлигини таъминлашдаги энг асосий воси-

та — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини тузишнинг конституциявий асосини белгилайди. 125-моддага асосан "Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуроли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади", 126-моддада: "Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуроли кучларга эга" деб кўрсатилган.

Бу моддада Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Кучлари, биринчидан, республиканинг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, иккинчидан, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида тузилганлиги аниқ-равшан кўрсатилган. Ўзбекистон Конституция ҳолатидан келиб чиқиб, ўз ҳарбий доктринасини шу асосда қабул қилган. Унга асосан; ҳеч қандай уруш халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг усули сифатида тан олинмайди; республика ядро қуролиларини олиш, сотиш, ишлаб чиқаришдан тийилади; бирор-бир давлатга ҳудудий даъво қилинмайди; тўғридан-тўғри тажовуз объекти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламайди ва ҳоказо.

## ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

### 1. ШАХС ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТИ

Ҳуқуқий фанлар ичида давлат ҳуқуқи ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши даврига қадар, давлат ва унинг функцияси ҳамда вазифалари моҳиятини ўрганиш жараёнининг илк шаклланиши босқичларида ҳам шахснинг ҳуқуқий ҳолати муаммоси кўтарилмаган эди. На диний ва на дунёвий давлатлар инсон ва давлатнинг ҳуқуқий муносабатларини атрофлича муфассал кўриб чиқишга эътибор бермади. Кишилик жамиятининг тараққиёти, айниқса бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши, меҳнат тақсимоти, товар ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши аста-секинлик билан шахснинг бу жараёнлардаги ҳуқуқий ўрнини белгилаб бериш заруриятини юзага келтирди.

Шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши Конституциянинг асоси ҳисобланади. Конституциянинг пайдо бўлиш зарурияти, бир томондан, инсоннинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш эҳтиёжи туғилганидан бўлса, иккинчи томондан, давлат ҳамда унинг органларини шу давлат ҳудудидаги жамият аъзолари билан ўзаро муносабатини белгилаш билан изоҳланади. Шу йўсинда шахс ва давлат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми сифатида асосий қонун — конституциялар қабул қилинди. Илк конституцияларнинг асосчилари шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига тегишли нормаларни яратар эканлар, мутафаккир ҳамда алломаларнинг ҳуқуқий қарашларини, шунингдек, инсон ҳуқуқларига таал-



луқли бўлган ҳужжатларда акс этган ғоялар мазмунини конституцияларда мужассам ифода этилишига жиддий эътибор берганлар.

Инглизларнинг XVII асрда қабул қилинган "Habeas Corpus Act" инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган илк ҳужжат ҳисобланади.

Кейинчалик қабул қилинган ҳужжатлар ичида АҚШнинг 1776 йилда қабул қилинган "**Мустақиллик декларацияси**", Франциянинг 1789 йилги "**Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси**" алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу ҳужжатлар давлатнинг ўз фуқаролари ҳамда ҳар қандай шахс олдида ҳам уларга тегишли ҳуқуқларга нисбатан масъулият ҳисси уйғонишига хизмат қилди.

Ҳозирги кунга келиб давлат ва шахс муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси конституциявий тамойил ва нормалар асосида ҳал қилинади.

Конституцияни қабул қилишдан асосий мақсад шахсларнинг давлат ҳокимияти ва унинг органлари тазйиқидан ҳимоя қилиш ҳамда шахсларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини давлат томонидан таъминлашдан иборат.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий тушунишда давлат ўз органлари сиймосида инсонлар эркинликларининг чегарасини белгилаб бериши Конституцияда асосий мазмун касб этади. Демак, давлат инсонларга ҳуқуқ ва эркинлик бермайди, балки уларнинг мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларини давлат ва жамият манфаатларининг устуворлигини таъминлаш мақсадида чегаралаш мумкин. Давлатнинг бош мақсади ҳам инсонларнинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларига иложи борица камроқ аралашувида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Конституция ва қонунларда инсонларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари аниқ мустақамлаб қўйилиши анъанавий тус олган. Барча демократик давлатларнинг

конституциялари қатори Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосий вазифаси мамлакатдаги инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни ҳимоя қилишдан иборат. Конституциямизнинг муҳим хусусиятларидан бири алоҳида бўлим ва тегишли боблар ҳамда моддаларда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари кенг, атрофлича белгилаб қўйилганлигидир. Бу эса ўз навбатида, давлат, унинг органлари ҳамда мансабдор шахсларга инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масъулиятини белгилаб беради. Конституциямиздаги асосий тамойиллар мазмунан шахс ва давлат муносабатини ойдинлаштириб берса, унинг нормалари ва қонунлар давлатнинг инсонлар олдидаги мажбуриятларини аниқ ифодалайди.

✓ Жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари уларнинг бир-бири билан ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятда узвий боғлиқ эканлигида, яъни бир томондаги ҳуқуқ иккинчи томонга маълум мажбурият юклайди ёки бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Конституциянинг яна бир алоҳида хусусияти, жамият аъзоларининг давлат фаолиятида ўзларининг манфаатлари ётганлигини чуқур англаб, унинг қадрига етиши орқали инсонларни давлатта ҳурмат билан қараш ҳиссини шакллантириши лозимлигида намоён бўлади. Жамият ва давлатнинг мақсади муштарак бўлганда ҳамда улар ўзаро мутаносибликда ривожланишга юз тутганда, ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёни тезлашади ҳамда фуқаролик жамиятининг яратилишига замин тайёрланади.

## **2. ШАХСНИНГ ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ПРИНЦИПЛАР**

Ўзбекистон Республикасида шахсларнинг қонун олдида тенглиги Конституциянинг 18-моддасида асосий қоида сифатида белгилаб қўйилган. Бу асосий

қоида халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида эътироф этилган нормалар мазмунига тўла мос келиб, унга асосан республикамиз фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб берилиши, бунда ижтимоий адолат тамойили устувор эканлигининг мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминловчи қоида ҳисобланади. Қонун олдида барчанинг тенглигини таъминловчи асосий қоида сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

"...Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси).

"Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади" (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддаси).

"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинади" (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси).

"Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси).

"Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддаси).

"Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт" (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси).

"Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади" (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси).

Бундай конституциявий қоидаларга мисол қилиб кўрсатишга молик нормалар жуда кўп бўлиб, ҳар бир моддада инсон ва фуқароларнинг қонун олдида ўзаро тенглигини таъминловчи асослар мавжуд.

Фуқаролик ҳуқуқига доир барча ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларда фуқароларнинг ўзаро тенглиги, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларда эса барча инсонларнинг тенглиги қондаси мустаҳкамланган. Конституциямиз нормаларида фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари аниқ ёритиб берилган. Масалан, Конституция нормаларида "ҳар ким", "барча", "ҳар бир шахс", "ҳар бир инсон", "ҳеч ким" каби иборалар фуқаролигидан қатъи назар ҳар бир инсонга тегишли ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчларга дахлдор бўлса, фуқаролик ҳолатини ҳисоб-

га олиш зарурияти мавжуд ҳолларда "фуқаро" сузи билан ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар соҳиби кўрсатилган. Масалан, "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга" нормасидаги мазмундан бу ҳуқуқ фуқаролигидан қатъи назар, барча инсонларга тегишли эканлигини англаш мумкин. "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатилишини кафолатлайди" (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси). Ушбу моддада белгиланган норма бевосита давлат томонидан фақат фуқарога тегишли ҳимоя ва ҳомийлик кўрсатилишини мустаҳкамлайди.

### **3. ФУҚАРОЛИК, ФУҚАРОЛИККА ЭГА БЎЛИШ, ФУҚАРОЛИКНИ ЙЎҚОТИШ АСОСЛАРИ**

Фуқаролик тушунчасига инсон ўзлигини англаши учун қилинган саъи-ҳаракат, курашлар натижасининг маҳсули сифатида қараш мумкин. Конституция пайдо бўлиши билан фуқаролик тушунчасига ойдинлик киритила бошланди. Бу ўринда Француз буржуа инқилоби алоҳида ўрин тутди. Чунки "фуқаролик" тушунчаси ўша даврдан мазмунан "озод", "эркин", "ҳур" маъноси билан бирга инсонларнинг қонун олдида ўзаро тенглигини ҳам англата бошлади. Бу термин француз инқилобининг таъсири орқали барча демократик давлатларга кенг тарқалди.

Илмий адабиётларда фуқароликнинг маъноси турлича ифодаланиб келинди. Баъзи олимлар фуқаролик — шахснинг маълум давлат билан алоқаси деб, баъзилари эса шахснинг давлатга мансублиги, яна бошқа гуруҳ олимлар шахснинг давлат билан мажбурий, доимий алоқаси, яъни бундай алоқасиз фуқаролик, яъни муайян давлатга тегишлилик бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам

биз фуқаро тушунчасига тўлиқ таъриф келтирамиз. Фуқаролик — муайян давлатга тегишли шахснинг шу давлат билан муҳим ҳамда узвий сиёсий-ҳуқуқий муносабати бўлиб, ушбу муносабат орқали шахсга нисбатан шу давлат юрисдикцияси тааллуқли бўлади, яъни шахс давлатда мавжуд барча ҳуқуқларга эга бўлиши билан бирга фуқароларга юклатилган мажбуриятларни ҳам бажаришни ўз зиммасига олади.

Фуқаролик шахсларнинг маълум ҳуқуқий ҳолати экан, у қандай вужудга келиши, яъни фуқароликка эга бўлиш, фуқароликнинг бекор қилиниши, фуқароликни йўқотиш, фуқароликни тиклаш ҳар бир давлатнинг фуқароликка тегишли қонунлари орқали ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, аввалам бор, ўз эътиборини давлат фуқаролиги муаммолари ечимини топишга қаратди. Мустақилликнинг илк давларида барча ҳудудимизда икки фуқароликка оид ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиб, давлат олдидаги бирламчи вазифа ўз фуқаролигининг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат бўлганлиги бежиз эмас. Шу мақсадда 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг аҳамияти, биринчидан, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги ҳуқуқий асослардан бири эканлиги, иккинчидан, фуқароликка оид барча муаммоларни ўз вақтида ечимини топишга хизмат қилганлиги билан ифодаланади.

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуннинг умумий қоидаларида фуқаролик, уни сақлаб қолиш, давлат томонидан фуқароларни ҳимоя қилиш, ўз фуқароларининг чет эл фуқаролигига мансублигини тан олмаслик ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид тушунчалар берилган.

"Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуннинг II бўлим 12-18-моддалари Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир демократик давлат ўз фуқаролигига қабул қилиниш истагини билдирган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан маълум шартларни қўйиши табиий.

Фуқароликка қабул қилиш ҳам ҳар бир давлат олдида маълум муаммоларни юзага келтиради. Буларга иқтисод, сиёсат, ижтимоий таъминот, экология, мамлакат хавфсизлигига оид масалаларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш шарти қуйидагилардан иборат:

- 1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;
- 2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик;
- 3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Юқоридаги шартларнинг бажарилиши давлат ваколатли органлари томонидан ўрганиб чиқилгач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига асосан шахснинг илтимоси қондирилиши мумкин.

Агар шахс:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодлик-

дан маҳрум этилган ва жазони утаётган бўлса, уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунининг III бўлими бевосита Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилишига бағишланган бўлиб, унинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилиши кўрсатилган.

Қонуннинг 20-моддаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ҳақида бўлиб, унда шундай илтимос билан мурожаат этган шахслар узгалар олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажарган ёхуд жиний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун зиммасида жавобгарлиги бўлмаган ҳамда унинг фуқароликдан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлмаган тақдирда йўл қўйилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Қонуннинг 21-моддасига биноан шахс бошқа давлатнинг махсус хизматига ўтган тақдирда, чет элда доимий яшаб, беш йил давомида узрсиз консулик ҳисобида турмагани ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сохта ҳужжатлар асосида олганлиги оқибатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, фуқароликни олиш, фуқароликнинг тугатилиши асослари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ мос келади. Шунинг учун ривожланган давлатларда фуқаролик масалалари қандай ҳуқуқий тартибга солинишига бир назар ташласак. Бизнинг қонунчилигимизда белгиланганидек, фуқароликни олишдаги икки асосий кўриниш, яъни туғилишига ҳамда вояга етган шахсларнинг ўз хоҳиш-истагига кўра фуқароликни олиш ҳолати барча ривожланган давлатларда мавжуд. Баъзи мамлакатларда туғилишига кўра шахснинг фу-



қароликка қабул қилинишида ота-онасининг фуқаролиги асосий ва зарурий шарт ҳисобланади. (Франция, ГФР, Италия ва бошқалар). Айрим давлатларда эса шахснинг шу давлат ҳудудида туғилганлиги ҳам асос бўлади (Лотин Америкаси давлатларида).

АҚШ, Ҳиндистон каби давлатларда шахс ота-онасининг фуқаролигига асосан ҳам ҳамда шу давлат ҳудудида туғилганлигига қараб ҳам фуқароликка эга бўлиши мумкин.

Буюк Британияда эса туғилишига кўра фуқароликни олишлик учун ҳар иккала шарт биргаликда қўлланилади. Яъни шахс Буюк Британия ҳудудида туғилиши билан биргаликда ота ёки онасининг шу давлат фуқароси эканлиги уни туғилишига кўра фуқаро деб ҳисобланишига асос бўлади.

Туғилишига кўра фуқароликни олган шахслар ота-онасининг фуқаролигига кўра ёки шу давлат ҳудудида туғилганлиги асосида фуқароликни олганлиги билан фарқланади. Бу АҚШдаги шу кунда ҳам амалда бўлган ҳолатлардан бири, яъни АҚШ Президентлигига номзод бўлиш учун шахс шу ҳудудда туғилишига кўра фуқароликни олган бўлиши керак.

Шахсларнинг вояга етиши билан ўз хоҳиш-истагига кўра, яъни илтимос ила давлатнинг ваколатли органларига мурожаат этиши орқали фуқароликни қабул қилиш ҳолати ҳам кўп учрайди.

Бунинг учун ҳар бир давлат ўз манфаатларига ёндашган ҳолда, ўз ҳуқуқий нормалари асосида бундай шахсларга нисбатан маълум шартларни қўяди. Асосий шарт — фуқаролиги исталган давлатда, маълум вақт мобайнида қонуний муҳожир бўлишликдир. Бундай муҳлат АҚШда 5 йил, Франция ва Буюк Британияда 8 йил, Швецарияда 12 йил деб белгиланган. Бундан ташқари давлат тилини лозим даражада билишлик, бошпанага эга бўлиш, ўзининг аввалги фуқаролигидан воз кечиш, маълум касб-хунарга эга бўлиш каби шартлар мавжуд.

Ҳар бир давлат фуқаролари олдида ўз ҳимояси ва ҳомийлиги учун масъул эканлигини инобатга олиб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиш муҳимлигини ҳис этганлиги учун чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўз фуқаролигига олишда маълум шартлар қўйиши бежиз эмас.

#### 4. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ТУШУНЧАСИ

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг бош туркуми ҳисобланади. Фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига бевоқифа шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг узвий давоми сифатида қараш мумкин. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар қаторига инсонларнинг яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, қонун томонидан тенг муҳофаза этилиш ҳуқуқи, суд ҳукми-сиз айбдор ҳисобланмаслик ҳуқуқи, ўзига ва ўзининг яқин кишиларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи, одил судлов ва суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи, ёзишма ва сўзлашувларнинг сир сақланиш ҳуқуқи, тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи, эркин кўчиб юриш ва тураржой танлаш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, фикрлаш эркинлиги, сўз эркинлиги ҳамда виждон эркинлигини киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар Ўзбекистон Конституциясининг VII бобида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар муқаддас бўлиб, у инсоннинг мавжуд бўлишлиги учун хизмат қилувчи табиий ҳуқуқлар ҳисобланади. Бу ҳақда қатор халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида ифодаланган ғоялар диққатга сазовордир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 3-моддаси қуйидагича ифодаланган: " Ҳар бир ин-

сон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир". Ушбу ғоя жаҳоннинг барча Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларининг миллий қонунчилигида ўз ифодасини топганидек, Ўзбекистон Конституциясининг 24-моддасида ҳам мустаҳкамланган: "Яшаш ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир..."

Яшаш ҳуқуқининг ҳуқуқий таъминланиши "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт", "Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт" ва сўнги ҳужжатга илова қилинган "Факультатив протокол" каби халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Давлатнинг энг бирламчи вазифаси ҳам шахсни ҳимоялаш, уни унга ва унинг ҳаётига қилинган тажовузлардан муҳофаза қилишдир. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсонга унинг жинси, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар тегишли ҳисобланади.

Инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси умумий қоидаларининг мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси махсус қисмининг I бўлимида (97—103-моддалари) инсон ҳаётига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шахс эркинлиги ва дахлсизлиги инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган курашлар самараси бўлиб, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Ушбу ҳуқуқ инсоннинг эркин ҳаёт кечириши, қонунга зид бўлмаган, ижтимоий хавфли ҳисобланмаган ҳар қандай ҳаракатни содир этиши билан ифодаланади.

Давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар инсонга ноқонуний таъсир ўтказиш, унинг ҳуқуқларини чеклаш ёки у томонидан бирор ҳаракатни қилиши учун мажбурлашга ҳақли эмас. Бундай қоидалар

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил декабр-да қабул қилинган. "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт"нинг асосий мазмунидан келиб чиққан бўлиб, ушбу ҳужжат жаҳон мамлакатлари қонунчилигига андоза ҳисобланади. Инсоннинг ушбу ҳуқуқларини илк бора АҚШнинг 1776 йилги "Мустақиллик Декларацияси" мустаҳкамлаб берган эди.

Ҳозирги замон ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир инсон суднинг махсус қарорисиз ёки прокурорнинг рухсатисиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Айрим давлатларда жиноят қилганликда айбланиб, ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахслар гаров эвазига, суд ҳукмига қадар озодликда юриши мумкин. Айрим назариётчилар томонидан ижтимоий тенгсизликнинг бир кўриниши деб баҳоланаётган ушбу ҳолат аслида инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чора ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида белгиланган шахсларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳар бир шахсга, унинг фуқаролигидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Конституциямизнинг 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши қонун талаблари доирасида фақат суд томонидан ошқора кўриб чиқилиши ҳамда суд томонидан айбдор деб топилмаган бирор шахсни айбдор ҳисобланмаслиги ифодаланган. Шу билан биргаликда давлат судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитларни таъминлаб беришни ўз зиммасига олади. Бунда ҳимоячи билан таъминлаш, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган айбланувчига таржимон берилиши, айбланувчини ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур этмаслик, айбланувчидан ўзининг айбсизлигини исботлашни талаб қил-

маслик каби ҳолатлар назарда тутилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоннинг қийноққа солинишига, унга нисбатан ноқонуний куч ишлатилишига, унинг зўравонлик ва шафқатсизликнинг қурбони бўлишига, шаъни, қадр-қиммати, нафсониятига тегувчи бирор-бир тарзда камситилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Ўзининг розилигисиз инсон илмий ва тиббий кўри-нишдаги ҳар қандай тажрибадан ўтказилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида белгиланган нормада ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовулардан, шахсий ҳаётига ўзгаларнинг аралашувидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга эканлиги, қонунда белгиланган тартиб ва асосларда ҳеч кимнинг турар жойига унинг рухсатисиз кириш, турар жойини кўздан кечириш, тинтув қилиш мумкин эмаслиги, шунингдек, инсоннинг ёзишмалари ва сўзлашувлари сирларини ошкор қилиниши мумкин эмас деб кўрсатилган.

Ушбу норма Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 12-моддасида кўрсатилган ғоялар мазмунига ҳамоҳанг бўлиб, инсонлар нормаларда белгилаб қўйилган қоидалар асосида яшаши лозим. Ушбу қоидалар инсонларни шу турдаги ҳуқуқлардан фойдаланишида ҳеч кимдан рухсат талаб қилмаслиги билан изоҳланади. Ушбу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида қабул қилинган фуқаролик, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий ва бошқа нормалар орқали қўриқланади. Инсоннинг турар жойига унинг рухсатисиз кириш, турар жойини кўздан кечириш, тинтув ўтказиш масъалари бўйича қонуний ҳаракатларни содир этишга асослар мавжуд бўлган тақдирда фақат ваколатли давлат органлари томонидан, суд ёки прокурорнинг махсус рухсати билан йўл қўйилади, бунда қонунда белгиланган тартибга риоя этилган ҳолатда процессуал

ҳаракатлар амалга оширилади. Тинтув ўтказиш мобайнидан тинтув ўтказилаётган уй-жойнинг эгаси ёки унинг оиласига мансуб бирон-бир вояга етган оила аъзосининг иштирокини таъминлаш зарур. Агар иштирокчини ҳам таъминлашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда тегишли маҳаллий ҳокимият ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари тақлиф этиш лозим.

Инсоннинг шахсий сирларининг сақланиши унинг дахлсизлигини таъминлашнинг яна бир кўринишидир. Қонун асосларида шахсий сирларни фақат жиноятларнинг олдини олиш ёки жиноятни очиш мақсадида тегишли ваколатли органлар томонидан ўрганиш мумкинлиги кўрсатилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан асосийси эркин кўчиб юриш, яъни яшаш жойини ўзи танлаш ҳуқуқи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимиз ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, ундан чиқиб кетиши ва қайтиб келиши мумкин. Худди шу мазмундаги инсон ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади.

Инсон ўзига мақбул бўлган истиқомат жойини танлаш, шунингдек, хоҳлаган мамлакатга чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон фуқаросининг чет элга доимий яшашга, шахсий ва жамоат ишлари билан, сайёҳ сифатида, ишга, даволанишга ва хизмат сафарга чиқиши унинг эркин ҳуқуқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги конституциявий нормани тўлдирувчи қоидалар маълум тоифадаги шахсларга нисбатан чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклайди. Бундай қоидалар конституциявий тамойилига зид бўлмай, давлат ва жамият аъзолари манфаатлари юзасидан қабул қилинган. Чет элга чиқиш ҳуқуқи рад этилган фуқаролар бевосита судга мурожаат этиши мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари орасида фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи аҳамияти жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 19-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 моддаси фикрлаш, сўз, эътиқод эркинлиги ҳуқуқини мустақамлаш билан исталган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш, фикрни ифодалаш каби ҳуқуқларни ҳам белгилаб беради. Ушбу ҳуқуқлар амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган бўлиши мумкин эмас. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Ҳар ким ўзининг ички ишончи асосида жамият ҳаётига ва давлат муаммоларига доир масалалар юзасидан ўз фикри, сиёсий, ҳуқуқий қарашларини ифода этиши мумкинлиги қонунчилигимизда белгилаб қўйилган.

Фикрлаш, сўзлаш эркинлиги, ахборотларни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фуқароларга давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол қатнашиш имконини беради.

Юқорида тавсифланган ҳуқуқларга дахлдор қоидаларни ўз ичига олган нормалар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси, Жиноят процессуал Кодекси, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ҳамда "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қонунларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар туркумини ифодалаш билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжат, қарор ва бошқа материаллар билан таъқиқиш имкониятини яратиш мақсадида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар зиммасига

маълум масъулият юклайди. Ушбу қоида Конституциямизнинг 30-моддасида ўз ифодасини топган.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда мансабдор шахслар ўз фаолиятини ошкоралик тамойили асосида амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларидан бошлаб, ўз олдига собиқ шўролар тузумидан аянчли мерос бўлиб қолган динга эътиқодсизлик асоратига чек қўйишни мақсад қилиб қўйди. Шу мақсадда давлат республика ҳудудидаги барча умуминсоний диний конфессияларнинг ривожланишлари учун кенг шароит яратиб берди. Ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган Конституция ва унинг 31-моддаси қуйидаги қоидаларни мустаҳкамлаб берди: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди".

Конституциямиз асосида қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида"ги Қонун орқали ҳукуматимиз барча шахслар ҳамда диний конфессияларга эътиқод масалаларида тенг имконият яратиб бериш билан бирга, уларнинг умумбашарий қадриятларга молик аҳамиятини, маърифий ва хайрия фаолиятини юксак баҳолайди.

## **5. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР**

Ҳар бир давлатда фуқароликка эга бўлган шахс сиёсий ҳуқуқлар субъекти ҳисобланади. Чунки сиёсий ҳуқуқлар мазмун ва моҳиятига кўра жамият ҳамда давлат ҳаётининг сиёсий томонларига дахлдор бўлиб, унинг таъсири ҳокимият масалалари ва муаммоларининг ечимига қаратилган.



Жамият ва давлат ишларини бошқариш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига тегишли ҳуқуқ бўлиб, фуқаро ушбу жараёнда бевосита ёки билвосита қатнашади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки ўзини ўзи бошқариш, референдум, сайлов, митинг, йиғилиш ва намойиш ўтказиш каби демократик шаклларда амалга оширилади. Ушбу ҳуқуқлар Конституциямизнинг 32-33-моддаларида мустаҳкамланган. Ҳокимият органлари митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказишни фақат жамият аъзоларининг хавфсизлиги нуқтаи назаридангина тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ижтимоий фаолигидан, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксак даражада бўлишидан, аввало давлатнинг ўзи манфаатдор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи Конституциянинг 34-моддасида белгиланган.

Ушбу қоида ўз Конституциясида демократик давлат ва ривожланган жамият барпо этишни ифода этмаган мамлакатда бўлиши мумкин эмас. Собиқ шўролар давлати нафақат ўз ҳудудда, балки ер шарининг деярли ярмида бир партия, яъни коммунистик партиянинг ғояларини илгари сурганлиги оқибатида инсоният кўп жабр ва кулфатни бошидан кечирди. Кўпгина халқлар қатори, Ўзбекистон халқи ҳам собиқ тузум оқибатларини бартараф этиб, кўппартиявийлик йўлидан бормоқда. Зеро, кўппартиявийлик асосида ривожланган жамиятда демократик давлат қуриш имкони яратилади. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган: "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни сиёсий партияларнинг

жамиятдаги ўрни, вазифаси, мақоми каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солган ҳужжатдир. Сиёсий партиялар жамиятнинг турли қатламлари манфаатини кўзлаб ҳаракат қилсада, оқибатда жамият муносабатларининг юксак даражада шаклланишига хизмат қилади.

Жамоат бирлашмалари сиёсий партиялар каби сиёсий қарашлар ва манфаатлар уйғунлигига асосланмасдан, балки иқтисодий манфаатлар, ҳуқуқлар, касбий қизиқишлар соҳасидаги кишиларнинг уюшмасидир. Жамоат бирлашмалари ҳам ўз фаолиятини Конституция ва амалдаги қонунларга зид амалга ошириши мумкин эмас. Давлатимиз сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг аъзоларини ҳам ўз муҳофазасига олган. Уларнинг низом ва дастурлари амалдаги қонунчилик асосида белгиланган тартибда қабул қилинади ҳамда давлат рўйхатидан ўтади.

Ҳуқуқий демократик давлатда ҳокимият таркибида муҳолифатчи кишилар озчилигининг ўрин олиши табиий ҳисобланади. Конституциямиз халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиб, озчиликни ташкил қилувчи муҳолифатга шахсларнинг ҳокимият вакиллик органлари таркибидаги фаолиятида ҳам ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланмаслигини, кадр-қимматининг камситилмаслигини ҳуқуқий томондан кафолатлайди.

"Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакиллариغا ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасининг 1-банди.

Ушбу норманинг мазмунидан ҳар бир шахс ўзининг ёки ўзгалар ҳуқуқини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усули мавжудлигини англаса бўлади. Давлат органлари, муассасалар, халқ вакиллари

ўз ваколати доирасида ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқадилар.

Инсонларнинг мурожаатлари оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши ҳамда амалга оширилиши мумкин.

Шикоят, ариза ёки мурожаатлар қонун талабларига жавоб бериши, асосли бўлиши лозим. Уларни ғайриқонуний рад этиш, кўриб чиқиш муддатларини узрсиз ўтказиб юбориш, шунингдек, бошқача тарзда бузиб кўрсатиш қонун томонидан қўриқланади.

Аризалар, таклиф ва шикоятлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун асосида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши керак.

## 6. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳисобланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар муҳим аҳамият касб этади. Булар инсон ҳаётининг энг муҳим томонларини ифодалайди ва жумладан, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш каби ҳуқуқларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларнинг асосий тамойиллари ўз ифодасини топган.

Собиқ шўролар даврида бутун иқтисодиёт ва халқ хўжалиги давлат томонидан режалаштирилган эди. Ҳар бир корхона учун иқтисодий ва маданий ривожланишни, жамғарма ва иш штатларини фақат давлат режалаштириб берар, бу режаларни бажармаслик давлат олдидаги мажбуриятни бажармаслик билан тенглаштирилган эди. Фақат давлат идоралари, корхоналарида ёлланиб ишлаш мумкин бўлиб, ин-

сонларнинг меҳнат қилиш соҳаларидаги ташаббуси эътиборга олинмас эди.

Собиқ тузумнинг моҳияти хусусий мулкчиликни инкор этиш билан жамиятнинг ижтимоий ривожланишида хусусий мулк ўта салбий ҳамда кишилар орасидаги муносабатларга раҳна солувчи омил деб қаралгани билан тавсифланади. Шунинг ўзида ҳам собиқ Иттифоқдаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга давлат томонидан берилган эътиборни англаб олиш мумкин. Аянчли ўтмишимиздаги ушбу ҳолатлар, жамиятимиз ривожининг сустлашишига олиб келган эди.

Мустақилликнинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституциямиз ўтмишдаги ижтимоий тузумдан янги, бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатлар ўрнатиладиган конституциявий тузумни мустаҳкамлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида IX боби бевосита иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тизимини ўзида мужассам этган. Ушбу ҳуқуқлар ичида мулк ҳуқуқи инсон ҳаётининг асосий гарови бўлмиш мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш эркинлигини берди. Ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ давлат томонидан кафолатланади.

Мулк ҳуқуқининг мавжудлиги ривожланган давлатлар иқтисодининг юксалишига, жамият муаммоларини ечишда мулкдорнинг фаол иштирокчига айланишига хизмат қилиб келмоқда.

Конституциямизнинг 37-моддаси ҳар бир шахсга меҳнат қилиш, ўз эркига кўра касб танлаш, инсонга муносиб меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда уни ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Ҳар бир инсон ким бўлишидан қатъи назар, ўз меҳнат самарасини кўриши учун меҳнат қилади, эркин касб танлайди. Инсонни меҳнат қилишга мажбур этиш қондаси мавжуд эмас. Мамлакатимизда

амалда бўлган меҳнат қонунчилигига доир ҳужжатлар мазмуни Ўзбекистонни дунё ҳамжамияти томонидан меҳнат ҳуқуқига доир қабул қилинган умумий тамойилларига содиқ эканлигини намойиш этади. Қонун меҳнат қилиш билан боғлиқ муносабатлар иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги келишув асосида вужудга келишини белгилайди.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун, меҳнат таътилларини қонун билан белгиланиши Конституциянинг 38-моддасида кўрсатилган. Шу ўринда Меҳнат Кодексини ҳам мисол тариқасида келтирсак арзийди. Ўзбекистоннинг Меҳнат Кодекси конституциявий нормаларнинг узвий давомчиси сифатида меҳнатга доир муносабатларни тартибга солади. Меҳнат Кодексида иш вақти, дам олиш вақти, ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати белгиланган.

**Ижтимоий ҳуқуқлар.** Иқтисодий ҳуқуқлар билан ижтимоий ҳуқуқлар биргаликда Конституциянинг алоҳида бобида кўрсатилганлиги бежиз эмас, албатта. Баъзи адабиётларда ушбу ҳуқуқлар мажмуи ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар туркуми деб кўрсатилган.

Давлатимиз олдидаги асосий вазифалардан бири жамиятимиз аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Конституциянинг 39-моддаси ҳар кимни қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганида, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини инсонийлик нуқтаи-назаридан белгилаб беради. Шу билан бирга ушбу моддада пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам турлари тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган, бунда уларнинг миқдори давлат томонидан ҳам расман белгилаб қўйилиши назарда тутилган.

Конституцияда инсонларга малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқининг белгиланиши дав-

латнинг жамият олдидаги катта масъулиятини билдиради. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши давлат бюджетида ўз аксини топади. Самарали тиббий хизмат тизимини яратиш, малакали шифокорлар тайёрлаш каби масалаларни ижобий ҳал қилиш давлат зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга....." деб қайд этилган. Ушбу қоида "Таълим тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан мустақамланган. Билим олиш ҳуқуқи орқали инсонлар ўз салоҳиятларини оширадилар, зарур касб-хунарни эгалладилар, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топадилар. Давлат таълим соҳасида шахсларга етарли шарт-шароитлар яратиб беради. Масалан, давлат томонидан иқтидорли ёшларнинг қўллаб-қувватланиши, уларнинг ривожланган чет эл давлатларида ўқишига кўмаклашиш, етакчи таълим муассасаларида ўқишига ёрдамлашиш таҳсинга сазовордир.

Давлатимиз томонидан умумий таълим олишнинг бепул амалга оширилиши кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Давлат жамият ривожини учун маданий, илмий ва техникавий соҳаларни ўрганишга кенг йул очиб берган. Шунингдек, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатланиши миллий ва инсоният маданиятини ўрганишга кенг имконият беради. Бир вақтлар мустамлакачилик сиёсатининг қурбони бўлган халқимиз шўролар давлати томонидан ўз ўтмиши таҳқирлангани етмаганидек, ўзга халқлар тарихи ва маданиятини ўрганишдан ҳам бебаҳра қолган эди. Мустақиллик туфайли аجدодларимиз тарихини, уларнинг улкан

меросини ошкора ўрганиш билан бирга жаҳон маданий ютуқларидан ҳам фойдаланиш имкони туғилди.

## **7. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш воситалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Барча ҳудудларда амалда бўлган кафолатлар асосан икки гуруҳга: халқаро ҳуқуқий ва давлатнинг ички кафолатларига бўлинади.

Халқаро ҳуқуқий кафолатлар халқаро конвенциялар, шартномалар, келишувларда мустаҳкамланиб, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг органлари томонидан амалга оширилади.

Давлатнинг ички кафолатлари барча мамлакатлар конституцияларида акс этганидек, Конституциямизда ҳам алоҳида бобда ифодалаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий кафолатларига Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланиши (43-модда), ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши (44-модда), вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг давлат ҳимоясида эканлиги (45-модда), хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги (46-модда) каби нормалар киритилган.

Давлат ва унинг органлари жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга бутун эътиборини қаратади. Бу қоида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул деб қўрсатилган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддаси) нормада ҳам ўз аксини топган.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати бўлиб суд органларининг хизмат қилиши ҳуқуқий давлатнинг

белгисидир. Суднинг асосий функцияларидан бири инсонни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний таъсиридан ҳимоя қилишдир.

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги алоҳида таъкидланиши давлатимизнинг ижтимоий адолат юзасидан фаолият юритишни бош мақсад қилиб олганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсат юритиш қоидаларига тўлиқ амал қилмоқда.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш давлатнинг бош ижтимоий-сиёсий йўналишларидан биридир. Эркаклар ва хотин-қизлар тенглигини таъминлаш давлатимиз томонидан кенг миқёсдаги тадбирлар орқали амалга оширилмоқда.

## **8. ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ БУРЧЛАРИ**

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати нафақат унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, балки бурчлари билан ҳам аниқланади. Бу бурчлар инсоннинг субъект сифатида қатнашаётган турли муносабатида ўз аксини топади. Бурчлар доираси шахснинг маълум ҳуқуқий ҳолати (ишчи, хизматчи, ўқувчи, мулк эгаси, айбланувчи, гувоҳ ва ҳоказо) билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш шахснинг бурчларини аниқлаш билан ҳам бевоқиф боғлиқдир. Қонунлар шахснинг сайловчи, депутат, турли давлат ҳокимияти органлари аъзоси каби конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги бурчлари доирасини ҳам кўзда тутади.

Конституция инсон ва фуқаронинг бурчларини белгилашда уларнинг аниқ ҳуқуқий ҳолатига боғлиқ бўлмаган асосий бурчларини кўрсатиб ўтади.

Конституцияда белгиланган асосий бурчлар мазмуни аниқ ифодаланган бўлиб, шахснинг жамият,



фуқаролар олдидаги жавобгарлиги, фуқаронинг давлат ва жамият манфаатларига тегишли муносабати, унинг шу манфаатлар ҳимоясига жалб этилишини кўрсатиб берувчи талаблар умумлаштирилган.

Фуқаронинг давлат ва жамият манфаатларига нисбатан зарурий ижтимоий ва шахсий муносабатлари йўналишини аниқловчи асосий бурчлар ҳуқуқий категориялар характерига эгадир. Уларга риоя қилиш ҳуқуқий ва ижтимоий таъсир кўрсатишнинг барча чоралари билан таъминланади. Конституциявий бурчларни бажармаганлик учун жавобгарлик шундай ҳуқуқбузарлик характери, қайси муносабатлар доирасига тааллуқли эканлиги билан боғлиқдир. Амалдаги қонунчиликда жавобгарлик асослари тизими кўрсатиб ўтилган.

Шундай қилиб, асосий бурчлар ҳар бир инсон ва фуқарога тааллуқли бўлиб, унинг давлат, жамият ва бошқа фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қатнашиши зарурлиги билан боғлиқ бўлган, Конституцияда белгиланган ва ҳуқуқий жавобгарлик асосида муҳофаза қилинадиган ҳаракатдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир шахснинг ҳам энг муҳим бурчи Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига амал қилишдир. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бу бурчи фуқароларнинг бурчлари тўғрисидаги бобда алоҳида қайд этилган (48-модда).

Қонун талабидаги тартиб давлат ва жамиятдаги, ҳар бир инсон ҳаётидаги барқарорликнинг мустаҳкам омилдир. Конституция ва қонунларга амал қилиш бурчи ҳуқуқий муносабатлар субъекти учун тегишлидир..

Конституция ва қонунларга амал қилиш инсон ҳамда фуқаронинг намунали фаолияти, турмуш тарзи орқали Конституция ва қонун тамойилларини ҳаётга татбиқ этишга ёрдам бериши лозимлигини ҳам назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида фуқаролар бошқа инсонлар ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни, ғурури, қадр-қимматини ҳурмат қилиш бурчи кўрсатиб утилган.

Фуқароларнинг Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурлиги, маданият ёдгорликларининг давлат муҳофазасига олинганлиги Конституциянинг 49-моддасида асосий бурч сифатида белгиланган. Ўтмишдаги аجدодларимизнинг тарихи, уларнинг маданияти халқимизнинг маънавий бойлиги ҳисобланади. Тарих сабоқлари ота-боболаримиз қурган давлат, яратган маданий обидалар, асарлар ҳақида билиб олишимиз, ўзлигимизни англашимизда асосий омилдир. Дунё халқларини ҳайратга солувчи тарихимиз, бой меросимиз, маданий ёдгорликларимиз ҳар бир фуқаромизда юксак фахр уйғотади. Шунинг учун ҳам ҳукуватимиз тарихий қадриятларимизни, маданий ёдгорликларимизни ўз муҳофазасига олган.

Булардан ташқари фуқароларнинг солиқ ва бошқа йиғимларни тўлаш бурчи ҳам мавжуд. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан фуқароларнинг солиқ тўлаш бурчи Конституцияда ўз ифодасини топган. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар" (Конституциянинг 51-моддаси).

Бу, албатта объектив қонуниятларга асослангандир. Хусусий мулкнинг ривожланиши тадбиркорлик эркинлиги, давлат мулки доирасининг торайиши солиқ тизимига янгича қарашларни шакллантирди.

Фуқаролар ва шахслар тўлаётган солиқларнинг давлат бюджетдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорликка йўл очилган, турли иқтисодий

фаолиятга рухсат берилган даврда давлат томонидан назорат қилинмайдиган ва ҳисобга олинмайдиган даромад манбалари мавжудлиги шароитида, солиқ тўлаш фуқаронинг ўз даромадлари ҳақида солиқ хизматларига маълумот бериши, даромадлар тўғрисидаги декларацияни тўлдириши билан боғлиқдир.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида фуқароларнинг солиқ тўлаш бурчи унинг энг муҳим бурчларидан бири деб белгила-ниши, бу бурчнинг шахслар томонидан ихтиёрий тарзда бажарилиши давлатнинг ижтимоий ролининг ошишига, давлат фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишга, давлат суверенитети, муҳофаа, аҳолини тиббий муҳофаза қилиш имкониятининг кенгайишига таъсир ўтказди.

Қонунчиликда шахснинг даромадларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар учун солиқларни табақалаш тизими белгиланган. Жамиятнинг турмуш тарзини яхшилаш фан-техника тараққиёти асрида табиатни муҳофаза қилишнинг алоҳида чораларини амалга оширишни талаб қилади. Бу каби фаолият жамият ва давлат ҳаётининг барча босқичларида амалга оши-рилади. Унда ҳар бир шахс табиатнинг асосий "ис-теъмомчиси" сифатида қатнашиши шарт.

Кейинги йилларда табиат, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қонунлар қабул қилинган. Уларда-ги меъёрлар фуқароларнинг табиат бойликларидан фойдаланишдаги асосий қоида ва тартибларни бел-гилайди.

Белгиланган қонун-қоидаларга амал қилиш, улар-ни бошқалар томонидан бузилишига йўл қўймаслик фуқаролар бурчи ҳисобланади. Табиат, атроф-му-ҳитни муҳофаза қилиш масаласи собиқ шўролар даврида табиатдан бешавқат фойдаланиш натижа-сида бузилди, бунинг оқибатида бир қатор йирик

муаммолар туғилди. Бундай муаммоларни бартараф эттиш, жуда катта моддий харажатларни, янги технологиялар қўллашни, эскирган жиҳозларни алмаштиришни ва ҳоказоларни талаб қиладиган даражадаги меҳнатдир.

Шунинг учун Ўзбекистоннинг келажак авлодларига қолдиришимиз керак бўлган табиий бойликларни асраб-авайлашимиз, табиатни муҳофаза қилишга имкон даражада ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида Ватан ҳимояси Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчи деб белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 июндаги "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасини, унинг ҳудудий мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахс қонунга мувофиқ ҳарбий хизматни ўтайди, Ўзбекистонда муқим ёки вақтинча яшовчи бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматга чақирилмайди ва ҳарбий тайёргарликдан ўтмайди.

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари қаторида хизмат қилиш шарт-шароитлари, чақириқ тартиби, чақириқ бўйича имтиёзлар, хизмат муддати, хизматни ўташ шартлари ва бошқа омилар қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳарбий хизматни муқобил фуқаролик хизмати билан алмаштириш имконини қонун билан кафолатлайди. Муқобил хизмат ўташ ҳуқуқига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг "Муқобил хизмат тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида кўрсатиб ўтилган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ

### 1. ОЛИЙ МАЖЛИС — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ОЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолияти ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг уч асосий таянчидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ана шу учта ҳокимият идорасининг уйғун фаолиятини таъминлаш воситалари, уларни давлат сиёсатининг умумий йўналишлари бўйича ўзаро муросага келтириш ва бу идораларнинг ўзаро бир-бирларини тийиб туриш механизмини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлимиш Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик судининг ваколатлари мукаммал белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси туғрисида"ги 1994 йил 22 сентябрдаги конституциявий Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи ҳисобланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1994, 10-сон, 250-модда.

1992 йилги Конституция қабул қилингунга қадар, Республика Олий Кенгаши олий ҳокимият органи бўлиб ҳисобланар эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аввалги Олий Кенгашдан кўпгина жиҳатлари билан фарқ қилади. Республика Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг I-сессиясида сўзлаган нутқида бу фарқларни кўрсатиб ўтиб, шундай деган эди: "Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан бутун мазмун моҳияти билан фарқ қилади. Унинг шаклланишидан тортиб ўз фаолиятини ташкил этиш тартиблари ва иш усулларигача буни яққол исботлайди"<sup>1</sup>.

Республика Олий Мажлисининг аввалги Республика Олий Кенгашидан **биринчи фарқи** шундаки, Олий Мажлис биринчи мартаба кўппартиявийлик асосида шаклланди. Ҳар бир партиянинг депутатлари Олий Мажлисида партия фракцияларини ташкил қилди. Шу партия фракциялари орқали сиёсий партиялар Олий Мажлиснинг қонун чиқариш фаолиятида фаол қатнашиб, шу тариқа давлат бошқарувида муносиб ҳисса қўшадиган бўлдилар. **Иккинчи фарқи** шундаки, Олий Мажлис депутатларининг шаклланиши аввалги Олий Кенгаш депутатларининг шаклланишидан бутунлай фарқ қилади, депутатлар ҳозирда тўрт партия вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланади. **Учинчи фарқи** шундаки, Олий Мажлис таркибидаги депутатларнинг маълум бир қисми Олий Мажлис тузилмалари ва унинг қўмиталарида доимий ишлаш учун қолдирилади.

Булардан ташқари, Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари билан кундалик муносабатда, яқин мулоқотдадирлар. Аввалги Олий Кенгашда депутат би-

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 25-бет.

лан сайловчиларнинг алоқалари масалаларига унчалик эътибор берилмас эди. Эндиликда Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари олдида ҳисоб бериб турадилар, уларга Олий Мажлисда қандай қонун муҳокама қилинаётгани ва қабул қилинаётгани ҳақида ўз вақтида хабар бериб турадилар. Хатто, маълум бир лойиҳа, конкрет қонун лойиҳаси муҳокама этилаётган пайтда сайловчилар билан учрашувлар ташкил этадилар.

Республика Олий Мажлисининг аввалги парламентида яна бир фарқи, Олий Мажлис Ўзбекистонни мустақил ташқи сиёсат олиб бориши туфайли бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Парламентлараро Иттифоқ (1992 й.), Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотларининг Парламент Ассамблеяси кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси жаҳон халқаро сиёсатини шакллантиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилиш ва жаҳондаги барча Парламентлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ўз қошида махсус парламентлараро алоқалар қўмитасини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Олий вакиллик органи деганда нима тушунилади, вакиллик органи ўзи нима?, деган савол туғилади Олий давлат вакиллик органи халқнинг сайлаб қўйилган вакиллари бўлиб, улар асосан қонун чиқариш билан шуғулланадилар. Халқ иродаси, бу Олий вакиллик органи томонидан чиқарадиган ҳужжатларда: Конституция, конституциявий ва бошқа қонунларда, қарорлар каби ҳужжатларида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳужжатлар республикадаги ҳамма давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Олий Мажлис қабул қилган Конституция ва қонунлар давлат органларининг бошқа барча ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариши учун юридик манбаа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 250 нафар депутат беш йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир палатали органдир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун асосида Олий Мажлисга депутатлар сайлаш тизимига ўзгартиришлар киритди.

1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича Республика Олий Кенгашига 21 ёшга етган фуқаролар сайланган бўлса, янги сайлов тўғрисидаги қонунга асосан, ирқи, миллати, жинси, диний эътиқоди, маълумотидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Ушбу сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати тутагач, у янги чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган сайлов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги 1993 йилги Қонунига (1997, 1999 йилги) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш асосида бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунга киритилган қўшимчалар асосан сайловни демократлаштиришга, Олий Мажлис депутатлигига халққа хизмат қиладиган, Ватанни севадиган, парламент фаолиятида чин дилдан хизмат қиладиган инсонларни сайлашга, фуқароларни сайлов ҳуқуқини кенгайтиришга қаратилган.

1999 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатликка Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 1010 та номзод рўйхатга олинган эди. 1999 йил 5 декабрдаги сайловда 250 та Олий Мажлис депутати ўрнига фақат 184 округдан депутатлар кўпчилик овоз олдилар. 1999 йил 19 декабрда Олий Мажлис депутатлигига қайта овоз бериш натижасида 65 та округдан Олий Мажлис депутати сайланди. Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 179-Чорсу сайлов округида номзодлардан бирортаси ҳам сайловчиларнинг етарли миқдордаги овозини олмаганлиги учун бу округда такрорий сайлов ўтказилди.

Демак, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайланган 250 депутатидан 110 тасини вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кўрсатган номзодлар, 104 тасини Республика сиёсий партиялари кўрсатган номзодлар ва 10 тасини сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлар ташкил қилади.

### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида" ги конституциявий Қонуннинг 4-моддаси Ўзбекистон Олий Мажлиси ваколатларини белгилайди. Республика Олий Мажлисининг мутлақ ва-

колатлари Республика Конституциясининг 78-моддасида тўлиқ кўрсатиб берилган. 1978 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, республикада Олий ҳокимият органи бутун давлат ҳокимиятини амалга оширар эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик Республикаси шаклига ўтилганлиги муносабати билан янги Республика Конституцияси, Олий Мажлис тўғрисидаги Қонун Олий Мажлис ваколатларини тўлиқ аниқлаб бериб, уни асосан қонун чиқарувчи орган сифатида белгилади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва фақат давлат идоралари томонидангина амалга оширилади. Шунинг учун Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзгартириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 7-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан, Ўзбекистон Олий Мажлисининг қонун чиқариш соҳасидаги мутлақ ваколатларини<sup>1</sup> шаклан беш гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими қонунчилиги соҳаси, 2. Давлат қурилиши соҳаси. 3. Хўжалик соҳаси. 4. Бошқарув ва суд органларини тузиш соҳаси. 5. Халқаро алоқалар соҳаси.

---

<sup>1</sup>«Мутлақ ваколатлар» иборасининг маъноси шундан иборатки, ушбу ваколатларни фақат Олий Мажлис амалга оширади. Бу ваколатларни Олий Мажлис Раиси ҳам, Олий Мажлис Кенгаши, унинг қўмита ва комиссиялари ҳам ҳал қилиши мумкин эмас. Бу ваколатларни Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Республика Суд органлари ҳам ҳал қила олмайди.

**Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими соҳалари бўйича ваколатига** республика ҳуқуқ тизимининг барча соҳасидаги қонунларни қабул қилиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш киради.

**Олий Мажлиснинг давлат қурилиши соҳасидаги ваколатига** қуйидаги масалалар киради: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ва ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ белгилаш; Ўзбекистон Республикаси таркибидаги янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқариш ҳақидаги қарорларини тасдиқлаш; маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш; туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий органларига сайлов тайинлаш, Марказий сайлов комиссиясини тузиш; ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш.

**Олий Мажлиснинг хўжалик соҳасидаги қонунчилик ваколатлари** қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш

ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш.

**Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикасининг бошқарув ва суд органларини тузиш соҳасидаги ваколатларига** қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимида кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиғий муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш. Башарти, лавозимга кўрсатилган номзод Олий Мажлис томонидан қўллаб-қувватланмаса, мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа таклифи муҳокама қилинади.

**Халқаро масалалар соҳасидаги Олий Мажлиснинг ваколатларига:** халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўз фаолиятини унинг таркибига сайланган депутатлар орқали амалга оширади.

Олий Мажлис депутати ўз сайловчиларининг, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган тегишли сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва номзод қилиб кўтарган ташаббускор гуруҳларнинг вакили ҳисобланади.

Республика Олий Мажлиси депутатлари ўз ҳуқуқлари ва бурчларини ижро этишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда 1995 йил 6 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида"ги<sup>1</sup> Қонунга амал қилган ҳолда ишлайдилар. Бу қонунда Олий Мажлис депутатининг ҳуқуқлари, бурчлари ва фаолиятининг шакллари ва кафолатлари тўла кўрсатилган.

Олий Мажлиснинг депутатлари депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, қўмиталарнинг раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари Олий Мажлисда қоида тариқасида, доимий асосда ишлайдилар.

Бошқа депутатларнинг Олий Мажлисда доимий асосда ишлашга ўтказиш тегишли қўмита раисининг тақдимига биноан Олий Мажлиснинг Раиси томонидан ҳал этилади.

Олий Мажлисда доимий асосда ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир лавозимни эгаллашлари, тадбиркорлик билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Олий Мажлис депутатларига депутатлик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар учун ой сайин энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида даромад солиғи солинмайдиган маблағ тўланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995, 6-сон, 115-модда.

Олий Мажлисида доимий асосда ишлайдиган депутатларга Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда белгиланган иш ҳақи тўланади. Депутатнинг Олий Мажлисида ишлаган вақти умумий ва узлуксиз иш стажига қўшиб ҳисобланади. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисида" ги Низом, Олий Мажлиснинг 1995 йил 24 февраль 23-1 сонли Қарори билан тасдиқланган<sup>1</sup> .

### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолият шакллари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг идораларининг фаолият тартиби Олий Мажлис томонидан 1995 йил 5 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти"<sup>2</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида чиқарилган бошқа қонунлар асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг масалалари жамоа бўлиб, эркин муҳокама қилиб ҳал этилишига, ошкораликка, Олий Мажлис тузадиган органлар ҳамда у сайлайдиган ва тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олишига асосланади.

Олий Мажлис фаолиятининг доимий ва самарали бўлиши унинг сессиялари, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳамда депутатларнинг иши билан боғлиқ.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995, 4-сон, 30-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995, 6-сон, 97-модда.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиявий фаолияти.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишининг ташкилий шакли — сессия ҳисобланади. Олий Мажлис сессияси, унинг мажлисларида очилади ёки ёпилади.

Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларидан, шунингдек, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлислардан иборат бўлади.

Олий Мажлис сессиялари Олий Мажлис Раиси томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади. Олий Мажлис Раиси сессияни чақириш тўғрисидаги масалани Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига киритишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда сессия Олий Мажлис Кенгаши томонидан чақирилиб, бу хусусда қарор қабул қилинади. Сессияни чақириш тўғрисидаги қарор ҳамда унинг муҳокамасига киритиладиган масалалар ҳақидаги ахборот Олий Мажлис депутатларига ва аҳолига олдиндан маълум қилинади.

Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари депутатларга олдиндан, қоида тариқасида, сессия очилишидан камида ун кун олдин тақдим этилади.

Олий Мажлис сессиясига тайёргарлик кўриш учун ишчи гуруҳи тузилиши мумкин. Депутатлар ишчи гуруҳига Олий Мажлис Раисининг муовинларидан бири бошчилик қилади ва сессияга қўйилган масалалар юзасидан депутатлар билан тайёргарлик ишлари олиб боради.

Олий Мажлиснинг сессияси қаерда ва қачон ўтказилиши тўғрисидаги, шунингдек, сессияга келаётган депутатлар қаерда ва қачон рўйхатга олинishi ҳақидаги хабар сессия очилишидан камида уч кун

олдин республика ва вилоят газеталарида эълон қилинади, телевидение ва радио орқали ўқиб эшиттирилади.

Олий Мажлиснинг иши унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай чиқарилади.

Олий Мажлиснинг янги чақириқ биринчи сессиясининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси томонидан очилади ва у мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси сайлангунга қадар бошқаради.

Умумий тартибда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида раислик қилувчи унинг мажлисларини очади ва ёпади, маърузалар қилиш ва нутқлар учун сўз беради, қонунлар, қарорлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини, депутатларнинг кўрилаётган масалаларга доир таклифларини овозга қўяди ҳамда овоз бериш натижаларини маълум қилади. Олий Мажлис сессиясида раислик қилувчи котибиятга депутатлардан тушган сўровлар, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар ва таклифларни ўқиб эшиттиради, мажлислар залида тартибни таъминлайди.

Зарур ҳолларда раислик қилувчи келишмовчиликларни бартараф этиш ҳамда Олий Мажлиснинг иши давомида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун депутатлар гуруҳларини, фракциялар, блокларнинг раҳбарлари билан маслаҳатлашиб олишини ташкил этади.

Олий Мажлис ҳар бир сессиясининг мажлислари даврида сессия котибияти тузилади. Котибиятнинг вазифаси Олий Мажлис мажлисларининг стенограм-



маси юритилишини ташкил этиш, сўзга чиқиш истагини билдирганларни ёзиб бериш, депутатлар сўровлари, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар, таклифларни ҳамда депутатларнинг бошқа материалларини рўйхатга олиш, фуқаролардан Олий Мажлис номига келаётган мурожаатлар ва бошқа хужжатлар билан ишлашни ташкил этишдир.

Олий Мажлис депутатлари, одатда, энг аввало сессиянинг кун тартибини муҳокама этадилар ва қабул қиладилар. Кун тартибига доир таклифлар Олий Мажлис Кенгаши томонидан дастлабки тарзда қараб чиқилади.

Олий Мажлис ўзининг биринчи мажлисида, ўзи сайлайдиган Мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш тўғрисида, сайлов тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган ҳолларда эса, айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарор қабул қилади.

Олий Мажлиснинг мажлислари очиқ ўтказилади. Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ, баъзи ҳолларда ёпиқ мажлис ўтказилиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг исталган очиқ ва ёпиқ мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи шахслар, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик судларининг раислари, Бош прокурор, Марказий банк бошқарувининг раиси қатнашишлари мумкин. Бу ерда гап кўрсатилган мансабдор шахсларнинг Олий Мажлиснинг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқи ҳақида боради. Олий Мажлисида бундай кишиларнинг иштирок этиши ҳокимият барча шохобчаларининг самарали ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган мансабдор шахслар фақат Олий Мажлис ишида эмас, бал-

ки Олий Мажлис органлари, жумладан, унинг Кенгаши, қўмита ва комиссияларининг мажлисларида ҳам қатнашишлари мумкин.

Олий Мажлис Регламентида кўрсатилишича (17-модда), Олий Мажлис йиғилишларида Олий Мажлиснинг Кенгаши томонидан таклиф этилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, илмий муассасалар, матбуот, телевидение, радио вакиллари ва бошқа шахслар ҳозир бўлишлари мумкин. Таклиф этилган шахслар Олий Мажлиснинг ишига аралашиб хуқуқига эга эмаслар, улар ўзларини тараф ва бетараф эканликларини билдиришдан тийиб туришлари, тартибга риоя қилишлари ҳамда раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунушлари шарт.

Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ мажлислар, аҳоли учун қулай вақтда телевидение орқали кўрсатилиши ва радио орқали эшиттирилиши мумкин. Мажлислар тўғрисидаги ахборот республика ва вилоят газеталарида босиб чиқарилади, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Олий Мажлиснинг регламентида кўрсатилишича, Олий Мажлис иши давлат тилида олиб борилади ва рус тилида ҳамоҳанг таржимаси таъминланади. Депутат ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилда сўзга чиқиш ниятини олдиндан сессия котибиятига маълум қилиб қўяди. Барча нутқларни ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш таъминланади.

Олий Мажлис ишига раислик қилувчи аризаларнинг тушиш навбати билан музокараларда қатнашиб учун сўз беради. Олий Мажлис депутати сессияда айнан бир масала бўйича икки мартадан ортиқ сўзга чиқиши мумкин эмас. Маърузачиларга саволлар ёзма равишда юборилади ёки ўтирган жойдан микрофон орқали берилади.

Олий Мажлисда кўрилаётган масалалар бўйича музокараларни тўхтатиш сессияда ҳозир бўлган жами депутатларнинг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли орқали амалга оширилади. Маърузалар тўхтатилгандан кейин маърузачи ва қўшимча маъруза қилган шахс яқунловчи нутқ билан сўзга чиқишга ҳақлидир.

Олий Мажлиснинг мажлисларида кўрилаётган масалаларга доир қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ёки Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ яширин овоз бериш ўтказилади. Бир масала юзасидан овоз бериш ўтказилаётганида ҳар қайси депутат битта овозга эга бўлади ҳамда таклифни ёқлаб ёки унга қарши овоз беради ёхуд овоз беришда бетараф қолади. Овозларни санаб чиқиш тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи овоз бериш натижаларини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси Олий Мажлиснинг Раиси томонидан унинг ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёхуд Олий Мажлис депутатлари камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун чиқарувчилик фаолияти тўрт босқичда бўлади, бу босқичлар конституциявий ҳуқуқ назариясида **қонун чиқариш жараёни** деб аталади. Улар: қонун лойиҳасини таклиф қилиш, уни муҳокама қилиш, қонун лойиҳасини қабул қилиш, қонунга имзо чекиш ва эълон қилишдан иборат бўлади.

## **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги конституциявий Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис томонидан, ҳудудий депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан, депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис жами депутатлари ярмидан кўпининг овози билан Олий Мажлис ваколати муддатига тенг бўлган муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлисга ҳар йили ҳисобот бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Олий Мажлиснинг депутати бўлади.

Олий Мажлиснинг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, муддатидан олдин депутатларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи яширин овоз бериши орқали қабул қилинган Олий Мажлис қарорига биноан чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 85-моддасига мувофиқ, Олий Мажлиснинг Раиси:

— Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис сессияларини чақиради, сессиянинг кун тартибига доир таклифларни қўмиталар ва комиссияларнинг раислари билан биргаликда тайёрлайди.

— Олий Мажлис ва унинг Кенгаши мажлисларида раислик қилади;

— Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

— қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

— парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

— Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

— қўмиталар ва комиссиялар раисларининг тақлифига биноан, бу қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, Олий Мажлисга киритади;

— Олий Мажлис матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, уларнинг ни зомларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамд уларнинг ишлаши учун зарур ҳужжатлар сметасини тасдиқлайди;

— Олий Мажлисга қарашли матбуот органлар муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озо қилади;

— Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди

— Олий Мажлис ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди.

Олий Мажлиснинг Раиси ўз ваколатларини ба жариш юзасидан фармойишлар чиқаради. У ўз ва колатидаги масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақлидир.

Олий Мажлис Раисига берилган бундай ваколатлар Олий Мажлис ишини ташкил этишда, қонунчилик фаолиятини амалга оширишда муҳим аҳамия касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари раиснинг топшириғига биноан, унинг айрим вазифаларини бажарадилар ва у йўқлигида ёки унинг ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда раиснинг вазифасини бажариб турадилар.

### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ва унинг ваколатлари**

Олий Мажлис ишини ташкил этиш ҳамда Олий Мажлис тўғрисидаги қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга ошириш учун Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг таркибига Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, қўмиталарнинг, маънат комиссиясининг раислари, Олий Мажлис расмий блок ва фракцияларининг вакиллари кирадилар. Олий Мажлис Кенгашига Олий Мажлисининг Раиси бошчилик қилади. Олий Мажлис Кенгашининг мажлислари заруратга қараб чақирилади ва Кенгаш умумий таркибининг ярмидан ортиғи ҳозир бўлган тақдирдагина ваколатли бўлади. Олий Мажлис Кенгашининг қарорлари, унинг мажлисларида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Олий Мажлис Кенгашининг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ундан ташқари Олий Мажлис Раисининг таклифига мувофиқ, Кенгаш мажлисларида Олий Мажлис депутатлари, шунингдек, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари, олимлар ва мутахассислар ҳам қатнашиши мумкин.

Олий Мажлис Кенгашининг ваколатлари "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғриси-

да"ги конституциявий Қонун билан белгиланади. Бу қонуннинг 17-моддасига биноан, Олий Мажлис Кенгаши Олий Мажлис сессияси кун тартибига ва иш тартибига доир таклифларни тайёрлайди; Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахборотларни эшитади; қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштиришни уюштиради; Олий Мажлис Раисининг таклифига биноан, қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқади; Олий Мажлис сессиясида депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни таклиф этади ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади; сессиялар оралигидаги даврда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибларда Олий Мажлис депутатларини жавобгарликка тортишга, шунингдек, иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади; Олий Мажлис иши ва депутатлар ўз ваколатларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Бу қарорлар белгиланган тартибда эълон қилинади.

### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг самарали фаолият кўрсатишида, унинг ваколатларини амалга оширишда Олий Мажлиснинг муҳим органлари ҳисобланган қўмита ва комиссиялари алоҳида ўрин тутаяди.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг ваколатлари, уларни тузиш ва фаолият кўрсатиш тартиби "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги конституциявий Қонун, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисида"ги Низом<sup>1</sup> билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш мақсадида депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссияларни сайлайди ҳамда уларнинг раисларини тасдиқлайди.

Қўмита ва комиссияларни тузиш чоғида депутатларнинг касбий ва бошқа хил қизиқишлари, уларнинг ишлаб чиқаришга оид ҳаётий тажрибалари, эркин билдирилган хоҳиш-истаклари инобатга олинади. Қўмита ва комиссиялар таркибида фракциялар ва блоклардан вакил депутатлар бўлиши таъминланади. Қўмита ва комиссиялар Олий Мажлиснинг ваколат муддатига тенг муддатга тузилади.

Қўмита ва комиссиялар рўйхати ва аъзоларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади. Қўмита ёки комиссия таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланишлари мумкин эмас.

Олий Мажлис депутати Олий Мажлиснинг фақат битта қўмитаси ёки комиссиясига сайланиши мумкин. Қўмита ёки комиссия таркибига сайланмаган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995, 6-сон, 98-модда.



депутат уларнинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

Қўмиталар ва комиссияларнинг барча аъзолари ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари Олий Мажлис олдида масъул бўлиб, унга ҳисоб берадилар.

Қўмита ва комиссияларнинг (муваққатларидан ташқари) раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари ўз фаолиятларини доимий асосда амалга оширадилар.

Зарур ҳолларда Олий Мажлис исталган вақтда янги қўмиталар ва комиссиялар тузиши, илгари тузилганларини тугатиши ёки қайтадан ташкил этиши мумкин.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида ушбу қўмита ва комиссияларнинг ваколатлари кўрсатилган. Бу қўмита ва комиссиялар:

1. Олий Мажлис, унинг Раиси, Олий Мажлис Кенгаши топшириғига биноан ёки ўз ташаббуслари билан тасарруфларидаги масалалар бўйича қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқарадилар;

2. қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тайёрлайдилар, Олий Мажлис сессияси кун тартибига доир таклифларни киритадилар;

3. қўмита ёки комиссия ишида иштирок этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари, мутахассислар ва олимларни таклиф этадилар;

4. ўзлари ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини ҳам, қонун чиқариш ташаббуси тариқасида тушган қонун лойиҳаларини ҳам илмий экспертизага юборадилар ва уларнинг фикрларини сўрайдилар;

5. урганиб чиқиш учун ўзларига берилган қонун лойиҳалари юзасидан ўз хулосалари, таклифлари ва мулоҳазаларини юборадилар;

6. Олий Мажлис сессияларида ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича маърузалар ва қўшимча маърузалар билан сўзга чиқадилар;

7. республика бюджети лойиҳаларини, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, давлат стратегик дастурлари лойиҳаларини қараб чиқадилар;

8. ўз тасарруфларидаги масалалар юзасидан республика ҳукуматига таклифлар киритадилар;

9. ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича давлат органлари ва жамоат бирлашмаларидан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, ёзма хулосаларни, ҳисобот маълумотларни ва бошқа маълумотларни талаб қиладилар;

10. қонунларнинг ва Республика Олий Мажлиси бошқа қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

11. вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг қонунлари, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатлари, қўмиталар, комиссиялар тавсиялари бажарилиши юзасидан ахборотларни эшитадилар.

Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари зиммасига бир қатор ваколатлар мажмуини юкласада, аммо қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширувчи Олий Мажлис сингари мустақил давлат органи ҳисобланмайди ва улар норматив ҳужжатлар қабул қилмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг Кенгаши аниқ топшириқларни бажариши учун депутатлар орасидан муваққат комиссиялар тузиши мумкин.

Муваққат комиссияларнинг вазифаси ва уларнинг фаолият таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан уларни тузиш чоғида белгилаб

қўйилади. Муваққат комиссиялар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариб бўлгандан кейин ёхуд Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши қарорига биноан фаолиятларини муддатдан илгари тўхтадилар. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ишни ўз режаларига, Олий Мажлис, унинг Раиси ва Олий Мажлис Кенгаши топшириқларига ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этадилар.

Қўмита ва комиссиялар масалаларни жамоа бўлиб эркин муҳокама қилиш, ошкоралик ҳамда кенг ташаббускорлик асосида ташкил этадилар.

Олий Мажлиснинг Раиси қўмита ва комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг мажлислари очик ўтказилади. Мажлисларга давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислари ва олимлар таклиф этилиши мумкин, улар мажлисларда маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашадилар.

Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан комиссия ва қўмиталар тавсия тарзида қарорлар қабул қиладилар ва хулосалар чиқарадилар.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларида барча масалалар улар аъзоларининг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Комиссия ёки қўмитанин қарорлари, хулосалар ва мажлис баёнларини комиссия ёки қўмита раиси имзолайди. Ишлаб чиқарилган тавсиялар тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилади ва зарур ҳолларда Олий Мажлис Раиси ва Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазирига маълум қилинади. -

Давлат органларига жамоат бирлашмалари қўмиталар ва комиссияларнинг қарорларини олгач, кўриб чиқишлар, натижалар ва кўрилган чоралар ҳақида башарти қарорда ўзгача қоида белгиланмаган бўлса узоғи билан бир ой муддат ичида хабар бериши шарт

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ўз фаолиятларини ошкоралик асосида амалга оширадилар, фаолиятлари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида 16 та қўмита ва комиссиялар тузилди<sup>1</sup>. Улар қуйидагилардан иборат: Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси; Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси; Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси; Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси; Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси; Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси; Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси; Ёшлар ишлари қўмитаси; Матбуот ва ахборот қўмитаси; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси; Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва 3 та комиссия: Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти; Оила ва аёллар муаммолари; Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиялари. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозими таъсис этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича бу вакилик лавозимининг Олий Мажлисида ташкил этилишидан мақсад мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш усти-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000, 1-сон, 7-модда.

дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг назоратини амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда "Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди<sup>1</sup>. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ушбу қонун доирасида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради ҳамда бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳимоя қилиниши ва тикланишига қаратилган тавсиялар беради. Қонуннинг устуворлиги, ошкоралик, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олиш вакил фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади.

Вакил Олий Мажлис томонидан Олий Мажлиснинг депутатлари орасидан ўз ваколати муддатига сайланади.

Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистонда турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқади.

Вакил фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузаётган мансабдор шахслар ёки ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади. Шунини таъкидлаш керакки, вакил суд ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Юқорида кўрсатилган қонунда вакилнинг ўз фаолияти юзасидан ҳуқуқлари, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш воситалари, вакилнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997, 4-5-сонлар, 102-модда.

вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик, вакилнинг ариза ва шикоятлар юзасидан чиқарилган хулосалари турлари кўрсатилган. Қонунда кўрсатилишича, вакилнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига доир фаолиятига кўмаклашиш учун Олий Мажлис томонидан вакил ҳузурида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг регламентига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, унинг Раисининг, кўмиталар ва комиссияларининг фаолиятига хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг котибияти томонидан таъминланади.

Олий Мажлиснинг котибияти тўғрисидаги Низом, котибиятнинг тузилиши ва штатлари Олий Мажлиснинг Раиси томонидан тасдиқланади. Олий Мажлиснинг котибияти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатларига, Олий Мажлис Кенгаши ва унинг Раиси кўрсатмаларига амал қилади.

Ушбу органнинг асосий вазифалари Олий Мажлис йиғилишларига, Олий Мажлис Кенгаши, кўмиталари ва комиссиялари мажлисларига, Олий Мажлиснинг бошқа ўтказиладиган тадбирларига, ташкилий, ҳуқуқий, ахборот ва моддий-техникавий хизмат кўрсатиш; Олий Мажлис, Олий Мажлис Кенгаши, кўмиталар ва комиссияларининг ҳужжат лойиҳаларини тайёрланишида иштирок этиш; қонунларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушган таклиф ҳамда мулоҳазаларни ҳисобга олиш ва умумлаштириш; қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, кўмита ва комиссияларининг тавсифномалари бажарилишини уюштириш ва уларни ҳаётга татбиқ

қилинишини назорат этиб бориш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотлар тўплаш, материаллар ва таклифлар тайёрлаш, уларнинг бажарилишига оид тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш; ўз ваколатларини амалга оширишда сайловчиларнинг аризаларини бажаришда уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш устидан назоратни йўлга қўйишда, Олий Мажлис депутатлари сайловини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ материалларни тайёрлаш ва бу тадбирларни ўтказишда иштирок этиш; фуқаролардан Олий Мажлисга, Олий Мажлис Кенгашига, унинг Раисига, қўмиталар ва комиссияларга тушган таклиф, ариза ва шикоятларни ўрганиш, ҳисобга олиш, умумлаштириш ва қараб чиқиш вазифалари юклатилади. Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш учун Олий Мажлис котибияти махсус бўлимлар тузади.

### **Олий Мажлис депутатлари блоклари ва партия фракцияларининг фаолияти**

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти"да ва 1996 йил 26 декабрдаги "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун<sup>1</sup>да Олий Мажлис депутатларининг фракциялари, блоклари тўғрисида маълумотлар берилган. Чунончи, регламентнинг 36-моддасида кўрсатилишича, сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган депутатлар фракциялар ва блокларга бирлашишлари мумкин.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1997, 2-сон, 36-модда.

Олий Мажлис депутати фақат битта депутатлар бирлашмаси (фракция, блок)да бўлишга ҳақли.

Фракциялар, блоклар ўз фаолиятини Олий Мажлис томонидан рўйхатга олинганидан кейин амалга оширади ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари доирасида иш олиб боради.

Фракция, блок раҳбари фракцияни, блокни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимос баён этилган ариза билан Олий Мажлисга мурожаат этади. Аризаларни Олий Мажлис сессиясида қараб чиқиш вақтида фракцияларнинг, блокларнинг раҳбарлари тузилган фракциянинг, блокнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида ахборот бериши ва бошқа маълумотларни айтиши мумкин. Олий Мажлис расмий фракцияларни, блокларни рўйхатга олиш масаласи юзасидан қарор қабул қилади.

Олий Мажлис таркибидаги блок ва фракциялар фаолияти тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис ва унга сайлов тўғрисидаги қонунлардан келиб чиқади. Бу ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади; сиёсий партиялар халқимиз турли табақа ва гуруҳларининг иродасини ифодалаб, депутатликка сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда ва унинг фаолиятини амалга оширишда иштирок этади. Чунки партия халқнинг, ижтимоий қатламнинг бир қисми бўлса, блок ва фракциялар Олий Мажлис ҳамда сиёсий партиянинг муайян бўлагидир.

"Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан утказиш учун тузилади.



Сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга: сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш; сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши; тегишли равишда республика ҳукумати-га, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш; Олий Мажлис раҳбарлигига, қўмита ва комиссиялар раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш; сессияда муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орқали билдириш; назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг ва блокнинг раҳбарлари Олий Мажлис Кенгашининг таркибига киради.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида<sup>1</sup> 2000 йил 22 январда Олий Мажлиснинг блок ва партия фракциялари рўйхатга олинди. Ҳозирги даврда Олий Мажлиснинг 49 депутатдан иборат Халқ демократик партиясининг фракцияси, 11 депутатдан иборат "Адолат" социал демократик партиясининг фракцияси, 10 депутатдан иборат Миллий тикланиш демократик партияси фракцияси, 54 депутатдан иборат "Фидокорлар" Миллий демократик партиясининг фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу партия фракциялари бир-биридан фарқ қиладиган ўз фаолият дастурларига эга бўлиб, Олий Мажлиснинг қонун чиқариш фаолиятида сиёсий муросалар асосида фаолият кўрсатиб, энг муҳим вазифаларни бажаришга кўмаклашмоқдалар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 2000, 2-3-сонлар, 63-67-моддалар.

Иккинчи чақирिқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Олий Мажлис таркибида ҳокимият вакилият органларидан сайланган 110 та депутатлардан депутатлар Бюки, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган 10 та депутатлардан ҳам алоҳида депутатлар гуруҳи тузилди ва уларни раҳбарлари таинланди<sup>1</sup>.

## 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий тизимида президентлик бошқаруви шаклини жорий этилиши жамиятимиз ва давлатчилигимиз тарихида катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихида президентлик институти жуда қисқа тарихга эга. Ўзбекистон собиқ шўролар Иттифоқи таркибида эканлигида президентлик лавозимини жорий этиш туғрисида сўз юритиш мумкин эмас эди. Чунки республикада ҳокимият фақат расмий равишда битта орган — шўролар қўлида бўлиб, шўролар қонун чиқариш ва ижро этиш ҳокимиятини бирлаштирган, ҳокимиятнинг бўлиниши принципини амалга оширишга йўл қўйилмаган эди.

Президентлик институти эса фақат ҳокимиятнинг бўлиниши принципига асосланган мамлакатларга хос ҳолатдир. Шунинг учун ҳам собиқ Иттифоқ президентлик лавозимини таъсис этиш ғоясига совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ҳаракатининг тарафдори бўлган халқ депутатлари қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар<sup>2</sup>. Лекин демократияни, жамиятни ривожлантиришнинг тезлашуви давлатчилик тизимининг аста-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 2000, 2-3-сонлар, 68-69-моддалар.

<sup>2</sup> Қараиғ: "Совет Ўзбекистони" газетаси, 1990 йил 14 март.

секин янгиланиши, президентлик лавозимининг демократик табиатини белгиловчи кафолатларнинг собиқ СССР Конституциясида мустаҳкамланиши 1990 йилда собиқ Иттифоқда президентлик лавозимининг таъсис этилишига олиб келди. Шундан сўнг иттифоқдош республикаларда ҳам президентлик лавозимлари таъсис этилиб, аста-секин республикалар президентлик бошқарувига ўта бошладилар.

Ўзбекистон Республикаси иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб президентлик бошқаруви шаклига ўтди ва республикада Президентлик лавозими таъсис этилди.

Маълумки, президентлик республикаси шаклидаги давлатларда Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. У давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Кучли ижроия ҳокимиятнинг Президент қўлида тўпланиши мамлакатдаги барча кучларни бир мақсад йўлида бирлаштиришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, мамлакатда барқарорлик ўрнатишга асосий кафолат бўлади. Жамиятдаги барқарорлик, осойишталик эса давлат олдида турган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий вазифаларни амалга оширишга реал имконият яратди.

Шунинг учун ҳам президентлик лавозимининг таъсис этилиши Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари қўйган дастлабки қадам эди.

Қонунда таъкидланишича, мазкур конституциявий институтнинг жорий этилишидан кўзланган мақсад мамлакатимиздаги демократик жараёнларни янада ривожлантириш, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизликларини таъминлаш, Ўзбекистон ҳокимият ва

бошқарув органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштиришдан иборатдир<sup>1</sup>.

Демак, президентлик лавозими Ўзбекистонда нисбатан янги лавозимдир. У ижроия ҳокимиятини муштаҳкамлаш мақсадида вужудга келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1993 йил 12 февралда "Комсомольская правда" рўзномаси саволларига берган жавобларида бу ҳақида шундай деган эди: "Тарихнинг муайян давларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур"<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида таъсис этилди ва шу муносабат билан Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясига Республика Президенти ҳақидаги махсус янги XII боб киритилди<sup>3</sup>. Республика Конституциясига киритилган 118-мод-

---

<sup>1</sup> Қаранг: «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясига (Асосий Қонун) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун. "Совет Ўзбекистони" газетаси, 1990 йил 12 апрель.

<sup>2</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон: маънавий истиқлол, иқтисодиёт, мафкура. Т. 1., Т., "Ўзбекистон", 1996., 146-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституциясига (Асосий Қонун) ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1990, 10-11-сонлар, 197-модда.

дада Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи деб эълон қилинди. Шу бобнинг кейинги моддаларида Республика Президентига қўйиладиган талаблар, уни сайлаш тартиби кўрсатилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида халқ депутатлари томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Шундан кейин ижро этувчи ва бошқарув ҳокимиятининг тузилиши такомиллаштирилди. Республика Министрлар Совети Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди.

1990 йил 20 июнда Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида "Ўзбекистон давлат суверенитети тўғрисида"ги декларация эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда Республика мустақиллигининг асосий принциплари: республика ҳудуди ва чегараларида республика қонунларининг устунлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал этиш, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, ўз тараққиёт йўли, ўз номи, давлат рамзларини белгилаш ва бошқалар мустаҳкамланди.

Республика Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг келгуси тақдири ва халқларнинг фаровон, мустақил яшашини ўйлаб, мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни инобатга олиб, ўзининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллигини тантанали равишда эълон қилди ва "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонунини қабул қилди<sup>1</sup>.

1991 йилнинг 29 декабридаги референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатимизнинг мустақил ривож

---

<sup>1</sup> ЎзССР Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1991, 11-сон, 246-модда.

учун овоз берди ва тарихимизда илк маротаба бево-  
сита, умумий, тенг ва яширинг овоз бериш йули би-  
лан Республика Президентини сайлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Консти-  
туцияси хорижий мамлакатлар тажрибасини инобат-  
га олган ҳолда ва ўз миллий давлатчилигимизга асос-  
ланиб, президентлик бошқаруви шаклининг ўзбеко-  
на йулини танлади ва қарор топтирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Прези-  
дент ҳокимиятини анча мустақкамлади. Бу Консти-  
туциянинг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Рес-  
публикасида Президент давлат ва ижро этувчи ҳоки-  
мият бошлиғи, айна пайтда Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси ҳамдир.

Президент давлатнинг бош арбоби, миллатнинг  
рамзи, фуқаролар хавфсизлигининг кафолатидир.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови  
тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, рес-  
публика Президентлигига номзодлар қонун асосида  
рўйхатдан ўтган республика сиёсий партиялари,  
Ўзбекистон қасаба уюшмаси федерациясининг съезд-  
ларида, анжуманларида ёки уларнинг республика  
раҳбар органлари Кенгашларида кўрсатилади.

Бундан ташқари, республика Президентлигига ном-  
зодлар ташкилотлар, муассасалар, олий ва ўрта махсус  
уқув юртларининг жамоалари, фуқароларнинг турар-  
жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисм-  
ларидаги мажлисларида кўрсатилиши мумкин эди. Ле-  
кин бу ташкилотлар уларнинг таклифларини Ўзбекис-  
тоннинг 60 минг аҳолиси қўллаб-қувватлаган  
тақдирдагина Президентликка ўз номзодларини кўрса-  
тишлари мумкин деб белгиланди. Республика сиёсий  
партиялари, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федера-  
цияси томонидан Республика Президенти лавозимига  
номзод кўрсатилганда, номзодни қўллаш учун сайлов-  
чилар имзосини тўплаш шарт эмас эди.

Марказий, округ ва участка сайлов камиссияларининг ҳамма ишлари сайлов тўғрисидаги Қонунга асосан, очиқ ва ошкора равишда амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси президентлик сайловини амалдаги қонунлар асосида ўтказиш имкониятини берди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлашда 10 млн. 515 минг 66 сайловчидан 9 млн. 915 минг 181 киши ёки сайловчиларнинг 94,2 фоизи овоз бердилар. Республика Президентлигига номзод И.А.Каримов учун 8 млн. 514 минг 136 сайловчи ёки жами сайловчиларнинг 86 фоизи овоз берди<sup>1</sup>.

Бу Ўзбекистонда биринчи мартаба Республика Президенти сайлови муқобиллик асосида ўтказилганлигини, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг сайлов тизимида жиддий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатди.

Марказий сайлов комиссияси 1991 йил 30 декабрда сайлов натижаларини яқунлаб, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига асосан, И.А.Каримов 1991 йил 29 декабридаги сайловда сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлиги тўғрисида қарор чиқарди. 1991 йилнинг 29 декабридаги референдум натижаларининг аҳамияти шундаки, Ўзбекистон раҳбарияти республика халқларининг иродаси ифода этилишига эҳтиёткорлик билан муносабат билдирди. Бундай муносабат шу жиҳати билан эътиборга сазоворки, фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш сиёсатига халқ муносабатини ўрганмасдан келгуси стратегияни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Шу маънода 1995 йилнинг 26 мартида ўтказилган референдум Президент ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга бағишланган бўлиб, у

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Президенти сайлови яқуни. Ўзбекистон Республикасида мустақил давлатнинг пайдо бўлиши. Т., 1992, 50-бет.

нафақат объектив зарурат — Президент ва Олий Мажлис сайловлари муддатини яқинлаштиришнинг, балки босқичма-босқич демократик, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳам шаҳодатидир. Шу босидан Ўзбекистон халқи республикада умуммиллий ҳамжиҳатликни таъминлайдиган ҳокимиятнинг яхлит тизимини яратишга интилишни, демократик ҳуқуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти қуриш йўлини қувватлади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Президентлик ваколати муддати тугаши муносабати билан 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Президентлигига янги сайлов бўлиб ўтди. Бу сайлов "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги 1991 йил 18 ноябрдаги Қонун ва унга 1997 йил 26 декабрь ҳамда 1999 йил 19 августда киртилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан яна муқобиллик асосида бўлиб ўтди. Ўзбекистон фуқаролари Республика Президентлигига И.А.Каримовни яқдиллик билан янги муддатга қайта сайладилар. Сайлов компанияси чоғида Ўзбекистон халқи юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларга, мамлакат ривожланишининг XXI асрга мўлжалланган стратегиясига ўз ижобий муносабатларини билдирдилар, Ватанимизнинг эртанги куни қандай бўлиши масъулиятини сезган ҳолда мустақил равишда яна ўз Президенти — И.А.Каримовга ижобий овоз бердилар.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби Ўзбекистон Республикаси Президентининг

---

<sup>1</sup> Қаранг: У. Тожионов. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. Т., 1996, 50-бет.



ҳуқуқий мақомига, хусусан, 93-моддаси Республика Президентининг ваколатларига бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияда курсатилган ваколатларини мақсад ва мазмунига кўра, шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) қонунчилик ва қонунийлик соҳасидаги ваколатлар; 2) давлат органларини тузиш соҳасидаги ваколатлар; 3) фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, бурчлари ва қонуний манфаатлари соҳасидаги ваколатлар; 4) халқаро муносабатлар соҳасидаги ваколатлар.

### **Ўзбекистон Президентининг қонунчилик ва қонунийлик соҳасидаги ваколатлари**

Бу ваколатларнинг асослари Ўзбекистон Конституциясида белгиланган. Республика Президенти, биринчи навбатда, давлат бошлиғи сифатида давлат ва жамият ривожланишининг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқади ва уларни Олий Мажлис йиғилишларида эълон қилади. Президентнинг бундай дастурларида республика олдида турган вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари, қонунчилик соҳасидаги асосий йўналишлар кўрсатиб берилади.

Республика Президенти давлат раҳбари сифатида қонунчилик жараёнининг бевосита иштирокчиси. Конституциянинг 82-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. У Олий Мажлисга қонун лойиҳаларини ёки бирор масала бўйича қонун ишлаб чиқишни таклиф этиши мумкин. Бу билан Республика Президенти қонунлар яратилишининг бошланғич даврида иштирок этади. Республика Президенти Ўзбекистон Республикаси, Олий Мажлисида қонун лойиҳалари муҳокама қилинаётганда истаган вақтида сўз олиб, ўз фикрини билдириши мумкин.

Конституциянинг 93-моддасининг 14-бандига асосан, Республика Президенти Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни имзолайди. Бу ҳолат эса Олий Мажлис қабул қилган қонун фақат Республика Президенти имзосидан кейингина кучга киришини билдиради. Қонунга эътирози бўлганда, Президент ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ва тасдиқлашни кечиктиришга ҳақлидир.

Агар Олий Мажлис ўзи қабул қилган қонунни илгариги ҳолатда депутатларнинг учдан икки қисмининг овози билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди. Чунки Президент қонунийликни таъминлашнинг кафилидир. Унинг бу соҳадаги фаолияти қонунийликни таъминлашда иштирок этувчи органларни тузишда, уларнинг фаолиятини назорат қилиб туришда ўз ифодасини топади. Республика Президенти прокуратура органларининг раҳбарларини тасдиқлайди, уларнинг қонунларни бажарилишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини назорат қилади. Бундан ташқари, Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва давлат қонунларига амал қилинишига, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунчиликни амалга оширишларига керакли шароитлар яратади.

### **Президентнинг давлат органларини тузишдаги ваколатлари**

Ўзбекистон Конституциясида Республика Президентига давлат органлари тузиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш борасида катта ваколатлар берилган. Бунда уларнинг айримларини Республика Президенти бевосита ўзи тузади ёки уларни тузиш, тайинлаш, сайлаш, тасдиқлаш учун тавсия қилади.

Республика Президенти давлат раҳбари сифатида республикадаги давлат олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг ишларини йўналтириб, уларнинг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаб туради. У ҳокимият ва бошқарув органларини боғлаш вазифасини бажаради.

Ўзбекистон вазирликлари, давлат қўмиталари ва уларга тенглаштирилган идоралар ижроия ҳокимият раҳбари бўлган Республика Президентининг Фармони билан тузилади ёки тугатилади. Ушбу фармонлар тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритилади. Бош вазир, унинг биринчи ва бошқа ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг бошқа аъзолари ҳам Республика Президенти томонидан тайинланади ёки лавозимидан озод қилинади. Олий Мажлис ушбу фармонларни тасдиқлайди.

Президент Ўзбекистон Конституциявий судининг раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий ҳужалик суди раиси ва аъзолари лавозимларига номзодларни, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, Марказий банк бошқарувининг раиси лавозимиغا номзодларни Олий Мажлисга тақдим этади.

Президент Республика Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади ҳамда бу масалани тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритади. Вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди.

Вилоят, туман, шаҳар судлари ва тегишли ҳудуддаги ҳужалик судлари Республика Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Конституциянинг 93-моддаси 12-бандига асосан, Республика Президенти Конституцияни, қонунлар-

ни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ тушадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини ҳам ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақлидир. Бундан ташқари Республика Президенти миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Республика Президенти республика Қуроли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. У Қуроли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради.

Конституциянинг 95-моддасида Республика Президентига ўта муҳим ваколат юкланган бўлиб, бу Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқидир. Республика Олий Мажлиси қонунчилик фаолиятида ҳал қилиш қийин бўлган қарама-қаршиликлар, ихтилофлар бўлиши ёки Олий Мажлис бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар Олий Мажлиснинг нормал фаолияти бузулишига олиб келади.

Республика Президенти давлат бошлиғи сифатида бундай ҳолларда ўзининг конституциявий ваколатларидан фойдаланиб, ихтилофни ҳал қилиш чораларини кўради. Ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юзага келган тақдирда, Конституциянинг 95-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентига Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарор асосида Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқи берилган. Олий Мажлис фавақулотда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

## **Республика Президентининг фуқароларнинг ҳуқуқ, ва эркинликлари, бурчлари қонуний манфаатлари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Конституциясида Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир, деб белгиланган.

Республика Президенти ўз лавозимига киришиш пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида: "Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан", деб қасамёд қабул қилади.

Республика Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини республика ҳудудидагина эмас, балки унинг ташқарисида, бошқа чет давлатлар ҳудудларида ҳам таъминлашнинг асосий кафили бўлади.

Ўзбекистон Президенти республика фуқаролигига қабул қилиш, фуқароликдан чиқариш, сиёсий бошпана бериш масалаларини ҳам ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва фахрий ёрлиқлари билан фуқароларни мукофотлайди.

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам Республика Президентига катта ваколатлар берилган. Президент инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун шахсан жавобгардир. Республика Президенти фуқаролар хавфсизлигини сақлаш учун керакли чоралар кўради. Жумладан, фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда, фуқароларнинг хавфсизлигини таъ-

минлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

Шунингдек, республика миқёсидаги катта байрамлар ва тантаналарга бағишлаб, амнистия тўғрисида ҳужжатлар қабул қилади, Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этади.

### **Республика Президентининг халқаро муносабат соҳасидаги ваколатлари**

Аввал айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Президенти халқаро муносабатларда республика номидан иш кўради. Бу қоида унинг халқаро соҳадаги ваколатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Республика Президентининг халқаро соҳадаги ваколатлари яна кенгайди. Маълумки, Ўзбекистон республикаси собиқ Иттифоқ таркибида бўлган вақтда халқаро миқёсда алоқа қилишга умуман ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Мустақилликка эришгандан сўнггина, у халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок эта бошлади.

Республика Президенти биринчи навбатда, мамлакат халқаро сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, ўз давлатининг вакили сифатида халқаро муносабатларда юқори вакилликни олиб боради, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан музокаралар ўтказади, битим ва шартномалар тузади, уларни имзолайди, республиканинг тузилган ҳужжатларга риоя этишини таъминлайди.

Республика Президенти ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг

ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади; Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади.

Республика Президенти мамлакатимизга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофиа қилиш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш ҳуқуқига эга ва бу туғридаги қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

Республика Президенти Конституцияда кўрсатилган ушбу ваколатларини амалга ошириш учун ёрдамчи тариқасида Президент девонини тузади ва унинг ишига раҳбарлик қилади. Республика Президентининг девони алоҳида давлат ҳокимияти органи ҳисобланмайди. Унинг вазифасига Президентнинг ваколатларини амалга оширишда зарур ташкилий, ҳуқуқий маслаҳат, моддий техника ва бошқа ҳар томонлама шароит яратиб бериш, Президентнинг бошқа давлат тизими органлари билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам бериш киради. Республика Президенти ўз фаолиятининг асосий соҳалари бўйича давлат масалаҳатчиларини тайинлайди ва улар орқали Президент девони ишига раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикасида Президент бошқаруви тизими доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Ҳаётнинг ҳар хил соҳаларига раҳбарлик қилиш учун янги органлар ташкил этилмоқда. Масалан, Республика Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралдаги сессиясида давлатдаги олий мансабдор шахсларнинг маслаҳат органи сифатида Республика Президенти ҳузурида Хавфсизлик кеңаши тузиш таклиф қилинган эди. "Хавфсизлик кеңаши миллий хавф-

сизлик муаммолари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни чуқур ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш ва бунинг учун жавобгар бўлиши лозим. Кенгашнинг вазифалари кўп қиррали ва мураккабдир. У ушбу соҳада миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини ва давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқишга жавоб бермоғи керак. Шахнинг, жамиятнинг ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар мажмуи Хавфсизлик кенгаши раҳбарлигида режалаштирилади ва амалга оширилади", деган эди Республика Президенти И.А.Каримов.<sup>1</sup>

Бундан ташқари, ислохотлар йўлини бундан буён ҳам жадал амалга оширишда фоят муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик муаммолар юзасидан қабул қилинган қарорларни биргаликда муҳокама этиш ва қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида махсус Иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш тузилган. Кенгаш ижтимоий, иқтисодий ривожланишнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқади, иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлайди, республикада иқтисодий ўзгаришларнинг аниқ моделлари ва дастурларини ишлаб чиқади, иқтисодни ҳар томонлама ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилади ва улар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади. Бу тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига асос бўлади.

Республика Президенти, Конституциянинг 91-моддасига мувофиқ, ўз вазифасини бажариб турган даврида бошқа ҳақ туланадиган лавозимни эгалла-

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3., "Ўзбекистон", 1996, 53-бет.



ши, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳамда вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолат Президентнинг ижроия ҳокимиятини бошқаришидан ва ҳокимият бўлиниши принципига асосан қонунчилик ҳокимиятида мустақил бўлиши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Президент давлат бошлиғи сифатида бевосита сайловчилар томонидан сайланади, уз ваколатларини халқдан олади. Унинг дахлсизлиги қону билан мустаҳкамланган. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлган шахс бу лавозимни сурункасина икки муддатдан ортиқ эгаллаши мумкин эмас.

Республика Конституциясининг 97-моддаси бу масалани жуда одилона ҳал қилган. Бу моддага биноан, ваколати тугаши муносабати билан истеъфода чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди. Бу одилона конституциявий норма давлатчилик соҳасидаги катта тажрибага билимга эга бўлган, Ўзбекистон мустақиллиги, равнақи, обрўси учун катта хизмат қилган шахсдан халқ манфаати учун яна фойдаланиш имкониятини беради. Бундай тажрибалар хорижий давлатчилик тарихида учраб туради ва бу ҳолат кўплаб давлатларнинг конституцияларида ҳам мустаҳкамланган.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият раҳбари сифатида ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий нормалар яратиш фаолияти билан ҳам шуғулланади. Конституциянинг 94-моддасида кўрсатилганидек Президент Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг

бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Бу шуни англатадики, Президент Фармони, Олий Мажлис томонидан қўшимча тасдиқлашни талаб қилмайди. Ушбу фармонларда ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, мулкчиликнинг ҳар хил турлари, аҳолининг ночор табақаларини ижтимоий муҳофаза қилишга доир масалалар ўз аксини топади.

Президент фармонлари ижроия ҳокимият таркибига кирувчи давлат органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актлар ичида энг катта кучга эга бўлган қонун ҳужжатидир.

Маълумки, фармонлар Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига мувофиқ равишда, уларнинг ижросини таъминлаш, Президентнинг конституциявий ваколатларини амалга ошириш мақсадида чиқарилади. Шунинг учун Президент фармонларини Конституция даражасидаги ҳуқуқий акт деб айтиш мумкин. Ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида Президент фармонини қонун ижроси учунгина чиқариладиган воситачи акт деб тушунмаслик керак<sup>1</sup>. Чунки Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодийётини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, ғоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айни шу фармонлар ислоҳотларнинг асосий ғоясини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорларнинг қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми Президент фармонларида очиб берилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Х. Одиқориев. Президент фармонларининг ҳуқуқий табиати. Ҳаёт ва қонун. 1993 йил, 3-сон, 14-бет.

Шу боис ҳам Президент ваколатларининг ижроси юзасидан чиқарилган фармонларни қонунлар орқали ёки бошқа органларнинг актлари билан бекор қилиш ёки ўзгартириш мумкин эмас. Чунки ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципига асосан, давлатнинг бир органи иккинчисининг ишига аралашishi мумкин эмас. Бундай масалалар конституциявий механизмлар асосидагина ҳал этилади.

Республика Президентининг фармонлари жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва мафкуравий соҳалари бўйича қабул қилинади. Бу фармонлар қаратилган объектларнинг тавсифи ва келтириб чиқарадиган ҳуқуқий оқибатига қараб норматив ва норматив бўлмаган фармонларга бўлинади.

Норматив фармонлар кўп марта қўлланишга мўлжаллаб чиқарилади ва маълум норматив қоидани ўрнатади. Бундай фармонлар ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун мажбурийдир.

Норматив бўлмаган фармонлар (индивидуал фармонлар) эса айрим шахсларга қарата чиқарилган бўлиб, айнан улар учун дахлдор бўлган ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради. Жумладан, конкрет шахсга унвон бериш, тақдирлаш ёки афв этиш тўғрисидаги фармонлар бунга мисол бўла олади.

Шундай қилиб, Республика Президентининг фармонлари республиканинг стратегик характерига эга бўлган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатидир. Фармонлар билан бир қаторда Республика Президенти давлат ва ижроия органлари бошлиғи сифатида ўзининг конституциявий ваколатлари доирасига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган қарорлар ва фармойишлар ҳам чиқаради.

Президент фармонларида қабул қилинган ечимлар унинг қарорларида ҳуқуқий асосда батафсил

ёритиб берилади ва зарур чора-тадбирлар билан мустақамланади. Қарорлар асосида иқтисодий ислохотнинг жадал суратда бориши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади, иқтисодиётнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларида ўзгартишлар қилинади.

Республика Президентининг кўпгина қарорлари муаммоларнинг баён этилиши ва мазмуни жиҳатидан белгиловчи характерга эга бўлиб, иқтисодиётнинг айрим бўғинларида ислохотларни авж олдиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

### 3. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати — иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан республикада ижро этувчи ҳокимиятнинг амалга оширилиши тўғрисидаги конституциявий қоида ҳукумат мақоми, унинг алоҳида ҳуқуқларини, таркибини, қонун чиқарувчи органлари, ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари тартибини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат Президент, Олий Мажлис ва судлар билан бир қаторда ҳокимиятни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш асосида давлат ҳокимиятини амалга оширади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., 3. Т., "Ўзбекистон", 1996, 195-196-бетлар.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузилмаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди.

Ҳукумат ижро этувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг бажарилишини мунтазам назорат қилади, йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси республикада яшовчи барча миллатлар манфаатларини ҳисобга олиш учун ўз фаолиятини ошқоралик, инсонпарварлик ва қонунийлик асосида олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Президент Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга оширилиши учун чора-тадбирлар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа тузилмаларининг раҳбарлари киради.

Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар, кейинчалик бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Ўзбекистон Олий Кенгаши 1993 йил 6 майда Конституцияга асосан Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколатлари доира-

сини аниқловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида Қонун қабул қилган<sup>1</sup>.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юриштишининг янги шакллари барпо этишга ва мустақамлашга кўмаклашади, Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустақамлаш чора-тадбирларини кўради, молиявий, кредит ва пул сиёсатини ишлаб чиқади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнат ҳақи миқдори ва ижтимоий таъминот даражаси борасида белгиланган кафолатларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Ҳукумат ўзига бўйсунувчи вазирликлар ва идоралар ишини бирлаштириб ва мувофиқлаштириб, уларнинг ижтимоий сиёсатни рўёбга чиқариш борасидаги маъсулияти даражасини, бунинг учун зарур бўлган функция ва ваколатларни белгилайди, Республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболлари, энг муҳим дастурларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг ижросини ташкил этади, ҳукумат бюджетини ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, методик раҳбарликни ҳамда республика ижро этувчи ҳокимият марказий органларининг ва жойлардаги ижро этувчи органларнинг бу ишдаги иштирокини мувофиқлаштириш тартибини белгилайди, ижро этувчи ҳокимият марказий органларининг республика бюджетидан талабнома орқали ажратма бериши,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993, 5-сон, 202-модда.

жойлардаги ижро этувчи ҳукумат органларининг эса республика бюджетидан бериладиган субвенция ва дотация миқдори тўғрисидаги таклифларнинг тақдим этилиш тартиби ва муддатларини аниқлайди, тақдим этилган ҳисоб-китоблар ва талабномаларни келишиш механизмини белгилайди, шунингдек, ўзининг асосий фаолияти, қабул қилинган дастурлар ва халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда республика бюджетини тузиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилади. Давлат маблағи соҳасида ҳукумат томонидан ҳал қилинадиган энг муҳим муаммоларга бюджет камомадининг қисқариши, бюджет сарфининг назоратсиз ошиб боришини бартараф қилиш, унинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ҳамда сарф-харажатларнинг ижтимоий йўналтирилишини кучайтириш киради.

Бошқарув таркибини такомиллаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади.

Фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади.

Фуқароларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланганлигини, уларнинг судга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш чорасини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

Бу соҳада ҳукумат кенг миқёсда куч-ғайрат сарфлаши лозим, жумладан:

— соғлиқни сақлаш соҳасида ҳеч бўлмаганда, аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий ва дори-дармон ёрдами ҳажмини камайтирмаслик, маблағ билан таъминловчи турли манбаларни бирлаштириш ҳамда уларни соғлиқни сақлашнинг энг муҳим йўналишларида жамлаш, тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилиш, юқори сифатли дори-дармон ва тиббий техника тайёрлаш учун замонавий ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш чорасини кўриш;

— таълим соҳасида — “Таълим тўғрисида”ги Қонунни бажариш, таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш, олий мактабнинг таълим ва илмий салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, талабаларни ва таълим соҳаси ходимларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш;

— маданият соҳасида — Ўзбекистоннинг маданий меросини муҳофаза қилиш, миллий маданиятни сақлаш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, уни рағбатлантириш.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегараларини қуриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоялаш, жамоат тартибининг муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишида кўмаклашади.

Хукуматнинг мудофаа соҳасидаги ваколати: амалдаги Қонунга мувофиқ ҳукумат зиммасига:

мудофаани таъминлаш бўйича ўзига бўйсундирилган барча тузилмалар фаолиятига раҳбарлик қилиш, Қуроли Кучларни қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситалар билан жиҳозлаш;



ҳарбий хизматга чақириш ва ҳақиқий муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларини захирага жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар, ҳарбий хизматчиларнинг моддий, пенсия ва маиший таъминоти масалаларини ҳал этиш юклатилган.

Давлат бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза этиш тадбирларини ҳамкорликда амалга ошириш, республикага ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўёбга чиқариш ишини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва ҳалокатлар шунингдек, табиий офатлар оқибатларини тугатиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар тузади, уларни ижро этиш чораларини кўради.

Ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техника ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги раҳбарликни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа давлат бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштиради ҳамд йўналтиради. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. У вазирликлар, идоралар ва давлат бюджетида турувчи бошқа давлат бошқаруви органлари марказий апараты ходимлари сонини ҳамд таъминоти учун ажратмалар миқдорини белдилайди бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради ҳар хил вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик тузилмаларини таъқил қилиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошира

ди; фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш чораларини кўради, Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва муҳофаа қудратини ошириш, давлат chegarаларини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тadbирларини амалга оширишга кўмаклашади;

Юқоридагилардан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ваколатларга ҳам эга.

Вазирлар Маҳкамаси вазирларнинг ўринбосарларини, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарларини бош бошқармалар ҳамда давлат бошқаруви бошқа идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига тайинлайди, лавозимидан озод этади. Хўжалик бошқаруви тузилмалари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъати аъзоларини тасдиқлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа тузилмалари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа тузилмаларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади, агарда улар қабул қилган актлар амалдаги қонунларга зид бўлган ҳолларда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати давридаги фаолият дастурини кўриб чиқиш учун Олий Мажлисга тақдим этади. Бу дастурда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишлари акс эттирилади. Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий жиҳатларини ишлаб чиқadi.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Олий Мажлиси билан муносабати республикамизда ҳокимият бўлинишининг нечоғлик тўғри амалга ошири-лаётганидан далолат беради (11-модда шарҳига қаранг).

Янги тузилган Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколат-лари даврига мўлжалланган фаолият дастурини Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси-нинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асо-сий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси бюд-жетининг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқади ҳамда Олий Мажлис тасдиғига жўнатади.

Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида аъзосининг ҳисоботини эшитиши ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисидаги маса-лани Президент кўриб чиқиши учун таклиф кири-тиши мумкин. Шунини қайд қилиш керакки, Ўзбеки-стон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилидан келиб чиқиб, Конституцияда аввалги Конституцияларда мавжуд бўлган ҳукуматнинг Олий Кенгаш олдида ҳисобот бериш тартиби йўқ қилинган. Дарҳақиқат, Вазир-лар Маҳкамаси ижро ҳокимиятининг вакили сифа-тида ўз ваколатларини парламент ва суд органлари каби ҳокимият бўлиниши тамойилларига асосан мус-тақил олиб бориши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Олий Маж-лис йиғинларида, унинг қўмиталари ва комиссияла-ри йиғилишларида қатнашиш ва ахборот бериш ҳуқуқига эгадир.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталарининг ҳуку-мат фаолияти масалаларига доир тавсиялар ва так-лифларини кўриб чиқади ва улар юзасидаги чора-тадбирлар кўради, натижалар ҳақида Вазирлар Маҳ-

камаси Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари ва комиссияларига ахборот беради. Ҳукумат ёки ҳукумат аъзолари депутатлар ёки депутатлар гуруҳи сўровларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишларида уч кундан кеч бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб беришга мажбурдир.

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қилади, унинг ахборотларини эшитади. Ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таклифларини кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан боғлиқ масалалар билан ҳам шуғулланади. Шу мақсадда у маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият мажмуининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилишга ҳақлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби 1993 йил 27 ноябрда тас-

диқланган. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси иш тартиби белгиланган<sup>1</sup>.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Мажлисни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир ўтказди.

Конституцияда ҳукумат Раиси — Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда ҳамда унинг ишини ташкил қилишда ҳал қилувчи ўрни белгилаб қўйилган. Конституция ҳукумат Раисига ижро этувчи ҳокимиятнинг куч-ғайрати қаратилиши лозим бўлган асосий участкаларни танлаш ҳуқуқини беради ҳамда бундай участкаларни тўғри танлаш ва лозим даражада “ўзлаштириш” учун бутун масъулиятни юклайди.

Ҳукумат фаолияти асосий йўналишларининг хусусияти унинг ушбу дамдаги энг муҳим вазифалари мажмуи билан белгиланади. Асосий йўналишларда, энг аввало, ҳукумат ҳал этадиган стратегик масалалар аниқлаб олинади. Асосий йўналишларнинг аҳамиятини тушунтириш учун қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш зарур:

Биринчидан, ҳукумат ишининг асосий йўналишлари Конституция, қонунлар ҳамда Президент фармонлари каби ҳуқуқий асосга таянади.

Иккинчидан, ҳукумат фаолияти, Президент томонидан белгиланадиган ички ва ташқи сиёсат йўналишларидан келиб чиқади.

Учинчидан, ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари унинг дастурий ҳужжатларида ва бошқа асосий қарорларида мустаҳкамланиб, аниқлаштири-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлар тўплами. 112-сон, 40-модда.

лади ҳамда ҳукумат тузилмаларининг кундалик жорий иши жараёнида рўёбга чиқарилади.

Ҳукумат Раисининг Вазирлар Маҳкамаси ишини ташкил қилиш бўйича асосий ваколатлари жумласига: ҳукуматга ва унинг мажлисларига раҳбарлик қилиш; Бош вазир ўринбосарлари ўртасидаги вазифа тақсимотини тасдиқлаш; халқаро муносабатларда Ўзбекистон ҳукумати номидан иштирок этиш; ҳукумат номидан давлат бошқаруви бўйича қарорлар ва фармойишлар чиқариш киради.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўринбосарлари ўртасидаги вазифаларни тақсимлайди.

Бош вазир давлат ва хўжалик бошқаруви бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қурилиши талаб қилинмайдиган масалалар бўйича қарор қабул қилади.

Республика Президенти топшириғи билан Бош вазир халқаро муносабатларда Ўзбекистон ҳукумати номидан иштирок этади, ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди, бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент топшириғига биноан ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди.

Вазирлар Маҳкамаси Раисининг топшириғи бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосар бажаради.

Бош вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ туркум тармоқларга раҳбарлик қилади ва улардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият курсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан Раёсат таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузди ва уларнинг вазифалари, функциялари ҳамда фаолияти тартибини белгилайди. Давлат ва хўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамасида унинг бошқа ишчи органлари ҳам тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ҳужжатлари қарорлар, фармойишлар, баён қарорлари шаклида чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамаси алоҳида топшириқларни бажариш учун вақтинчалик комиссиялар ва бошқа ишчи тузилмаларни тузиши ҳам мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча тузилмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади.

Шошилиш ва бошқа жорий ишлар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош вазир ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирлик-

лар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳўжалик бош-қаруви тузилмалари орқали назоратни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий характерга эга қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳўкуматининг қарорлар тўпламида нашр этилади, зарур бўлган ҳолатда эса оммавий ахборот воситалари орқали оммага маълум қилинади. Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ҳамда тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг мажмуаси фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг асосий таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари Бош вазир тавсиясига кўра Вазирлар Маҳкамаси Раиси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади.

#### **4. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўзининг давлат органлари тизимини қайта шакллантиришга киришди. "Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик асослари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлиш тартиби асосида қурилиши белгиланган эди. Шу асосда мустақил Ўзбекистон давлат органларининг вазифаларини чегаралаш, уларнинг ўз вазифаларини мустақил асосда бажариши ва шу билан ўз фаолиятини такомиллаштириши, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини яхшилаш учун чоралар кўрила бошланди. Бу ишларни амалга ошириш учун ўзбек миллий давлатчилик анъаналарига мувожаат қилиниб, маҳаллий ижроия ҳокимияти-



нинг бошлиғи сифатида ҳоким лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб тошилди.

"Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги<sup>1</sup> 1992 йил 4 январь Қонуни республикада маҳаллий ҳокимият органларининг янги тизими вужудга келишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонунда кўрсатилишича, иқтисодийётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятини мустақамлаш зарурлиғи муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозимини таъсис этиш лозим деб тошилди.

Ушбу қонунга биноан, вилоятларнинг ҳокимлари Республика Президентининг жойлардаги расмий вакиллари бўлиб, тегишли вилоят Кенгашларига ҳисоб берадилар. Улар Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, шундан сўнг халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашлари томонидан тасдиқланадилар; туманлар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланадилар. Бу қонун қабул қилинган, маҳаллий ҳокимият органлари тизими ва уларнинг шаклланишига катта ўзгаришлар киритилди; жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари икки мустақил органларга (вакиллик ва ижроия ҳокимиятига) бўлинди; ижроия ҳокимияти органлари вакиллик органларига тўғридан-тўғри

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 3-сон, 146-модда.

бўйсунмайдиган орган бўлдилар; жойларда яккабошчилик асосида иш олиб борувчи, икки маҳаллий органга раҳбарлик қилувчи ҳоким лавозими таъсис этилди.

Юқорида кўрсатилган қонуннинг маҳаллий ҳокимият органларини шакллантиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январь куни унга конституциявий Қонун мақомини берди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг конституциявий асослари мустаҳкамланган. Унда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тизими; тузилиш тартиби; уларнинг ваколатлари; фаолиятининг шакллари; ўзини ўзи бошқариш органлари ва қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлари туғрисидаги конституциявий нормалар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига биноан, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлар, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Демак, Конституциянинг бу моддасига биноан, маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда ташкил этилади. Туманларга бўйсунадиган ва шаҳар таркибига кирувчи туманларда эса давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил этилмайди. Бу жойларда фақат ижроия ҳокимияти органлари — ҳокимлар бўлиши назарда тутилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, 3-сон, 146-модда.

Маҳаллий вакиллик органларига ҳам ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳоким раҳбарлик қилади, уларнинг раҳбарлиги асосан вакиллик органларининг ишини ташкил этиш ва йўналтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 2 сентябрда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"<sup>1</sup> Қонун қабул қилиб, маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги конституциявий нормаларни аниқлаштирди ва уларни ҳаётда қўллаш учун аниқ ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамлади. Мазкур қонун маҳаллий ҳокимият ва ижроия ҳокимияти органларининг тизими, уларнинг ташкил этиш тартибини, уларнинг вазифаларини, ваколатларини, ташкилий фаолиятининг шаклларини кўрсатиб беради.

Бу қонун маҳаллий вакиллик органларининг иқтисодий ва молиявий асосларини белгилаб беради. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг асосий хусусиятларидан бири шуки, у ҳамма поғонадаги маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ягона қонун асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солди (шу давргача маҳаллий ҳокимият органлари ҳар бир поғонасининг ҳуқуқий ҳолати алоҳида-алоҳида қонунларда белгиланар эди).

Бундан ташқари, ушбу қонун маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимиятлари органларининг тизимини мустаҳкамлади.

Шўролар даврида Ўзбекистонда барча маъмурий-ҳудудий бўлақларда давлат вакиллик органлари ташкил этилар эди. Қишлоқлар, овуллар ва посёлкаларда, туманга бўйсунувчи шаҳарларда вакиллик ҳокимияти органлари ташкил этилар, натижада вакиллик ҳокимияти органлари тизими кўп сонли органлардан иборат бўлар эди. Кенгашлар иш тажрибаси шуни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993, 9-сон, 320-модда.

кўрсатдики, маъмурий-ҳудудий бўлақлардаги вакиллик органлари номигагина тузилар ва юқори поғонадаги вакиллик органларининг фаолиятини такрорларди, холос. Қуйи поғонада, мустақил ҳал қилинадиган ишлар деярли йўқ эди. Уларни сайлаш эса ортиқча ташвиш ва харажатларни келтириб чиқарар, кишиларни асосий ишлардан чалғитар эди<sup>1</sup>.

Мазкур қонун шаҳар таркибига кирувчи туманларда ҳам вакиллик органлари тузишни назарда тутмайди. Бундай жойларда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлаштириш, ижроия ҳокимиятини кучайтириш мақсадида ҳокимлар тайинланади ва улар юқори турувчи ҳокимнинг шу ҳудуддаги вакиллари ҳисобланадилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши давлат ҳокимиятининг вакиллик органи ҳисобланади. У вилоят, туман ва шаҳарларда ташкил этилади. Вилоят, туман ва шаҳарларда шу ҳудудларнинг олий мансабдор шахси — ҳоким вакиллик ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ҳокимларнинг вакиллик органларига раҳбарлиги вакиллик органларининг ишини ташкил қилишга қаратилгандир.

Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳари ҳокими Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман ва шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар.

Тошкент шаҳридаги туманларда вакиллик органлари бўлмаганлиги туфайли Тошкент шаҳридаги туман ҳокимларини бевосита Тошкент шаҳар ҳокими тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, улар Тош-

---

<sup>1</sup> Қаранг. О. Хусанов. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонунига шарҳ. Т., 1995, 13—14-бетлар.

кент шаҳар халқ депутатлари Кенгашида тасдиқланади. Ўзбекистон Конституцияси 93-моддасининг 12-бандига биноан, "Конституцияни, қонунларни бузган ёки шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли". Бу тартиб ҳокимларда масъулият ҳиссини янада кучайтиради.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида кўрсатилишича, туман марказлари ҳисобланган шаҳарларда, вилоят ҳокими, шаҳар ҳокими туман ҳокимлигини бўйсундириш ва ягона бошқарув органи тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади. Қонунда бундай ҳолатни кўрсатишдан мақсад, ҳокимлик тизимини мустаҳкамлаш ва унинг ишини самарали ташкил қилиш, бошқарув аппаратини ихчамлаштириш ва арзонлаштиришдир. Халқ депутатлари барча поғанасидаги Кенгашларининг ва ҳокимнинг ваколат муддати беш йил.

Қорақалпоғистон Республикаси мустақил давлат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси таркибида бўлганлиги учун, Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли ҳудуд ҳокимларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Маҳаллий ҳокимият тўғрисида"ги Қонун билан ҳамда Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонунлари билан тартибга солинади.

### **Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига берилган вазифалар кўрсатилган бўлиб, улар маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг конституциявий асослари ҳисобланади.

Бу моддага биноан, маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига қуйидагилар киради:

— қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

— ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

— маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

— маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

— атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

— фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

— норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бу вазифалар маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг биргаликда амалга оширадиган вазифалари бўлиб, уларнинг ваколати шу вазифалардан келиб чиқади. Конституция вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг вазифаларини аниқ ажратиб кўрсатмаган бўлса-да, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари тегишли ҳудудда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда турли органларни шу мақсад сари йўналтирувчи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ролни ўйнайди. Улар мазкур ҳудудда қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни мустақамлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш чоралари-

нинг умумий йўллари, тадбирларини ишлаб чиқади ва шу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади. Маҳаллий ҳокимият органларининг бу соҳадаги ваколатлари тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга раҳбарлик қилади. Маҳаллий Кенгашлар ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлайди. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига асосан, маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси мулки бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби соҳаларда назоратни амалга оширадilar. Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши давлат мулкани чегаралаш натижасида ўзига берилган ёки қонунларга мувофиқ ўзи сотиб олган объектларга нисбатан мулкдор ваколатларини тўлиқ амалга оширади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ихтиёридаги мулкларнинг хўжалик фаолиятидан ва бошқа воситалардан вужудга келган даромадларни ва шу даромадлар ҳисобидан орттирилган мол-мулкни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вакиллик органлари, ҳокимлар ўз мулкларини қонунга зид бўлмаган тартибда вақтинча фойдаланиш ёки доимий эгаллик қилиш учун бошқа шахсларга бериш ҳуқуқига эгадирлар. Маҳаллий органлар бу ҳуқуқдан ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида фойдаланадилар.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ер муносабатлари соҳасидаги ваколатлари Қонуннинг 10-моддасида мустаҳкамланган. Чунончи, вилоят, шаҳар ҳокими корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек, ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, унинг бу хусусда қабул қилган қарорлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳам ҳал қиладилар.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида саноат, қурилиш, алоқа воситалари, қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, ижтимоий ва маданий соҳаларга раҳбарликни амалга оширадилар. Ушбу органларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод қилиш, шу органларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига киради. Бу ҳам раҳбарликнинг бир шаклидир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик бўйича аниқ вазифалари ва ваколатлари амалдаги қонунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш вазифаси ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашда, давлат органларини сақлаб туришда зарур моддий базани вужудга келтиришга қаратилган.



Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда маҳаллий ҳокимият органларининг бу масаладаги ваколатлари ажратиб кўрсатилган. Масалан, кўрсатилган Қонуннинг 25-моддасига биноан, ҳокимларнинг ваколатига бюджет лойиҳаларини тайёрлаш, бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш, ижрони ташкил қилиш кирса, 24-моддада кўрсатилганидек, халқ депутатлари Кенгашлари ваколатига ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни тасдиқлаш киради.

Шунингдек, уларнинг ҳар иккаласига тааллуқли ваколатлар ҳам кўрсатилган. Масалан, маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг муҳим қисмидир. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонунда, ҳокимлар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган масалаларни ҳал қилиши таъкидланган. Ҳокимлар ўз ҳудудида коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга раҳбарлик қилади. Коммунал хўжалик тармоқлари, ҳокимларнинг таркибий бўлинмалари орқали бошқарилади. Уларнинг бошлиқлари ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади. Бу масала маҳаллий Кенгаш сессиясида тасдиқланади. Маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимлар коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини назорат қилиб борадилар.

Бундан ташқари, Конституция нормаларига асосан, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлайдилар. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу соҳадаги ваколатлари бевосита қайд этилмаган, лекин қонуннинг моддаларида кўрсатилишича, ҳокимларнинг ва уларга қарашли ижроия органларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-

ларини ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича ваколатлари, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларининг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Маҳаллий давлат органлари фуқаролик ҳолати актларини қайд этувчи органларнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

Қонуннинг 25-моддасида кўрсатилишича, юқорида кўрсатилганлардан ташқари, ҳокимларнинг асосий вазифаси Конституция, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ижросини ташкил этишдир.

Бундан ташқари, ҳокимлар жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўрадилар, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этадилар, агар қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорлари Конституция, қонунлар ва бошқа юқори ташкилотлар қарорларига зид бўлса, уларни бекор қиладилар; раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти бўлинмаларининг ишини назорат қиладилар; халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритадилар; давлат мукофотлари билан тақдимлашга доир илтимосномаларни қараб чиқадиладар ва улар юзасидан тақлифлар киритадилар, республика ва хорижда давлат, вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўрадилар; аҳолини қабул қилишни ташкил этадилар, фуқароларнинг тақлиф ва шико-

ятларини кўриб чиқадилар ва ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳал этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилишича, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида норматив ҳужжатлар қабул қиладилар. Улар қарор ва фармойишлар шаклида бўлиши мумкин. Маҳаллий Кенгаш ўз қарорларини коллегиял асосда қабул қилса, ҳоким яккабошчилик принципи асосида қабул қилади. Улар қабул қилган қарорларнинг ушбу ҳудудда бажарилиши шартдир. Маҳаллий ҳокимият органлари Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда, юқорида келтирилганлардан ташқари, фақат халқ депутатлари Кенгашларининг ўзига тааллуқли бўлган ваколатлари ҳам кўрсатилган. Масалан, амалдаги қонунларга мувофиқ, маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш; ҳоким ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш ва лавозимдан озод этиш; халқ депутатлари Кенгашининг иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш; халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари, бошқа органларни тузиш, сайлаш ва тутатиш; бўлимлар, бошқармалар ва бошқа бўлинмаларнинг ҳисоботларини тинглаш; халқ депутатларининг сўровларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш; ҳокимнинг ва қўйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш.

## Маҳаллий ҳокимият органлари ташкилий фаолиятининг шакллари ва актлари

Маҳаллий вакиллик органлари коллегиял орган-дир. Улар ўз ваколатларини амалга оширишлари учун депутатларнинг тўла иштироки талаб этилади. Шунинг учун маҳаллий Кенгаш ишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сессиядир. Фаолиятнинг сессия шаклидагина вакиллик органлари тўлақонли давлат ҳокимияти органи сифатида ишлайдилар. Сессияда асосан Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар муҳокама қилинади, ҳисоботлар эшитилади ва бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилинади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг сессиялари тегишли даражадаги ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб йўлига камида икки марта чақирилади. Шунингдек, сессия тегишли Кенгаш депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин. Депутатлар Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарор ҳақида сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинадилар.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса, Кенгашнинг қарорига ёки ҳокимнинг топшириғига биноан, мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади. Кенгашнинг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида сессия ҳужжатларини юритиш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш учун депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этсагина ваколатли ҳисобланади.

Демократик принципларга асосан, сессия кўриладиган масалаларни бутун депутатлар томонидан

фаол муҳокама қилиш шаклида ўтказилади. Сессияда қабул қилинадиган ҳар қандай ҳужжатлар очик ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгаш қарорлари депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Кенгаш қарорлари ҳоким томонидан имзоланади ва ўша вақтдан бошлаб кучга киради.

Ҳар бир халқ депутатлари Кенгашлари ўзининг ваколат муддатига депутатлар орасидан доимий комиссиялар тузади. Бундай доимий комиссиялар маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий шакллари билан биридир. Уларнинг фаолияти орқали Кенгашнинг ишида доимийлик вужудга келади. Бу доимий комиссиялар депутатларни Кенгаш ишига доимий ва фаол жалб қилиш воситасидир. Доимий комиссияларнинг сони тегишли кенгашлар томонидан белгиланиб, унинг соҳаларидан келиб чиқади. Доимий ва муваққат комиссияларнинг вазифаси — сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, Кенгаш қарорларини ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини рўйбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш. Комиссиялар тўғрисидаги низом тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва "Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилганидек, маҳаллий ижроия ҳокимиятига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади ва яккабошчилик принципи асосида иш олиб боради. Ҳокимга унинг ўринбосарлари ёрдам беради. Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳудудининг миқдори, у ердаги аҳолининг нуфузи ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг миқдорини белгилайди. Қонун тартибидеги ҳоким

Ўринбосари шу ҳудуд вакиллик органларининг депутатлари орасидан тайинланади ва тегишли Кенгаш томонидан тасдиқланади. Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларини шу ҳудуд ҳокимлари юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлайдилар ва лавозимидан озод қиладилар. Бундай қарор эса тегишли Кенгашлар сессиясида тасдиқланади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ тарзда иш бажарадилар.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилиши, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари аппаратининг тузилиши ва штатлари тегишли Кенгашлар тасдиқлаган штатлар ва бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Ҳоким ижро маҳкамаси ҳокимларининг ва халқ депутатлари Кенгашларининг бир маромда самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Маҳкаманинг иш тартиби "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги Қонунга асосланиб, қабул қилинган низомлар, шунингдек, ҳокимият маҳкамаси ишининг регламети билан белгиланади. Маҳкама бевосита ҳоким раҳбарлигида ишлайди. Ҳоким котибияти ҳам маҳкама таркибига киради.

Ижроия ҳокимияти бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда ва ҳокимнинг тақдимига биноан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Сессиялар ўртасидаги даврда ҳокимият бўлинмаларининг раҳбарлари ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Ҳокимнинг бу хусусдаги қарори навбатдаги сессияда албатта тасдиқланиши керак. Қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишнинг бошқача тартиби ҳам белгиланиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар ўз фаолияти юзасидан ва ваколати доирасида тегишли қарорлар ва фармойишлар чиқариши тўғрисида айтиб ўтилган эди. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда маҳаллий давлат органлари ва ҳокимларининг актлари Конституция, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Республика Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига зид бўлмаслиги кераклиги таъкидланган.

Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари ва ҳокимлар фаолиятининг қонуний бўлиниши турли воситалар орқали назорат қилинади.

Маълумки, маҳаллий Кенгашларнинг Конституцияга, қонунларга, Республика Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади. Қуйи поғонадаги Кенгашларнинг қарорлари улардан юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари томонидан бекор қилиниши мумкин.

Ҳокимларнинг Конституция ва қонунларга, Президент фармонлари, фармойишлари ва қарорларига, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига зид келадиган, шунингдек, ҳокимларнинг республика манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон

Президенти томонидан ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатиб қўйилади ёки бекор қилинади.

Ҳокимларнинг қарорларини халқ депутатлари Кенгашлари ҳам, қўйи ҳокимларнинг қарорларини юқори турувчи ҳокимлар ҳам бекор қила олади. Буларнинг ҳаммаси Маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимларнинг фаолиятида қонунийлик принципини амалга оширилишини кафолатлайди.

Уларнинг ўз фаолиятларини қонунийлик асосида олиб боришларининг яна бир кафолати ҳокимлар чиқарган ҳужжатлар (қарор ва фармойишлар) юзасидан судга шикоят қилиш мумкинлигидир. Ушбу Қонуннинг 28-моддасида кўрсатилишича, фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳокимлар чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан судга шикоят қилишлари мумкин.

Шикоят бўйича суд қабул қилган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун, шу жумладан, ҳокимлар учун мажбурийдир.

Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда прокуратура органларининг ўрни катта. Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг<sup>1</sup> 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча давлат идоралари каби ҳокимларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишини назорат қилиши белгилаб қўйилган. Демак, прокурорлар фаолияти ҳужжатларининг қонуний бўлиши, уларнинг ўз ваколати доирасида ҳаракат қилишини ҳокимлар умумий назоратга оладилар. Прокуратура тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасига биноан, прокурор ҳокимларнинг қарорларига нисбатан протест билдириш ҳуқуқига эга. Шу-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993, 1-сон, 29-модда.



нинг учун ҳам ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига Президент ва ҳукуматнинг ҳужжатларига зид бўлган ва прокурор протест билдирган қарорларини шу ҳокимнинг ўзи ёки юқори турувчи ҳоким ёинки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратга қараб эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти қайта кўриб чиқади. Прокурорнинг протестини кўриб чиқиш натижаси дарҳол прокурорга маълум қилинади.

## **5. ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 4 апрелда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (янги таҳрир) Қонунда<sup>1</sup> шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳарлардаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгилаб берилган.

Қонунга асосан, шаҳарча, қишлоқ ва овуларда, шунингдек, шаҳардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Бу органлар ўз мажлисларида раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини икки ярим йил муддатга сайлайдилар.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий мақсади жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларга кўмаклашиш, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий, маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон қонунларини,

---

<sup>1</sup> Биринчи марта шу номдаги қонун 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994, 9-сон, 322-модда.

Республика Президентининг фармонларини, Ўзбекистон ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш учун фуқароларни бирлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонунга кўра қуйидагилар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади: шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши);

фуқаролар йиғинининг кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси;

туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий ҳокимияти органлари тизимига кирмайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олиниши керак.

Ўзбекистон шароитида маҳалла ўз тарихий илдизларига эга. У Ўрта Осиёда шаҳарлар доирасидаги ҳудудий-маъмурий бирлик бўлган ва бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Маҳалла маълум ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар фақат қўшничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий, ахлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғланганлар.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга асосан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Бу

органларни, улар иш олиб борадиган ҳудуд фуқароларининг таклифига кўра, туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Фуқаролар йиғини — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Йиғинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратта қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, туман, шаҳар ҳокимининг ёки 18 ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин. Йиғин чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакиллари йиғилиши ўтказилади.

Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи келган тақдирда, йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга делегатларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни раис ёки унинг маслаҳатчиларидан бири бошқаради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Йиғин баённомаси ва қарорларини раис ва масъул котиб имзолайди. Раис (оқсоқол) йўқлигида, фуқаролар йиғинининг баённомасини раиснинг маслаҳатчиларидан бири ва масъул котиб имзолайди.

Фуқаролар йиғини органларини ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъ-

минлаган ҳолда, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Маслаҳатчиларни, масъул котибни, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзолари номзодларини йиғин белгилайди. Йиғинга уларнинг номзодларини раис тавсия этади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчилари 2,5 йилга сайланади. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса йиғин раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича сайланадилар.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчилари, агар уларни йиғинда ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулкларига ва молиявий манбаларига эга. Улар ўзлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда ўзларига берилган жамоат объектларига, ижтимоий, маиший ва бошқа объектларига, шунингдек, сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулкка эга бўлиб, улардан фойдаланадилар.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари Кенгашлар томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, хайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади. Уларнинг молиявий маблағлари банкдаги мустақил ҳисоб рақамларида сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Ўзини ўзи бошқариш органлари маълум ваколатларга эга. Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғриси-

даги Қонунда фуқаролар йиғилиши ва раиснинг ваколатлари алоҳида-алоҳида кўрсатилган. Масалан Қонуннинг 10-моддаси фуқароларнинг йиғинига қуйидаги ваколатларни беради: шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини:

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди. Йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияни сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Белгиланган тартибда раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғинининг масъул котибини тайинлайди;

кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади;

тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритадилар, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қиладилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария — тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ушбу моддада назарда тутилган ваколатлардан ташқари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажрати-

ладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан қандай фойдаланаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) қуйидаги ваколатларга эга:

фуқаролар йиғинини чақиради:

раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади;

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди;

фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек, мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади;

кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек, табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади;

ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боришни, шунингдек, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг ке-



лиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатишини, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни уюштиради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

фуқароларни қабул қилади, уларнинг шикоятларини, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади;

фуқароларга уларнинг оилавий ва мулкий аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлайди;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қилади. Бу қарорлар тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар томонидан бажарилиши шарт.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби бу органлар тўғрисидаги қонунда белгиланган.

Бу қонун бўйича раис, котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги (янги таҳрир) Қонунда уларга бир қатор расмий юридик ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган. Қонуннинг 14-моддасида шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олишнинг қуйидаги турларини белгиланган тартибда бажаришлари мумкин;

тувилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, оталикни белгилаш.

Аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунга мувофиқ қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширадилар:

васиятномаларни тасдиқлайдилар;

ишончномаларни тасдиқлайдилар, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

мерос ва мол-мулкнинг қўриқланишига оид чоратадбирлар кўрадилар;

ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олдинги кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайдилар, маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари бундан мустасно;

ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайдилар.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

### 1. САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими деганда — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунарига мувофиқ республика фуқаролари томонидан Республика Президенти, Олий Мажлис депутатларини ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини сайлаш тартиби тушунилади.

Бу сайлов тартиби Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқий нормалари билан белгиланиб, уларнинг йиғиндиси сайлов ҳуқуқини ташкил қилади. Демак, сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи бир-бири билан ўзаро боғлиқ, лекин уларни бир маънода тушуниш мумкин эмас.

Сайлов ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг таркибий қисми, унинг муҳим институти ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини сайлови натижасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси дир.

Лекин "сайлов ҳуқуқи" термини фақатгина конституциявий ҳуқуқий институтни билдирибгина қолмасдан, балки Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг алоҳида бир субъектив ҳуқуқи номини, яъни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини ҳам англатади. Бу ерда фуқароларни "сайлаш ва сайланиш" ҳуқуқини аж-

рата билиш лозим. Фуқароларни сайлаш ҳуқуқи— бу **фаол сайлов ҳуқуқи** деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Республика Президентини, Олий Мажлис депутатлари, маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда қатнашиш ҳуқуқи бўлса, **пассив сайлов ҳуқуқи** — бу Ўзбекистон фуқароларини сайланиш ҳуқуқи, яъни Республика Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига, ёки халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланиш ҳуқуқини билдиради.

"Сайлов ҳуқуқи" тушунчаси ва ибораси икки маънода ишлатилади. "Биринчиси, бу — сайлов ҳуқуқи сайланиб қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир... Иккинчиси, бу фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларни тузишда қатнашиш, яъни уларни таркибини сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ва унга ўзларининг сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқларидир"<sup>1</sup>.

Сайлаш ҳуқуқи фуқароларнинг сайланаётган органларни шакллантириш масалаларини ҳал этишда қатнашиш имкониятини беради. Шу билан бир вақтда, кўппартиявийлик шароитида сайловчи муайян сиёсий партиянинг дастурини, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органларининг фаолиятини маъқул деб топар экан, бу билан қонунчилик ҳамда олий мансабдор шахслар фаолиятининг йўналишини белгилаб қўяди.

Сайланиш ҳуқуқи номзод бўлиш шахснинг сайловчилар томонидан эътироф этиладиган керакли касбий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлиши билан боғлиқ бўлиб, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаруви таркибида фаолият олиб бориш имкониятини яратади.

---

<sup>1</sup> А.Х. Сагдов. Сайлов ҳуқуқи.Т., 1993, 4-бет.

Шундай қилиб, ҳокимият вакиллик органларига сайлов халқнинг ўзига тегишли давлат ҳокимиятини бевосита амалга оширишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, айтилган вақтда халқ сайловлар йўли билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи олий органларга, барча даражали кенгашларга ана шу ҳокимиятни амалга ошириш ваколатларини беради.

Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқи ўзининг манбаларига эга. Булар сайлов ўтказиш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқий нормалардан иборат. Бундай ҳуқуқий нормаларга қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XXIII боб), Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси (XXII боб)нинг сайлов тўғрисидаги нормалари;

2. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайлов тўғрисида"ги Қонун, "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонун, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун<sup>1</sup>. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунлар киради.

Бу сайлов тўғрисидаги қонунлар фуқароларнинг ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминловчи керакли юридик кафолатлар ва тартибларни ўзида мужассамлаштиради.

3. Сайлов ўтказиш билан боғлиқ бўлган юридик нормаларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан сайлов тўғрисидаги қонунларни бажариш юзасидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994, 5-сон, 127-модда.

киради. Масалан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлик-лари томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгаш-ларига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш, сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш тўғри-сидаги қарорлар қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими ва сай-лов ҳуқуқи демократик асосларга қурилиб, халқ ҳоки-миятини амалга оширишга қаратилган. Бу сайлов ти-зими ҳокимият органларида аҳолининг барча қатлам-лари кенг кўламда вакилликка эга бўлишини, сайловга тайёргарлик жараёнида жамоат фикрини ҳар тараф-лама аниқлашни, вакиллик органларининг вазифала-рини, депутатликка номзодларнинг амалий ва шах-сий фазилатларини муҳокама этишни, халқ оммаси-нинг овоз беришдагина эмас, балки сайлов ўтказиш жараёнида бевосита фаол иштирок этишини таъмин-ловчи демократик тамойилларга асосланади.

## **2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ПРИНЦИПЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайловни умумийлик, тенг сайлов ҳуқуқи, тўғридан-тўғри сай-лов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш принципларига асосан амал-га оширадилар.

Умумий сайлов ҳуқуқи, шуни англатадики, Ўзбе-кистон Республикасининг 18 ёшга кирган ҳар бир фуқароси сайлов ҳуқуқига эгадир. Сайловчилар рўйхатига сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини 18 ёшга тўлган ҳамда мазкур Кенгаш ҳудудида рўйхат тузилаётган пайтга қадар муқим ёки вақтинча яшаб турган барча фуқаролар киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сай-лов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қо-нунида "Ўзбекистон фуқароларининг Конституция

ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидир" деб кўрсатилган. Қонунга асосан 35 ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари Республиканинг Президенти этиб сайланиш ҳуқуқига, сайлов кунигача 25 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига, сайлов кунигача 21 ёшга тўлган фуқаролар эса ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадир.

Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, сайловларда бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бевосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, қонунлар умумий сайлов ҳуқуқини ҳар тарафлама ва изчил кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган сайловлар тенгдир. Тенг сайлов ҳуқуқининг маъноси шундаки, ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, типи, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти, шахсий, ижтимоий ва мулкий мавқайдан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши ҳамда шахсан овоз бериши билан таъминланади. Сайлов бюллетенлари шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилгандан кейингина берилади. Сайловда бар-

ча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашуви сайлов округларини уларда яшовчи фуқаролар сонига тенг қилиб ташкил этилиши билан ҳам таъминланади, чунки ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Бу билан амалда бир округдаги сайловчи овози бошқа округдаги сайловчи овозига амалий равишда тенг бўлишига эришилади. Бундан ташқари тенглик сайлов принципи бутун Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқини қонун билан тенг муҳофаза этилишини ҳам ифодалайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини билдиради; сайловчилар ўз номзодларига (номзодлар рўйхати) сайлов вақтида бевосита ижобий ёки қарши овоз беришидир.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи кўп поғонали сайловдан фарқ қилади. Кўп поғонали сайловда пастки поғонали вакиллик органи юқори поғонали вакиллик органига ўз вакиллари сайлайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқининг устунлиги шундаки, бундай сайлов тартибида ҳамма сайланган давлат ҳокимияти органлари бевосита халқнинг вакиллик органи ҳисобланади. Бу сайлов тартиби сайловчилар билан вакиллик органлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга, вакиллик органларининг фаолиятини сайловчилар томонидан яхшироқ назорат этишга, депутатларни бевосита сайловчилар томонидан чақириб олинишини амалга оширишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларига ва Республика Президентига сайловларда овоз бериш эркинлиги ва яширинлиги таъминланади. Бу шуни билдирадики, сайловда овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус биноларда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-



иродаларини эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар. Бунинг учун сайлов участкасидаги овоз бериш биносида сайлов бюллетенларини тўлдириш учун албатта алоҳида хона ёки кабина бўлади. Кабинада овоз бераётган шахсдан бошқа бирор кимсанинг, шу жумладан сайлов комиссияси аъзоларининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетень сайлов қутисига шахсан сайловчи томонидан ташланади.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, Ўзбекистон Республикасида сайловлар сайловчиларнинг ўз хоҳиши билан, ихтиёрий равишда қатнашиши асосида ўтказилади. Ҳеч ким фуқароларни мажбурий равишда сайловга қатнашиш ёки қатнашмасликка мажбур қилишга ва эркин хоҳиш билдиришига қаршилик кўрсатишга ҳаққи йўқ ва бунга қонун йўл қўймайди. Сайловчиларни сайлов вақтида эркин хоҳиш билдиришини таъминлайдиган яна бир омил, сайлов куни ташвиқот юритишга сайлов қонунига асосан йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида Республика Президентига, Республика Олий Мажлисига ва бошқа вакиллик органларига сайловларни тайёрлаш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкоралик асосида амалга оширилади. Сайловларнинг ошкоралик принципи асосида ўтказилишини билдирувчи яна бир нарса сайловчиларни Республика Президентига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгалигидир.<sup>1</sup>

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги,

---

<sup>1</sup> Қаранг. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1994, 5-сон, 127-модд.

сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар. Сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловчиларнинг ошкорлигини таъминлаш ишида яна бир муҳим қадам қўйилди. Сайлов жараёнининг ошкоралиги нуқтаи назаридан энг муҳим масалалардан бири сайловларни кузатиш имконияти мавжудлигидир. Шунини ҳисобга олиб "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга тегишли қўшимчалар киритилди. Шу Қонуннинг 6-моддаси янги таҳрирда баён қилинади<sup>1</sup>. Унда сиёсий партиялар, ҳокимиятларнинг вакилик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар сайлов жараёнининг номзодлар кўрсатилишидан ва уларни рўйхатга олишдан бошлаб овоз бериш, овозларни ҳисоблаш ва сайлов яқунларини эълон қилишнинг якуний тартиб таъминлари тугагунга қадар иштирок этиши назарда тутилган. Бундан ташқари, ушбу модда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи бир қатор нормаларни ўз ичига олади. Бу мажбуриятлар участка сайлов комиссияси аъзоларининг хатти-ҳаракатлари устидан виждонан ва холисона кузатиш, уларнинг ишига аралаштиришдан тийилиш, сайловчилар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1998, 3-сон, 38-модда.

ўз хоҳиш-иродаларини билдиришларига ҳалақит бермаслик талабларидан ва бошқа айрим қоидалардан иборат.

Бу кузатувчилар фаолиятининг мазмуни сайловлар қонуний тарзда ўтказилишини ва унинг яқунларини аниқлашда назорат олиб боришдан иборат.

### **3. ВАКИЛЛИК ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ. САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ, САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ**

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунига 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ва вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов тўғрисидаги қонунарига асосан, сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилиб, уни комиссия раиси ва қотиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари сайловчиларни ҳисобга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги сайловчи — ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, башарти, улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда

истиқомат қилсалар, ҳарбий қисмнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналарида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади. Сайловчилар рўйхатида ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили акс эттирилади.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганда, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхонасида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловларга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади.

Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади. Фуқароларга эса участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони тузатиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт. Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида сайловларни ташкил қилиш ҳудудий принципга асосланади. Бу — сайловлар сайлов округлари орқали амалга оширилишини билдиради.

Сайлов округи — бу сайлов ўтказиш учун қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳудудий сайлов бирлигидир. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" ги Қонунга асосан Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказиш учун икки юз эликта ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Олий Мажлис томонидан белгиланади. Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида эълон қилади (Қонуннинг 7 - моддаси).

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Қонунга асосан депутатлар сайловини ўтказиш учун: халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда 60 тадан кўп бўлмаган; халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда

30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади (Қонуннинг 7- моддаси).

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда қонунда белгиланган нормалар доирасида тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайлов округлари тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан, қоида тариқасида, сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Сайлов округларининг чегаралари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Сайловда овоз беришни ўтказиш ва сайловчиларнинг берган овозини санаб чиқиш учун сайлов участкалари ташкил қилинади.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган жойдаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи сайлов участкалари шаҳар, туман ҳокимларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари

қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов тайинланганидан кейин ўттиз кундан кечикмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса — истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловда туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

#### **4. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ**

Сайлов комиссиялари деб Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларга асосан ташкил қилувчи комиссияларга айтилади.

Сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ва уни ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш учун "Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ:

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;

— Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

— Участка сайлов комиссиялари тузилади.

Маҳаллий вакиллик органларига сайлов ташкил этиш ва ўтказиш учун уларга сайлов ўтказиш тўғрисидаги Қонуннинг 9 -моддасига биноан:

— Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси;

— Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси;

— Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси;

— Округ сайлов комиссиялари;

— Участка сайлов комиссиялари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис депутатлари сайловларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фа-



олиятини доимий асосда амалга оширади. 1998 йил 30 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси туғрисида"<sup>1</sup> Қонун қабул қилиниб, унда бу комиссиянинг тузилиш тартиби, ваколатлари ва иш фаолиятлари тўлиқ кўрсатилган.

Республика Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат тартибда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикасидан, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, сайловларини ҳамда Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловларга тузиладиган сайлов комиссиялари тизимиغا, референдумни ўтказувчи комиссияларга бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республика Президенти сайлови, Олий Мажлис депутатлари сайлови ва референдум туғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

— сайлов комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ва тушунтиришлар олиб боради;

— сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини ва сайловчилар-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5-6-сонлар, 95-модда, 1999, 1-сон, 20-модда.

нинг сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

— Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини мундан олдин округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

— округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

— сайлов комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди:

— округ сайлов комиссияларининг қарорлари сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, уларни мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

— тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органларидан, шунингдек, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади, номзодларни рўйхатга олади, улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради, номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитлар яратади;

— давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

— сайлов ва референдумнинг якунини чиқаради, умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз бериш натижаларини аниқлайди ва улар тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлари сайлови ўтказилишини ташкил этади;

— сайланган Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олади ва сайланган депутатлар рўйхатини эълон қилади;

— сайловдан кейин Олий Мажлиснинг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

— депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур бўлган ҳужжатларни Олий Мажлиснинг Мандат комиссиясига топширади;

— сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Республика Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистоннинг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари Республика Марказий сайлов комиссияси томонидан раис, раис ўринбосари ва камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда сайлов тайинланган кундан йигирма кун кечикмай тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг ваколатлари сайлов тўғрисидаги қонунларда тўлиқ кўрсатилган. Масалан, Республика Президентига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси:

сайлов округи ҳудудида сайлов тўғрисидаги қонуннинг бажаралишини назорат қилади ва уни бир хил татбиқ этилишини таъминлайди; сайлов участкалари тузади, уларнинг комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни сайлов компаниясида иштирок этишлари учун тенг шароит яратилишини таъминлайди, сиёсий партиялар округда жойлаш-

ган давлат органлари раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди; сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради; пул маблағларини участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади; сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади; участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда округ сайлов комиссияларининг ваколатларига юқорида кўрсатилганлардан ташқари-сайлов участкалари тузиш, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилаш, уларнинг рўйхатини эълон қилиш; Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатта олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар бериш; депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашиш; депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатта олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш, такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилишини ташкил этиш ваколатлари ҳам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн кун ичида комиссия раиси ва 6-14 нафар бошқа аъзоларидан иборат тартибда тузилади.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари қуйидаги ваколатларга эга. Улар:

— тегишли ҳудудда сайлов тўғрисидаги қонуннинг ижросини назорат қилади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ва сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан изоҳлар бериб боради; тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузади; уларга ном ва тартиб рақами беради; тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади; тегишли сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради; депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади; тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олади ва улар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади; депутатликка номзодлар сайлов компаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди; сайловга доир сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхатлари, сайлов комиссиялари баёнлари, сайлов варақалари, ўз муҳри, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шаклларини тасдиқлайди ва тайёрланишини таъминлайди; сиёсий партиялар, маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди; сайлов яқунларини чиқаради; сайланган депутатларни рўйхатга олади, сайлов яқунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади; депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг

Мандат комиссиясига топширади ва қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказувчи округ комиссиялари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинлангандан кейин кечи билан йигирма кун ичида комиссия раиси, раиснинг ўринбосари, котиби ва 6-8 нафар бошқа аъзолардан иборат тартибда тузилади.

Округ сайлов комиссиялари қуйидаги вазифаларни амалга оширади: сайлов округида сайлов тўғрисидаги қонун ижросини назорат қилади; сайлов участкалари манзилини округ сайловчилари эътиборига етказди; депутатликка номзодларнинг сайлов компаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратади; депутатликка номзодларга гувоҳномалар беради; уларни сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади; депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради; сайловчиларнинг рўйхатлари тузилиши ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради; сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди ва участка сайлов комиссияларини сайлов бюллетенлари билан таъминлайди; сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этади; лозим бўлса, такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади; участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистонда асосан сайловни амалга ошириш, сайловчилар рўйхатини тузиш, сайловда овоз беришни ташкил қилиш, овозларни ҳисоблаб чиқиб, сайлов яқунларини аниқлашни участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президент сайловини ўтказиш учун участка сайлов комиссиялари округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов тайинлангандан кейин элик кундан кечикмай тузилади. Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказиш учун ҳам участка сайлов комиссияларини сайлов тайинлангандан кейин элик кундан кечикмай тегишли округ сайлов комиссиялари тузади.

Маҳаллий вакилик органларига сайлов ўтказишини амалга ошириш учун участка сайлов комиссияси туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинланганидан кейин кечи билан элик кун ичида тузилади.

Ўзбекистонда сайловни ташкил қилувчи ҳамма участка сайлов комиссияларининг ваколатлари бир хил, улар қўйидагилардан иборат: сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади; сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилади; сайлов кунини овоз беришга иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади; аҳолини сайлов кунини ва овоз бериш жойини тўғрисида хабардор этади; овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди; сайлов кунини сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади, берилган овозларни ҳисоблаб чиқади; сайлов масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, ҳал қилади.

Сайлов комиссияларининг ишини ташкил қилиш ҳам сайлов тўғрисидаги қонунда тулиқ жўрсатилган. Сайлов комиссияси фаолияти коллегиалик асосида амалга оширилади.

Қонунга асосан сайлов комиссиялари ўз таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятларини ошкоралик ва очиқ ҳолда амалга оширадilar. Сайлов комиссияси мажлисларида номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этишлари мумкин. Сайлов комиссияси қабул қилган қарорлари матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали қонунда кўрсатилган тартибда эълон қилинади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш учун керакли биналар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб турадилар. Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга қарор қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округлари бўйича депутатларнинг ваколатларини тегишли вакиллик органи эътироф этганидан кейин ўз фаолиятларини тўхтатадилар.



## 5. САЙЛОВНИ ТАЙИНЛАШ, ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, унинг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганда Республика Олий Мажлиси томонидан тайинланади. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ги Қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина у Республика Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Республика Президенти номзодини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Қонунда кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади ва рўйхатга олингандан кейин икки кун ичида бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (90-модда) Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига маълум талаблар кўрсатилган — ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бундан ташқари "Ўзбекис-

тон Республикасининг 1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил 19 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ қуйидагилар Республика Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар:

қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган фуқаролар;

ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар.

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

Бундан ташқари 1999 йил 19 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга киритилган янги таҳрирга мувофиқ номзодлик мақомидан маҳрум этилиш мумкинлиги ҳолатлари кўрсатилган. Шу қонуннинг 26-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилган: "Сиёсий партия ҳокимият вакиллик органи Республика Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда, ўз номзодини номзодлик мақомидан маҳрум этиш ҳуқуқига эга. Бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Республика Президентлигига номзод кўрсатиш муддати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин. Рўйхатга олинган номзод унинг номзодлигини ёқлаб, кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин"<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1999, 206-модда.

Давлат вакиллик органларига сайловни тайинлаш тартиби ва муддати сайлов тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов аввалги чақириқ Олий Мажлис депутатларининг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови, қоида тариқасида, бир вақтда ўтказилади ва депутатларнинг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Сайлов тайинланганидан кейин кечи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, бевосита фуқаролар эгадирлар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш зарурки, қонунда республика сиёсий партияларининг депутатликка номзодлар кўрсатиши учун айрим шартлар ҳам кўрсатилган. Улар қуйидагилардан иборат: сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида элик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина у Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин. Шунинг ҳам кўрсатиш лозимки, маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия элик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партиялар сайлов тайинлангандан ке-

йин йигирма кун ичида Марказий сайлов комиссиясига қонунда кўрсатилган керакли ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида етти кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишга ижозат бериш тўғрисида хулоса беради.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партиялар Олий Мажлис депутатлигига икки юз элик нафар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округида биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларининг ўзлари ҳал этадилар.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларинигина эмас, балки партиясизларни ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкин.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунларга ўзгартириш киритилиб, унда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари янада кенгайтирилди, уларга депутатликка номзодларни бевосита кўтариш ҳуқуқи берилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22-

моддасига<sup>1</sup> кўра Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатиш учун тегишли округнинг камида юзта сайловчилардан иборат миқдорида сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузишлари мумкин. Ушбу моддада ташаббускор гуруҳни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини тўплаш тартиби белгилаб қўйилган.

Сайлов тўғрисидаги Қонунда (23-модда) Олий Мажлис депутатлигига номзодларга маълум талаблар қўйилади. Масалан, қуйидагилар Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинмайдилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўтарилган қуйидаги шахслар: ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1998, 3-сон, 38-модда.

тақдиридагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган шахслар ҳужжатлари сайлов тўғрисидаги қонун талаблари асосида текширилиб, шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади. Депутатликка номзодни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Тегишли округ сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган йили ва бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилади.

Олий Мажлис депутатлигига номзод сайлов Қонунига 1999 йил 19 августдаги киритилган ўзгартиришга мувофиқ номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин ёки депутатликка номзодликдан воз кечиши мумкин. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия ҳокимият вакиллик органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Олий Мажлис депутатлигига номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.<sup>1</sup>

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, бевосита фуқаролар эгадирлар.

Халқ депутатлари, туман, шаҳар Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бевосита фуқаролар эгадирлар.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинлари (вакилларнинг йиғилишлари)да кўрсатилади.

Сиёсий партиялар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округи бўйича биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Депутатликка, қоида тариқасида тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилдилар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999, 9-сон, 206-модда.

Ўзбекистон Республикасининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаш депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида элик нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига, тегишли ҳужжатлар ва ариза билан мурожаат этади. Комиссия ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида ёки рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилади. Масала ижобий ҳал бўлгандан сўнггина вакил депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга киришади.

Ташаббускор гуруҳ округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт. Имзо варақалари қонунда кўрсатилган шаклда тўлдирилгандан сўнг округ сайлов комиссиясига топширилади, агар у тўғри тузилган бўлса, уни вилоят ёки туман шаҳар сайлов комиссиясига топширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари номзодларини қўйиладиган талаблар сайлов тўғрисидаги қонунда кўрсатилиб Олий Мажлис депутатлари номзодларини қўйиладиган талаблар билан тенг.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига кўрсатиладиган номзодларнинг ҳужжатларини тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, текшириб, ҳужжатлар Қонунга мувофиқ бўлса рўйхатга олиб, тегишли гувоҳнома беради ва бу тўғридаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилади.



**6. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ.**  
**РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД**  
**ВА НОМЗОДЛАРНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, вакиллик органлари депутатлигига номзодлар Марказий сайлов ва бошқа сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан тенг асосларда сайловолди компаниясида қатнашадилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади.

Барча депутатликка номзодларга тарғибот учун тенг ҳуқуқлар берилган. Бу ҳуқуқларга қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янги ҳуқуқий норма билан тўлдирилган. Унга кўра ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно, шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бериш тақиқланади).<sup>1</sup> Бундай талаб одамларни моддий қизиқтириш, пора эвазига оғдириб олишга йўл қўймасликка қаратилган бўлиб, айти пайтда сайлов компанияси давлат маблағларидан молияланиши, шунингдек, ихтиёрий бадаллар Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиниши ҳамда тенг тақсимланиши тартиби билан узвий боғлиқдир.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 1998, 3-сон, 38-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Э.Х. Ҳалилов. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонуналарининг қарор топиши ва ривожланиши. Т., "Ўзбекистон". 1999, 42-бет.

1999 йил 19 августда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунни 25-моддасининг янги таҳририга мувофиқ депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситалардан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади<sup>1</sup>. Шундай қилиб, депутатликка номзодларга ва сайловчиларга сайловда фаол ва тўғри иштирок этиш, оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш учун имкониятлар, кафолатлар яратилди.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Республика Президентлигига номзод, Олий Мажлис депутатлигига ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига номзод сайлов тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган сонлар миқдоридан ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов компаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, номзодларни сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

## **7. САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ.**

### **ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

Округ сайлов комиссиялари сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссиялари тасдиқлаган қонунга мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади.

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алфавит тарти-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 9-сон, 206-модда.

бида киритилиб, унинг тувилган йили, партиёга мансублиги, эгаллаган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органининг номи кўрсатилади.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганда оладилар. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони ва унга қандай белгилар қўйиш сайлов тўғрисидаги қонунга киритилган янги моддаларда кўрсатилган. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ бундай сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади"<sup>1</sup>. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдордаги кабина ёки хоналар жиҳозланган, сайлов бюллетенлари бериш учун ажратилган ва сайлов бюллетенлари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз бериш одатда сайловчиларнинг дам олиш кунига мўлжалланади ва соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 3-сон, 38-модда.

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Раис сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенларини; сайловчиларнинг рўйхатларини сайлов комиссияси аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Бюллетенларнинг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига, ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир. Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради. Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиб, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Айрим сайловчилар саломатлигининг

яхши эмаслиги ва бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Сайлов қутилари комиссия раиси овоз бериш тураганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларининг умумий сонини, сайлов бюллетени ва варақаси олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди, ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баёнда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияси мажлисининг баёнлари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари ҳамда варақаларини олган сайловчилар сонини, овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини, ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди. Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланиб, баёнда акс эттирилади. Баён қонуний расмийлаштирилиб белгиланган тартибда Олий Мажлис депутатларига ва Республика Президентлигига сайловда Марказий сайлов комиссиясига ва маҳаллий вакиллик органларига сайловда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Марказий сайлов комиссияси ва вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида сайлов натижа-

ларини аниқлаб овоз беришда иштирок этган сайловчиларни ярмидан кўпининг овозини олган номзодларни Республика Президенти ёки вакиллик органи депутати этиб сайланган деб ҳисоблайди.

Бу сайлов комиссиялари сайлов чоғида йўл қўйиб, оқибат натижасида овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деб топиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор тегишли Марказий сайлов комиссияси, ёки вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан қабул қилинади ва бу қарор сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида тегишли судга шикоят қилиниши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси ва тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари сайлов яқунлари бўйича баён тузадилар ва қарор қабул қиладилар.

Сайлов тўғрисидаги қонунлар депутатларга такрорий овоз беришни ва такрорий сайлов ўтказишни ҳам кўзда тутди. Масалан, башарти, сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу хусусда Марказий сайлов комиссиясини ҳамда округ сайлов комиссияларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш сайлов тўғрисидаги қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган Олий Мажлис депутатлигига номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов тўғрисидаги Қонунда такрорий сайловни қандай шароитларда ўтказилиши мумкинлиги сабаблари кўрсатилган. Масалан, башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, ёки такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имкониятини бермаган бўлса; башарти, сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса; қонунда кўрсатилган сабабларга кўра депутатни рўйхатга олиш рад этилган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади.

Такрорий сайлов Марказий сайлов комиссияси, ёки тегишли вилоят туман, шаҳар сайлов комиссияларининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кечи билан бир ой ичида ўтказилади.

Сайлов якунларини кўриб чиқиб Марказий сайлов комиссияси ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари округ сайлов комиссияларидан олинган баёнлар асосида вакиллик органларига сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга асосан сайловда ғалаба қилган Республика Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси натижаларини эълон қилган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига асосан, Президент Олий Мажлис сессиясида қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

## 8. САЙЛОВЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ. САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига, маҳаллий вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Депутатликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қонун билан тақиқланади. Лекин сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси ва вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Сайлов тўғрисидаги қонунларда сайловчиларнинг вакиллик ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки сайлов тўғрисидаги қонунларни бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилган ёки ўзгача тарзда маълумот тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ

### 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИ, УНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ОДИЛ СУДЛОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Суд — Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга оширувчи органдир. Одил судлов давлат фаолиятининг бир тури бўлиб, жамиятда содир бўладиган ва ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижа-сида келиб чиқадиган ижтимоий келишмовчиликларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга қаратилгандир. Одил судлов ўзининг махсус белгилари билан ажралиб туради. У давлат номидан, қонунда белгиланган процессуал шаклда ҳамда фуқаровий, жиноий ва бошқа ишларни суд мажлисларида кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ўзбекистон Республикасида суд органларининг фаолияти Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқладиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғри-

сида"ги<sup>1</sup> (янги таҳрири) Қонунининг 1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, Ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларидан иборат.

Конституция ва қонунда кўрсатилган судлардан ташқари, бошқа бирон-бир давлат органи ёки ташкилотнинг судлов ишини амалга оширишига ёки фавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмайди.

2000 йил 14 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонунда судларнинг ташкил топиши, уларни сайлаш ва тайинлаш тартиби кўрсатилган.

Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

Қонуннинг 63-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси томонидан сайланадилар ёки тайинланадилар.

---

<sup>1</sup> Қаранг: "Халқ сўзи" газетаси. 2001 йил 13 февраль.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқий давлатни шакллантиришга қаратилган демократик принципларга асосланади.

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Бошқа ҳеч қандай давлат органи фуқаровий, жиноий ва бошқа ишларни кўриш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бу қонунчиликни амалга оширишни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

"Судлар тўғрисида"ги Қонунга асосан, одил судловни амалга ошириш вазифаси фақат маълум ҳуқуққа эга бўлган, ўз бурчини профессионал асосда амалга оширувчи, ҳуқуқшунослик ихтисосига эга бўлган шахсга топширилади.

Қонуннинг 61-моддасига асосан: йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида

тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳужалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу модда талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Одил судловни амалга ошириш принципларидан яна бири судьяларнинг мустақиллигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси ва "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига асосан, судьялар мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Судлар ҳақидаги Қонуннинг 8-бобида судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари берилган. Қонуннинг 67-моддасида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш кафолатлари кўрсатилган. Бу кафолатлар қуйидагилардан иборат: уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва судья-

лардан озод қилиш; уларнинг дахлсизлиги; одил судловнинг қатъий тартибда амалга оширилиши, қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши; судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашиш; судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 70-моддаси, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьянинг шахсий дахлсизлигини мустаҳкамлайди. Дахлсизлик — судьяга вайриқонуний таъсир этишдан сақлайди, одил судловни амалга ошираётганида унинг ҳуқуқларини чеклашга имкон бермайди. Қонун моддасидаги бу талаб судьянинг турар жойи, хизмат хонаси, унинг транспорт ва алоқа воситалари, хат-хабарлари, буюм ва ҳужжатларига ҳам тааллуқлидир.

Қонунда судьянинг шахсий хавфсизлигини сақлаш чоралари ҳам кўрсатилган. Масалан, судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидангина қўзғатилиши мумкин. Судья, тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, Олий ҳўжалик суди пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Қонунда судья ваколатларининг тўхтатилиши ва тугатилиши тартиби ва вазиятлари, уни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос тартиби кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси суд ҳокимиятини амалга оширишни таъминлайдиган бир неча принципларни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бинонан, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Судларда фуқаролик ва жиноят ишларини ошкора муҳокама қилиш принципи барча жиноят ва фуқаролик ишига тааллуқлидир. Бу принцип фуқаролик ёки жино-

ят ишларида тараф сифатида иштирок этмаган фуқаролар учун у ёки бу суд ишини суд томонидан муҳокама қилиш имкониятини таъминлаб беради.

Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган қуйидаги ҳоллардагина йўл қўйилади. Масалан, суд муҳокамасида давлат ёки тижорат сирларини ошкор қилиш хавфи мавжуд бўлса ёки жиноят иши жинсий жиноят билан алоқадор бўлса. Ёпиқ суд мажлисига, суднинг ажримига кўра, 18 ёшга етмаган шахслар таклиф қилинмайди. Суднинг ҳукми ёки қарори барча ҳолларда очиқ суд мажлисида эълон қилинади.

Суд фаолиятининг ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта бўлганлиги сабабли, судьялар суд жараёнига оммавий ахборот воситалари ходимларини, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларини таклиф қилишлари мумкин. Бундан ташқари, ошкора суд мажлисларини бевосита корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳам ўтказиш мумкин.

Одил судловни амалга оширишда тил тўғрисидаги конституциявий принцип катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасида белгиланишича, Ўзбекистонда суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб бораётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида одил судловнинг асосий принципларидан яна бири — айбсизлик презумпцияси.

Айбсизлик презумпцияси — шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча, унинг айбсиз ҳисобланишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида кўрсатилишича, жиноят со-

дир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ушбу принципга амал қилиниши суд органларининг жазо тўғрисида ҳукм чиқаришларидан олдин айнан шу шахснинг айби бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Дастлабки текшириш органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда, унинг ушбу жиноятни содир қилишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб беришга мажбур, чунки айбланувчи айбсизлик презумпциясига кўра, суднинг чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунга қадар айбдор деб ҳисобланмайди. Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исбот қилиб беришга мажбур эмас. Жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини исботлаш мажбурияти терговчи, суриштирувчи, прокурор ва судга юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир кишининг ҳимоя ҳуқуқи кафолатланади. Қоидага кўра, шахснинг ушбу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади. Адвокат ҳар бир ҳуқуқий масалалар юзасидан малакали ёрдам бериб, жинорий ва фуқаровий суд ишларида иштирок этади ва уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги (янги таҳрир) Қонунида ҳеч қандай шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослаштирувини амалга ошириш мақсадида,

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2000 йил 14 августда "Ўзбекистон Республикасининг суд тизими такомиллаштириш тўғрисида" Фармон<sup>1</sup> чиқарди. Бу Президент Фармони билан умумий юрисдикция судларининг тузилмаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши ҳамда штат бирлиги сони тасдиқланди. 2001 йил 1 январдан бошлаб мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида бу Фармон асосида: Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари ташкил қилинди ҳамда уларнинг тузилиши ва штат birlikларининг сони тасдиқланди; Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил бўлди ҳамда уларнинг тузилиши ва штат birlikларининг сони тасдиқланди.

Республика Президентининг Фармонида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг, шунингдек, ҳарбий судларнинг фаолияти устидан суд назоратини амалга оширади.

Суд тизимидаги бу янгилик жамият ҳаётини эркинлаштириш, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлиқ ҳимоялаш, адолат мезонларига риоя этиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг самарасидир.

## **2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида Конституциявий суд органини тузиш лозимлиги кўрсатилган эди, ундан аввалроқ — 1990 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Конституция-

---

<sup>1</sup> Қаранг: "Халқ сўзи" газетаси, 2000 йил 15 август.



вий назорат қўмитаси тузилган эди. Ушбу органга, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан, Конституциявий суд сайлангунга қадар унинг вазифасини бажариш вазифаси юклатилган эди. Конституциявий назорат қўмитасининг вазифаси Олий Кенгаш қабул қилган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек, Республика Олий Кенгаши муҳокамасига киритилган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қай даражада мувофиқлигини аниқлаш эди.

Конституциявий суд таркиби Олий Мажлисга сайлов ўтгандан сўнг, Президентнинг таклифига мувофиқ, Олий Мажлис сессиясида сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Республикада Конституциявий суд Олий суд органи ҳисобланиб, ўз ҳокимиятини қонун асосида мустақил равишда амалга оширади. Конституциявий суднинг ваколати, унинг тузилиши ва фаолият таркиби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-моддаси ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонун билан белгиланади<sup>1</sup>.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриш Конституциявий суднинг ваколатига киради.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Республика Конституциявий тузуми асосларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ҳудудида Конституция устунлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаради:

— қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995, 9-сон, 178-модда.

нинг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

— Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциянинг 82-моддасига биноан, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, Олий Мажлисда кўриб чиқиш учун қонун лойиҳаларини тақдим этиши мумкин. Республика Президенти Конституциянинг 95-моддасида кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, Конституциявий суднинг маслаҳати асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий ҳўжалик судининг ҳужжатлари Конституциявий суд томонидан кўрилмайдди. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Конституциявий суд тўғрисидаги Қонунида белгиланишича, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Олий Мажлис томонидан суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда, Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда беш йил муддатта сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суднинг судьясига қўйиладиган талаблар Конституциявий суд тўғрисидаги Қонунда кўрсатилган. Судьяликка номзод Ўзбекистон Республикасининг сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатга эга ва зарур ма-лакали фуқаро бўлиши керак.

Конституциявий суднинг судьяси дахлсиздир. У Олий Мажлиснинг розилигисиз, сессиялар ўртаси-даги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг рози-лигисиз жинойи жавобгарликка тортилиши, ҳибса олиниши ёки унга суд томонидан унга маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Конституция-вий суднинг судьясига нисбатан жинойи иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томони-дан қўзғатилиши мумкин. Конституциявий суд су-дьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, шунинг-дек, шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш мумкин эмас.

Конституциявий суд таркибига камида тўрт киши сайланган тақдирда, у ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Конституциявий суднинг раиси, раис ўринбосари ва судьялари вазифаларини бажариш билан бир вақт-да депутатлик мандатига эга бўлиши, сиёсий партия аъзоси бўлиши, ҳаракатларда иштирок этиши, ҳақ тўланадиган бирон-бир бошқа лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

Конституция ва Қонунда Конституциявий суд иш фаолиятининг асосий принциплари кўрсатилган. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, судьялар мустақиллиги, коллегиаллик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглигидир.

Конституциявий суднинг мустақиллиги шунин бил-дирадигани, ушбу суд ҳамда унинг судьялари ўз фао-лиятини амалга оширишда мустақил иш олиб бора-дилар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясига бўйсундилар. Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар эканлар, амалий мақ-садга мувофиқлик мулоҳазалари, сиёсий мойиллиги

ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайдилар. Конституциявий суднинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Конституциявий суд фаолиятининг коллегиаллик принципи суд ишларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш камида тўрт судьядан иборат тартибда коллегиал амалга оширилишини билдиради.

Конституциявий суд мажлислари очиқ ўтказилади, унинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесининг раиси, Олий суд раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Республика Бош прокурори ва Адлия вазири қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар. Бундан ташқари, суднинг мажлисига, зарур маълумот ёки материалларга эга бўлган шахслар, экспертлар ва мутахассислар чақирилиши мумкин.

Конституциявий суд судьяларининг тенглиги шуни билдирадики, Конституциявий суд томонидан масалаларни қараб чиқиш ва қараб чиқиладиган масалалар бўйича овоз беришда раис, раис ўринбосари ва Конституциявий суднинг аъзолари судьялар сифатида тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида" ги Қонунда Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати кўрсатилган. Жумладан, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Олий хўжалик судининг Раиси ва Бош прокурор Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Ма-

салан, Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан Конституциявий суд томонидан ҳам масалалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ички фаолияти — мажлисларни тайёрлаш, масалаларни Конституциявий суд мажлисида кўриш, мажлис ўтказиш тартиби, судьялар ўртасида ишни тақсимлаш тартиби, суд ходимларига қўйиладиган талаблар, иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва суднинг фаолият кўрсатишига тегишли бошқа ички масалалар бўлиб, улар Конституциявий суд томонидан қабул қилинадиган "Иш тартиби" да белгилаб қўйилади.

Конституциявий суд тўғрисидаги Қонунда масалаларни кўриб чиқиш муддатлари аниқ кўрсатилган. Масалан, агар олинган материаллар қўйилаётган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд уларни олинган кундан эътиборан етти кунлик муддатдан кечиктирмай ўрганиб чиқишга киришади.

Конституциявий судда тегишли материал олинган пайдан бошлаб кечи билан уч ой ичида кўриб чиқилаётган масала юзасидан қарор қабул қилинади. Конституциявий суд конституциявийлиги шубҳа туғдирган аниқ масалалар юзасидангина тўхтамга келади.

Конституциявий суд норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб, бир вақтнинг ўзида текширилган норматив ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив ҳужжатлар хусусида ҳам (гарчи Конституциявий суд қараб чиқиши учун киритилган масалада улар хусусида сўз юритилмаган бўлса-да) тўхтамга келиши мумкин. Конституциявий суднинг давлатлараро шартномалар, қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Конституцияга тўла ёки қисман мос келмаслигини аниқловчи қарори ёки хулосаси, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиниши, шунингдек, Конституцияга мос эмас деб топилган ҳужжатга асосланган бошқа норматив актларнинг амал қилишини ҳам бекор қилади.

Конституциявий суднинг тўхтами очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Конституциявий суднинг судьяси овоз беришда бетараф қолишга ёки қатнашмасликка ҳақли эмас. Мажлисида қатнашаётган судьяларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган бўлса, Конституциявий суднинг тўхтами қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Конституциявий суднинг тўхтамига қўшилмаган судья ўз фикрини ёзма тарзда баён қилиш ва уни Конституциявий суд мажлиси баёнига қўшиб қўйишга ҳақлидир. Конституциявий суднинг талаблари унинг ҳал қилувчи қарорларида ёки бошқа шаклда ифодаланиши мумкин.

Давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Бошқа ҳолларда Конституциявий суднинг тўхтами хулоса деб аталади ёки бошқача шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва улар матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди.

Конституциявий суднинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг барчаси учун мажбурийдир.

## МУНДАРИЖА:

### I БОБ. КОНСТИТУЦИЯ — АСОСИЙ ҚОНУН.

1. Конституциянинг моҳияти ва юридик табиати. .... 3
2. Конституция — ҳуқуқий онг маҳсули. .... 9
3. Конституциянинг тамойиллари. .... 11
4. Конституциянинг асосий хусусиятлари. .... 19
5. Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш тартиби. .... 20
6. Конституцияни ҳимоялаш. .... 21
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ривожланган мамлакатлар конституцияларининг қиёсий таҳлили. .... 22

### II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

1. Конституциявий тузум тушунчаси. .... 24
2. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги — олий қадрият. .... 26
3. Халқ суверенитети. .... 29
4. Оиланинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши. .... 33
5. Демократик давлат. .... 35
6. Дунёвий давлат. .... 38
7. Унитар давлат. .... 39
8. Бошқарувнинг Республика шакли. .... 40
9. Ўзбекистон суверенитети. .... 42
10. Ҳокимият бўлиниши принципи. .... 44
11. Давлат ҳокимияти органлари. .... 47
12. Ўзини ўзи бошқарув. .... 49
13. Бозор иқтисодиёти принциплари. .... 51
14. Мулк шакли. .... 53
15. Ер ва табиий бойликлар. .... 56
16. Молиявий тизим. .... 57
17. Сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги. .... 60
18. Жамоат бирлашмалари. .... 62
19. Конституция ва қонуннинг устуңлиги. .... 64
20. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги. .... 66
21. Ташқи сиёсат принциплари. .... 67
22. Мудофаа ва хавфсизлик. .... 69

### III БОБ. ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

1. Шахс ва давлат муносабати. .... 71

2. Шахснинг тенглигини таъминловчи принциплар. ...	73
3. Фуқаролик, фуқароликка эга бўлиш, фуқароликни йўқотиш асослари. ....	76
4. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси. ....	81
5. Сиёсий ҳуқуқлар. ....	87
6. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар. ....	90
7. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари. ....	94
8. Фуқароларнинг асосий бурчлари. ....	95

#### IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ

1. Олий Мажлис — Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи. ....	100
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти. ....	129
3. Вазирлар Маҳкамаси. ....	147
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг tizими. ....	159
5. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиш тартиби ва ваколатлари. ....	176

#### V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими тушунчаси. ....	186
2. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи принциплари. ....	189
3. Вакиллик давлат органларига сайлов ўтказиш тартиби. Сайловчилар рўйхатини тузиш, сайлов округларини ва сайлов участкаларини тузиш. ....	194
4. Сайлов комиссиялари. ....	198
5. Сайловни тайинлаш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш. ....	208
6. Сайловолди ташвиқоти. Республика Президент- лигига номзод ва номзодларнинг кафолатлари. ....	216
7. Сайлов бюллетени. Овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш. ....	217
8. Сайловларнинг молиявий таъминоти. Сайлов тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик. ....	223

#### VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ҲОКИМИЯТИ

1. Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тизими, унинг ташкил этилиши ва одил судловнинг конституциявий принциплари. ....	224
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди. ....	231



**Рауф Қаюмович Қаюмов,  
Миршоҳид Мирҳамидович Мирҳамидов,  
Абдужаббор Тўлаганович Тўлаганов,  
Озод Тиллабоевич Ҳусанов,  
Улуғбек Жабборович Ҳотамов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ  
ЎРГАНИШ КУРСИ**

*(магистратуранинг ноюримдик ихтисосликлари учун)*

**Ўзбек тилида**

**"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.**

**Бадий муҳаррир Ў. Солихов  
Техник муҳаррир Т. Харитонов  
Мусахҳихлар: Ш. Мақсудова, М. Раҳимбекова  
Компьютерда тайёрловчи Э. Ким**

Теришга берилди 28.06.2001. Босишга рухсат  
этилди 20.07.2001. Қоғоз формати 84 × 108<sup>1/32</sup>. Шартли босма  
тобоқ 12,6. Нашр тобоқ 10,68. Нусхаси 5 000.  
Буюртма № 61. Баҳоси шартнома асосида.

**"Ўзбекистон" нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий, 30.  
Нашр № 140-2001.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитаси 1-босмаҳонасида босилди.  
700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2 уй.**

